

Наим Каримов



МУҲАММАДШАРИФ  
СЎФИЗОДА

*Наим Каримов*

# МУҲАММАДШАРИФ СЎФИЗОДА

Давр силсилалари шоир тақдирида

Тошкент  
«Muharrir» нашриёти  
2012



УДК: 94.(575.1) Сўфизода  
КБК 66.3(5Ў)6  
К42

**Каримов, Наим**  
**К42** Муҳаммадшариф Сўфизода, (Давр силсилалари шоир тақдирида) / Н. Каримов. — Тошкент.: «Muharrir» нашриёти, 2012, 132 б.

ISBN 978-9943-25-143-4

Миллий уйғониш даври адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Муҳаммадшариф Сўфизода мураккаб тарихий даврда яшаган. У шу даврда замондошларининг маърифатли бўлишлари, халқ ва мамлакат ҳаётида рўй берган воқеа ва ҳодисалар моҳиятини тўғри илғашлари, диний фанатизм, ижтимоий қолоқлик ва мустамлакачиликнинг барча кўринишларига уйғоқ кўз билан қарашлари ҳамда ижтимоий онг-шуурга эга бўлишлари йўлида фаолият олиб бёрди.

Қўлингиздаги рисола замондошларнинг Сўфизода ҳақидаги хотиралари ҳамда шоирнинг 1937 йилда қатагон қилинишига доир ҳужжатлар асосида ёзилди.

Рисола миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, умуман, ХХ аср ўзбек адабиёти ва маданияти тарихи билан шуғулланувчи адабиётшунос, тарихчи олимлар, педагоглар, аспирантлар ҳамда олий ўқув юртлари филология ва тарих факультетларининг талабаларига мўлжалланган.

УДК: 94.(575.1)  
КБК 66.3(5Ў)6

ISBN 978-9943-25-143-4

© Н. Каримов,  
«Muharrir» нашриёти,  
Тошкент, 2012

## ДЕБОЧА

Ҳаёт – бамисоли дарё. Агар бирор дарё ёки сой бўйида ўтириб, оқимнинг шу лаҳзадаги гўзаллиги ва ҳаётбахш нафасини туйганингиздан, юз-қўлингизни муздек сув билан ювиб, шу сувдан ҳовучлаб ичганингиздан кейин қандайдир яйраб-яшнаб кетасиз, киши. Ҳаттоки ҳийла яшаргандек, шуурингиз тиниклашгандек бўлади. Бундай ҳолатни ҳамма бўлмаса-да, кўпчилик бошидан кечирган. Аммо фалсафий мушоҳадага мойил кишиларгина шу дарё ёки сойнинг равон ёки долғали оқимини кўриб-кузатиб, сувнинг қаердан бошлангани-ю қаерда тугаши мумкинлигини ўйлаб кетади. Чиндан ҳам, дарё суви қаердандир бошланади, қаердадир тугайди ёки бошқа бир кўриниш касб этади. Биз ҳар бир дарёнинг олис тоғ чўққиларидаги музлардан, шу музларнинг аста-секин эриб, кичик-кичик жилғаларни ҳосил қилиши-ю, шу жилғаларнинг бирлашиб, дарёга айланишини яхши биламиз. Бироқ бу дарё қанчадан-қанча тоғу тошлар, бепоён далалар, чўлу биёбонлар оша ўтиб, бирор денгизга келиб қуюлади ёки бора-бора торайиб, озайиб, бирор жойга сингиб кетади. Дарё ҳар икки ҳолатда ҳам ўзлигини, исми-жисмини йўқотади.

Одамзод авлод ва аждодларга ажралади. Авлодлар тоғ музларидан ҳосил бўлган жилғалар янглиғ туғилиб, муайян ҳаёт йўлини босиб ўтадилар ва худди чўл ёки денгиз бағрига сингиб кетган дарё сувлари сингари, ҳаётдан ўтиб, аждодларга айланадилар. Ўнлаб авлодлардан кейинчалик санокли кишиларгина аждодлар қаторидан ўрин олиб, эсланиб ва эъзозланиб туради.

Бинобарин, мавжуд жамият қайси фан ва маданият арбобини халқ ва мамлакат олдидаги катта хизматлари учун кўкка кўтарган ёки кўтараётган ва уларни “улкан”, “машҳур”, “буюк”, “ўлмас” сўзлари билан алқаган ва алқаётган бўлса, бу уларнинг чиндан ҳам, халқ хотирасида узоқ яшашлари учун кафолат бўла олмайди. Зеро, ҳар бир арбобнинг хизматларига фақат келажаккина, тарихгина холисона ва ҳақиқий баҳосини беради.

Бу – яшаш қонуни... Аммо шу билан бирга... бошқа бир масала ҳам бор. Гап шундаки, ўзбек халқининг мустамлакачилик даври деб аталган яқин тарихида шундай сиймолар яшаб ўтганки, уларнинг баъзи бирлари муайян бир вақтда шўро давлатига хизмат қилганлари учун шу давлат томонидан рағбатлантирилган. Аммо шу давлатнинг асл қиёфасини кўриб, унга бўлган муносабатларини



ўзгартирганларидан сўнг улар ҳам йўқ қилиб юборилган. Давлат бу сиймоларни жисман махв этибгина қолмай, улар ҳаёти, илмий ва адабий фаолиятини нурлантира олувчи ҳужжат ва асарларни ҳам йўқ қилиб юборган.

Шундай сиймолардан бири Муҳаммадшариф Сўфизодадир.

Шўро давлати дин ва дин арбобларига қарши кураша бошлаган 20-йилларнинг ўрталарида мутаассиб диндорлардан озор кўрган Сўфизода уларга қарши ҳажвиялар, шунингдек, маърифатпарварлик руҳидаги шеърлар ёзгани учун Ўзбекистон халқ шоири унвони билан тақдирланган эди. Аммо эл-юрт ўртасида танилган барча кишилар сингари, у ҳам 1937 йилнинг “қил кўприг”идан омон ўтолмади. Шундан кейин “халқ душмани” Сўфизоданинг Ғайратий муҳаррирлигида нашрга тайёрланган асарларигина эмас, барча қўлёзма мероси ҳам куйдириб ташланди.

Сўфизодани кўрган ва озми-кўпми билган кишилардан бири, кўқонлик машхур педагог Пўлатжон Қаюмовдир. Унинг таъбирига қараганда, Сўфизода “маслак балоси” ифодасини тез-тез қўллар “очик чехрали, кулар юзли, келишимли қоматли” киши бўлиб, чехрасидан ғайрат ёғар, “озода кўриниши” эса унга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат уйғотар эди. “Сухбатига, – деб ёзади у, – киши тўймас, меҳрибон қалбга эга шоир эди. Енгил, силлиқ, авомфаҳм ибораларга эга, ўткур маъноли лирика эгаси эди бу шоир. Авомчилиги йўқсулларга яқин туриши ила танилиб борар(ди). Бошқа шоирлардан кўра, Ҳамзага ҳамфикр, ҳамоҳанг турар эди. Шеъридаги фасоҳат ва балоғат бошқа шоирларда кам учрайдур. Унинг лирикасида сўздан кўра маъно ортиқ юрадур...”<sup>1</sup>

Сўфизода ана шундай шоир эди.

<sup>1</sup> Қаюмов П. Тазкирайи Қайюмий. – Тошкент, 1998. – Б.183.

## СЎФИЗОДА ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Ўтган асрнинг 20-йиллари бошларида Фарғона водийсида яшаган ва водийнинг ижтимоий-маданий ҳаётида фаол қатнашган уч шоир – Чўлпон, Рафиқ Мўмин ва Сўфизоданинг моддий аҳволини яхшилаш чоралари кўрила бошлади. 1923 йил 6 декабрь куни Фарғона вилояти ижроия комитети 13-чақириқ биринчи пленумининг М.Алихўжаев раислигида йиғилиши ўтказилиб, юқорида номлари зикр этилган ижодкорларни моддий рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилди. Йиғилиш Чўлпонга Андижон уезд-шаҳар ижроия комитети ҳисобидан, Рафиқ Мўмин билан Сўфизодага эса Наманган уезд-шаҳар ижроия комитети ҳисобидан масъул ходимлар учун белгиланган 14-тоифа бўйича ойлик стипендия бериш масаласида Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Советига мурожаат этишга қарор қилди.

Аммо орадан ойлар эмас, ҳатто йиллар ўта бошлаганига қарамай, Сўфизода ва унинг қаламкаш биродарларига стипендия бериш масаласи ҳатто 1924–1925 йилларда ҳам ўз ечимини топмади. Шундан кейин Сўфизодани яхши билган наманганлик журналист Лутфулла Олимий 1925 йил 30 март куни “Фарғона” газетасида “Унутилган шоир” деган мақола билан чиқди.

Тахминимизга кўра, Чўлпон, Рафиқ Мўмин ва Сўфизодани яхши билган республиканинг ўша пайтдаги айрим раҳбарлари бу масалани бошқа бир йўл билан ҳал қилишни лозим, деб ҳисобладилар. Яъни улар шу йилларда “ўзбек тилида қатор пьесалар ёзган ва шу асарлари билан ўзбек театр репертуарини яратган” Ҳамза ҳамда “ўзбек халқ шеърятини яратиш ва ривожлантиришга ҳисса қўшган” Сўфизодани алоҳида тақдирлаш ва бошқа ижодкорларга ибрат бўлишлари учун уларга “халқ ёзувчиси” ва “халқ шоири” унвонларини таъсис этиш лозим, деган фикрга келадилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети ҳайъатининг 1926 йил 27 февралда бўлиб ўтган йиғилишида Ҳамзага “халқ ёзувчиси”, Сўфизодага эса “халқ шоири” унвонини бериш ҳамда уларга шахсий нафақа тайинлаш масаласи кўриб чиқилади ва бу масала ижобий ҳал этилади.

Шундан кейин “Маориф ва ўқитувчи” журналининг 1926 йил 10–11-қўшма сонида “Шоир Тохир Сўфизоданинг қисқача таржимаи ҳоли” эълон қилинади.

Шу ўринда бир савол туғилади: Нима учун мазкур ҳасби ҳолда Сўфизоданинг исми Тохир деб берилган? Бу журнал ходимининг хатосими ёки Сўфизодани шундай деб ҳам аташганми? Бу масалага ҳийла ойдинлик киритиш учун мазкур журнал ходими Шокир Сулаймоннинг 1926 йил 30 октябрда Сўфизода ва Ҳамзага йўллаган куйидаги хати билан танишайлик:

*“Шоирларимиз Сўфизода, Ҳамза Ҳакимзода афандиларга!*

*Фаргона(га) кетмасдан илгари, шу яқин кунларда ўз таржимаи ҳолларингизни қисқа суратда ёзиб берсаларингиз эди.*

*“Маориф ва ўқитувчи” журналида шундай эски ўқитувчи ва халқ шоирларимизнинг таржимаи ҳоли ва хотиралари бўлишилиги матлуб.*

*Сўроғларимиз шояд эътиборсиз қолмас.*

*Зўр улуглов билан,*

*Шокир Сулаймон”.*

Бу хат ҳар иккала ёзувчининг Тошкентдалиқ пайтида ёзилган. Журнал таклифига кўра, улар ўз таржимаи ҳолларини ўз қўллари билан ёзиб берганлар. Шокир Сулаймон, ўйлаймизки, бу таржимаи ҳоллардаги бирорта фактни бузмаган ҳолда, аммо уларни учинчи шахс, яъни журнал таҳририяти номидан эълон қилган, холос. Унинг Сўфизода таржимаи ҳолини нашрга тайёрлаш жараёнида шоир исмини ўзбошимчалиқ билан Тохир деб атаганига ишонгинг келмайди, киши.

1934 йили янги ташкил этилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг танқид ва адабиётшунослик шўъбаси Фанлар Комитети қошидаги Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда таниқли шоир ва ёзувчилар ижоди ҳақида рисола ва монографиялар яратишга киришди. Институт илмий ходими Миён Бузрук Солиҳовнинг “Сўфизода ва унинг ижоди ҳақида” деган рисоласи шу йўналишдаги илмий асарларнинг қалдирғочи бўлди. Ушбу рисолада биринчи халқ шоирининг ҳаёт ва ижод йўли тадқиқ этилиб, унинг асарларидан намуналар берилди. Орадан бир йил ўтгач, “Машғала” журналининг 1935 йил 1-сонида М.Ш. (М.Шайхзода) нинг “Сўфизода ҳақинда” мақоласи чоп этилди. 1937 йилда, бошқа таниқли ёзувчилар қатори, Сўфизоданинг ҳам



катагон этилиши унинг узок йиллар мобайнида “унутилиб келиши”га сабаб бўлди. Ниҳоят, 1967 йили Тил ва адабиёт институти томонидан нашрга тайёрланган “Ўзбек совет адабиёти тарихи”нинг 1-жилдида Муҳаммадшариф Сўфизоданинг Тўлқин Расулев томонидан ёзилган адабий портрети дунё юзини кўрди. Ёш тадқиқотчи шоирнинг она юртига бориб, унинг қариндош-уруғлари, таниш-билишлари ва шогирдлари билан учрашиб, улардан ёзиб олган хотиралари асосида ва М.Б.Солиҳовнинг рисоласига таянган ҳолда шоирнинг мураккаб ҳаёт ва ижод йўлини гавдалантириб берди. 1968 йилда Сўфизоданинг шу муаллиф томонидан тайёрланган “Тароналар” тўпламининг нашр этилиши яна бир муҳим воқеа бўлди.

1989 йилда Сўфизода таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан тошкентлик ёзувчи ва олимлар Йўлдош Шамшаров, Жонрид Абдуллахонов, Бегали Қосимов, Бахтиёр Назаров, наманганлик олим ва ўқитувчилар Исматилла Абдуллаев, Алихон Халилбеков, Шукрулло Ғаффоров, А. Раҳимов ва бошқаларнинг қатор мақолалари эълон қилиниб, уларда Сўфизода ҳаёти ва ижодининг номаълум қирралари ёритиб берилди. 1999 йили “Маънавият” нашриёти томонидан Сўфизода, Ибрат ва Ажзий Танланган асарларининг “Истиқлол қаҳрамонлари” рукнида чоп этилиши “сўфизодашунослик”нинг давом этаётганидак дарак берди. 2007 йилда Алихон Халилбековнинг Сўфизода ҳақидаги “адабий портрет”ни ўз ичига олган “Наманган адабий гулшани” тадқиқот ва мақолалар тўплами, Ҳомиджон Ҳамидий ва Маъмуржон Маҳмудовнинг “Наманган адиблари”, Хусайнхон Орифийнинг “Муҳаммадшариф Сўфизода”, Мансур Инъомнинг “Қалами ўткир эди” рисоалари, шунингдек, Раҳмон Иномхўжаевнинг афгон маърифатчилигига бағишланган мақолаларининг юзага келиши сезиларли воқеа бўлди. Шоир таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан бошланган кутлуғ иш – у ҳақдаги замондошларнинг хотираларини ёзиб олиш ва оммалаштириш ишининг Хусайнхон Орифий ва бошқа чувстик фидойилар томонидан давом эттирилиши, айниқса, қувонарлидир.

Шундай қилиб, “сўфизодашунослик” ўтган давр мобайнида катта ютуқларга эришди. Аммо унинг олдида шундай муҳим вазифалар турибдики, бу вазифаларни бажариш учун, бир томондан, араб ёзувини эгаллаган, иккинчи томондан, Туркия, Афғонистон сингари мамлакатларнинг архив ва кутубхоналарида



ишлаш имкониятига эга бўлган ёшларнинг устозлари сафига келиб қушилиши ва улар бошлаган ишни давом эттириши тақозо этилади.

Сўфизодага бағишланган бир неча илмий ва илмий-оммабоп асарларнинг яратилганига қарамай, ушбу рисола ёзишга киришишимнинг боиси каминанинг айрим архивларда ишлаш натижасида шоир ҳаётининг фожиали даврига оид маълумотларни қўлга киритганим, шу ва бошқа масалалардаги айрим ноаниқликларга ойдинлик киритиш имкониятига эга бўлганлигимдир. Қолаверса, Сўфизода ижодининг наманганлик мухлислари ўша 1989 йилдан бери каминани шоир ҳақидаги янги маълумотлар билан таъминлаб турдиларки, бу ҳол ҳам мени ушбу рисола ёзишга ундади.

## СЎФИЗОДА ҚАЧОН ТУҒИЛГАН?

Муҳаммадшариф Сўфизода ҳақидаги дастлабки рисола ва мақолалар шоирнинг ҳаётлик пайтида ва, ўйлаймизки, у билан олиб борилган суҳбат ва гурунглари натижасида ёзилган бўлса-да, туғилган санаси ҳали ҳам қоронғи бўлиб келмоқда. Тўғри, 1989 йилда ўтказилган шоирнинг 120 йиллик тантаналари бу муаммага маълум даражада нукта қўйган. Лекин худди шу тантаналардан кейин, кўп ўтмай, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталигининг 1993 йил 23 июль сонидagi "Сўфизода қачон туғилган?" сарлавҳали мақола адабий жамоатчиликни ўйлантириб қўйди. Мақола муаллифи Аҳмад Муҳаммад Убайд Наманган вилоят давлат архивида 173 рақами остида сақланиб келаётган Сўфизоданинг Чуст шаҳар иштирокию фирқаси аъзолигига номзод бўлиш учун тайёрлаган ҳужжатларини топган эдики, бу ҳужжатлар шоирнинг фанда қабул қилинган таваллуд санасини чиппака чиқариши ҳеч гап эмас эди. Шу ҳужжатлар орасида Сўфизоданинг ўз қўли билан ёзилган таржимаи ҳоли ҳам бўлиб, унда бундай сўзлар ёзилган экан:

*"Мен 1880 йилда Чуст шаҳридаги Кунчиғарлик жамоасида туғилганман. Отам ерсиз камбағал бўлиб, деҳқончилик қилган ва ўзи ерсиз камбағал синфидан эди. Аҳволим зоятда тубан бўлиб, отамдан 15 ёшимда айрилгандим. Менинг билан волидам ва бир укам қолди. Шу вақтларда мен даладан ўтин ташиб келиб, сотиб ва мардикорлик қилиб ишлаб, кун кечириб келар эдим. 1912 йилда*

қўшичилик қилганман. Эски ҳукуматга отам ҳам, ўзим ҳам хизмат қилганман. Чунки камбагал бўлганимиз учун у пайтларда бизларга иши йўқ эди.

Ўқишим даражасига келсак, эски мактабни битирганимдан кейин уч ойлик курсда янги руҳдаги ўқишда ўқиганман. 1921 йилда Чуст шаҳрида ўз тушунчам ва ўз хоҳишим билан фирқага кирганман ва шу йилларда Чустда партия ташкилотчиси бўлиб ишладим, бир фирқадан иккинчи фирқага ўтганим йўқ ва ўтиш ниятида ҳам эмасман. Чуст фирқа ташкилотида раҳбар бўлиб, 1921 йилда вақф бўлимида ҳам ишладим. Ҳеч қандай ҳукм билан ёки бошқа ишлар тўғрисида қамалган эмасман. Аммо истибдод даврида янги усул мактабида ўқитганим учун қамалган эдим.

Февраль инқилобидан кейин – 1917 йилдан халқни оқартув тўғрисида газета ва бошқа жойларда инқилобий руҳда ҳар хил шеърлар ёзиб турдим, шунингдек, фирқа, вақф идораларида ишладим. Агарда ҳозирда шўролар ҳукумати тарафидан ҳар қандай бир эзгу хизмат бўлса бўлсин, қилишга тайёрман, деб таржимаи ҳолни ёзувчи Чуст шаҳар фирқа кандидати Сўфизода”.

Мазкур ҳужжатлар мажмуасида, бу таржимаи ҳолдан ташқари, анкета (савол варақаси) ҳам бўлиб, унда қуйидагилар ёзилган:

“Сўфизода 1880 йилда камбагал деҳқон оиласида туғилган, маълумоти ўрта, асосий касби ўқитувчилик, қилиб турган вазифаси ва иши шоирлик бўлиб, оиласи 8 жондан иборат”.

Мақола муаллифи бу ҳужжатларнинг қачон тузилгани тўғрисида бирор маълумот бермаган. Лекин аниқ айтиш мумкинки, бу ҳасби ҳол ва анкета 1921 йилда, Сўфизода “Чуст шаҳар иштирокиюн фирқаси аъзолигига номзод” бўлиб кирмокчи бўлган вақтда ёзилган. Шу вақтда шоир, агар ҳасби ҳол билан анкета маълумотларига ишонсак, 41–42 ёшларда бўлади. Агар шоирнинг туғилган йилини фанда қабул қилинган сана асосида 1869 йил, деб белгиласак, у ҳолда ёши 53 да бўлган.

Шу ёшга кирган кишининг 1918 йил феврилида Қўқон ёш совет давлати томонидан қонга ботирилганидан кейин большевиклар партиясига аъзо бўлиб кирганига ишонгинг келмайди, киши. Аммо шоирнинг 1914–1919 йилларда сарсонлик-саргардонлик даврини бошидан кечирishi ва ўз ватанига қайтиб келиши тарихини ўргансак, унинг большевиклар билан яқинлашиши сабаблари бир қадар ойдинлашади.

Энди Сўфизода ҳаёти ёритилган айрим манбаларга назар ташласак.

Лутфулла Олимий, Миёнбузрук Солихов ва Мақсуд Шайхзоданинг мақола ва рисоаларида Сўфизоданинг туғилган санаси умуман четлаб ўтилган. Шоирнинг “Маориф ва ўқитувчи” журналида эълон қилинган таржимаи ҳолида 1870 йилда туғилганлиги қайд этилган. Худди шу материал “Чуст ҳақиқати” газетасининг 1989 йил 15 апрель сонидида сарлавҳаси ва айрим жумлалари бир оз ўзгартирилиб, бизни қизиқтирган сана эса 1869 йил, деб берилган.

Илк бор Т.Расулев томонидан илмий муомалага киритилган бу сана, яъни 1869 йил барча наманганлик муаллифларнинг рисола ва мақолаларида Сўфизода туғилган йил сифатида қайд этиб келинади. Шоирнинг 120 йиллиги ҳам 1989 йили Чуст шаҳрида ана шу маълумот асосида кенг нишонланган.

Қўқонлик таниқли педагог ва адабиётшунос Пўлотжон Қайюмовнинг 1953–1960 йилларда майдонга келган “Тазкираи Қайюмий” асарида гарчанд Сўфизоданинг туғилган йили алоҳида қайд этилмаган бўлса-да, муаллиф қуйидаги маълумоти билан бу масалага ўз муносабатини билдириб ўтган. “Сўфизода, – деб ёзади тазкиранавис, – 1937 йилда Намангонда ҳибсга олиниб, Тошканд шаҳарига юбориладур. Бунда текширилганда бўшатилиб эди. Шул вақтда Тошкандда бир дўстининг хонасида, шул йилда 57 ёшинда вафот этадур”<sup>1</sup>. Агар Сўфизода ҳаётини шу маълумот асосида чўтга солиб кўрсак, у 1880 йилда туғилган бўлиб чиқади. (Шу ўринда қайд этиш лозимки, ҳибсга олинган шоирнинг 1937 йилда Тошкентга юборилгани ва қамокдан озод этилгани тўғрисидаги маълумот ҳақиқатга тамомила зиддир.)

Модомики, баҳс шоирнинг қатагон этилишига бориб тақалган экан, шу масалага оид ҳужжатларга ҳам назар ташлаш жоиз.

Сўфизодани ҳибсга олиш учун 1937 йил 7 май куни ёзилган қарорда “Худойбердиев Шарифбой, 60 ёшда, чуствлик, миллати тожик<sup>2</sup>”, деган сўзларни ўқиймиз. Шу маълумотга қараганда, шоир 1877 йилда туғилган бўлиб чиқади. Аммо Сўфизода қамокқа олинган 8 май куни тўлдирилган анкетада унинг туғилган вақти 1867 йил, деб қайд этилган. Бу маълумот эса давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Мусин томонидан маҳбуснинг ЮВ 245531

<sup>1</sup> Қайюмов Пўлотжон Домулла. Тазкираи Қайюмий. – Тошкент, 1968. – Б.485.

<sup>2</sup> Бошқа анкета ва қарорларда – ўзбек.



рақамли паспортга қараб ёзилган. Демак, биз бу санани Мухаммадшариф Сўфизоданинг туғилган йили сифатида қабул қилишимиз мумкин.

Бироқ шу нарсани унутмаслик зарурки, аҳолини паспортлаштириш жараёни бошланган 30-йилларнинг бошларида айрим кишиларнинг туғилган саналари бепарволик оқибатида нотўғри ёзилган. Кимдир ўзининг туғилган йилини аниқ билмаган, кимнингдир туғилган санаси (хатто исм-шарифи ҳам) нотўғри ёзилган. Агар шундай ҳолларнинг оз бўлмаганини назарда тутсак, бу сўнги маълумотга ҳам шубҳа билан қарашга ҳақли бўламиз. Ҳар ҳолда шоирнинг 1869–1970 йилларда туғилганини тасдиқловчи маълумотларда жон бор. Биринчидан, агар 1935 йил 29 январда шоир туғилган кунининг 65 йиллиги нишонланган бўлса, демак, у 1870 йилда туғилган бўлиб чиқади. Худди шу санани 1926 йили “Маориф ва ўқитувчи” журналида босилган “Шоир Тоҳир Сўфизоданинг қисқача таржимаи ҳоли”даги қуйидаги сўзлар ҳам тасдиқлайди: “Сўфизода ҳозир 56 ёшда бўлиб, уйғониш даври... ўзбек адабиётида катта ўрин олатурган шоирлардандир”. Бу маълумотга кўра ҳам, шоир 1870 йилда туғилган.

Демак, Мухаммадшариф Сўфизода 1870 йили Наманган вилоятининг Чуст туманида туғилган.

## БОЛАЛИК ВА ЁШЛИК ЙИЛЛАРИ

Юкорида кўрганимиздек, Сўфизоданинг туғилган йили шоирнинг ўзи томонидан турли йилларда турлича қайд этиб келинганки, бу ҳол бизни унинг 29 январь куни дунёга келгани ҳақидаги маълумотга ҳам шубҳа билан қарашга ундайди. Зеро, қайси йили туғилганини аниқ билмаган шоир, ҳеч шубҳасиз, туғилган кунини ҳам билмаган. Унинг 65 йиллиги 1935 йил 29 январда нишонланганлиги эса тасодифдан ўзга нарса эмас.

Сўфизода дунёга келган вақтда жабрдийда ўзбек халқи ўз тарихининг яна бир мустамлакачилик даврини бошлаган, халқнинг асрлар давомида шаклланган тили ва маданияти, ижтимоий-миллий муассасалари фаолияти ва маиший турмушида эса қандайдир ўзгаришлар бўлиши кутилаётган эди. Аммо у дунёга келган Чуст шаҳри янги ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлигининг чекка жойларидан бири бўлгани туфайли маҳаллий аҳоли



ҳаёти ҳамон эски оқимда оқаётган, шу аҳолининг тақдирини белгилаб келган кишиларнинг тиллари ҳамон бийрон, қамчилари эса ҳамон бева-бечораларнинг елкасида эди.

Мустамлакачилар қандай катта кучга эга бўлмасинлар, ҳамма замонларда уларга қарши муҳолифатчилик ҳаракатлари бўлган. Бу ҳаракат кўпинча стихияли ғалаёнлар, исёнлар, қўзғолонлар шаклида бўй кўрсатган ва мустамлакачилар томонидан шафқатсизлик билан бостириб келинган. Туркистонда ҳам чор ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати ва зулмига қарши кўплаб ғалаён ва қўзғолонлар бўлди. Аҳолининг аксар ҳолларда уюшмаган бундай ҳаракатлари осонлик билан бостирилди. Кундан-кунга авж олиб борган зулм аҳолида мутелик хусусиятларини тарбиялади. Шундай шароитда халқнинг илғор фарзандлари зулм ва маърифатсизликка қарши маърифат билан курашиш лозимлигини сездилар. Улар, бир томондан, реал турмуш тақозоси билан, иккинчи томондан, Қрим, Қозон, Қоҳира, Калькутта сингари шаҳарларда нашр этилган тараққийпарварлик ғояларини тарғиб қилувчи газеталар таъсирида жадидчилик ҳаракатини бошлаб юбордилар. Бу ҳаракат раҳбарларининг фикрига кўра, мактаб таълимини ислоҳ этиб, замонавий билим билан қуролланган ёшларни етиштириш ва улар ёрдамидагина эрк ва ҳурриятга эришиш мумкин эди. Туркистонда XIX аср охири – XX аср бошларида жунбишга келган бу ҳаракатга XX асрнинг 10-йилларида наманганлик маърифатпарварлар ҳам келиб қўшилдилар.

\* \* \*

Чуст азал-азалдан ўзбек миллий пичоқчилик саноатининг маркази бўлиб келган. Дунёда Исфаҳон қиличи қандай шухрат қозонган бўлса, Чуст пичоғининг доврўғи ундан кам эмас. Сўфизоданинг отаси Эгамберди ака Камарсадаги масжиднинг сўфиси бўлган эса-да, пичоқчилик касб-хунарининг барча сирларини эгаллаган, ота-боболаридан қолган шу хунари орқасида турмуш тебратибгина қолмай, ўғли Машариф орқали уни кейинги авлодларига ҳам етказиш ниятида эди. Замондошларининг шаҳодат беришларича, Эгамберди сўфи ўта содда, камтар ва камсухан бўлган. Унинг бу фазилатини ёзувчи ва журналист Йўлдош Шамшаров таърифлаб, бундай ёзган эди: “Дадаси ўта қашшоқ – Эгамберди пичоқчи жуда содда одам бўлганидан улфатлари унинг оти кетига “Сўфи”ни тираб қўйишибди, бора-бора “Сўфи” хукмрон

чиқиб, Эгамбердини бадарга қилибди... Сўраганларга ҳазиломиз Сўфизода шундай дер эди».

Шўро давлати 20-йилларда дин ва дин арбобларига қарши кураш бошлаганида Сўфизода отасининг сўфи бўлганини яширишга ва ўзи учун ноқулай вазиятдан боягидагидек ҳазил-хузил билан чиқишга уринган кўринади.

Сўфизоданинг шоғирдларидан бири Иброҳим Ғозиев шоир тўғрисидаги хотираларида у туғилган жой ва ота-онаси тўғрисида бундай маълумотни берган: “Камарса довонидан пастга тушишда, ун томонда кўримсизгина уй бўлиб, бу Эгамберди пичоқчининг ҳовчиси эди. Бу уй ҳозир бузилиб кетган. Эгамберди пичоқчининг уч фарзанди бўлиб, тўнғичи Муҳаммадшариф эди. Эгамберди ака пичоқчилик қилиб оила боқса, ширинсухан турмуш ўртоғи Ойимби маҳалла маросимларини бошқариб борарди”.

Пичоқчининг ўғли болалигида нимани кўрган, нима билан шуғулланган бўлиши мумкин? Албатта, пичоқчилик билан-да. Отаси пўлатни эритиб, унга пичоқ шаклини бераётганида Машариф дам босган. Отаси тайёр бўлган пичоқ даммини ўткир қилаётганида Машариф чарх тортган. У болалигидан жисмоний меҳнатга ўрганиб, отаси сингари мускуллари бақувват, елкаси кенг, тоши оғир бўлиб ўсган.

Бўлажак шоирнинг онаси – маҳалла аҳли ўртасида Ойимби исми билан танилган Зайнаб ая тўғрисида, афсуски, бошқа маълумот йўқ. У хат-савод борасида ўғлига сабоқ берадиган даражада илғор аёллардан бўлмаган чоғи, шунинг учун ҳам Машариф биринчи сабоқни қўшниси Манзура отиндан олган.

Шоирнинг ҳамшаҳари ва уни яхши билган Йўлдош Шамшаровнинг ёзишича, Манзура отин саводли ва эртақчи аёллардан эди.

“Манзура кампир, – деб ёзган эди у, – саводли, эртақчи қўшни аёл эди. Боланинг ўқишга иштиёқи баландлигини, кунти ва зеҳнини фаҳмлаган кампир унга сабоқ бериб юрди. Муҳаммадшариф ўқиш-ёзишни тез ўрганди, кечалари кўпроқ кампирнинг уйида тунаб қолар, унинг эртақларини тингларди.

Бола кўнглида адабиётга сўнмас туйғу ва кунт кампирнинг сабоқ ва эртақлари уйғотгани шубҳасиздир балки, аммо душманлари вужудини ёндирадиган сўзларни унинг кўнглига ўша муҳит, ўша ҳаёт машаққатлари жойлаган эди”.

Чиндан ҳам, шоир яшаган муҳит оғир эди. Узок даврлар мобайнида авомнинг елкасига миниб олиб, унга сўзларини ўтказиб келган кимсалар елкадан тушишни истамас, Одам Ато замонидан бошлаб расм бўлиб келаётган тартибларнинг янги тарихий даврда ҳам яшашда давом этиши учун тиш-тирноқлари билан курашар, шу курашда диндан-да усталик билан фойдаланар эдилар. Шу маънода муҳит нафақат оғир, балки қашшоқ ва ғазабкор ҳам эди. Сўфизоданинг ҳажвнавис шоир бўлиб шаклланишида ана шу муҳит муҳим роль ўйнади.

“Сўфининг кўча ёқасидаги тор, кичкина “устахона”си гоҳо гавжум бўларди, – деб эслайди Йўлдош Шамшаров, – таниш-билишлар йиғилишиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришарди; суҳбат кўпинча ҳасрат билан ўтарди; гапга қулоқ солиб, дам босиб ўтирган бола огзидан гоҳо шундай зил, шундай аччиқ, пичоқ дамидай кескир сўз(лар) чиқарди; хонага бирдан чўккан ногаҳоний жимлик гулдурос кулгига айланарди.

Сўфи эса ханг-манг: ахир, у тилаб-тилаб топган ўглини беозор, ширинсўз, художўй кўрмоқчи эди. Кимдан юкди? Наҳот Манзура кампирнинг сабоғи бўлса?..”

Йўк, унинг тилини бийрон, сўзларини аччиқ ва кескир қилган Манзура отин эмас, теварак-атрофни қуршаб турган қашшоқ ва ғазабкор муҳит эди. Манзура отин эса бўлажак шоирни халқ кўшиқлари, эртақ ва ривоятларининг сеҳрли олами билан ошно этган, ўзбек ва форс адабиётининг содда намуналарини ўқиб ва ёд олиб, улардаги бадий гўзалликни мурғак қалби билан ҳис қилишига ёрдам берган эди, холос.

Сўфизоданинг маънавий ҳаётида чуқур из қолдирган бу аёл тўғрисида шоирнинг бошқа бир ватандоши – Боймирза Ҳайит бундай сўзларни ёзган: “Манзура отин ўз даврининг мунаввар хонимларидан бириси бўлиб, адабий ҳаётга кўп қизиқар ва шеърларни муқом билан ўқиш соҳасинда ном қозонган эди. Бу хоним Сўфизоданинг келажакда шоир бўлиб етиши(ши) учун кўп аҳамият берган. Сўфизода Манзура отин мактабинда ўқимокда бўлган вақтидаёқ шеърлар ёза бошлаган. Ўз муаллимасининг ёрдами билан Фирдавсий, Ҳофиз, Навоий, Махмур, Гулханий, Турди каби шоирларнинг асарларини ўргана бошлаган”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> “Миллий Туркистон”, 1965, 109-сон. – Б. 20.



Шу муаллифнинг гувоҳлик беришига кўра, Муҳаммадшариф Манзура отин мактабини тугатгач, бир неча вақт чарх тортиб, дам босиб, отасига ёрдам бериб юрган.

Сўфизода Манзура отиннинг ибтидоий мактабидан ташқари, иш қаерда ва кимдан таҳсил олган? Афсуски, бу тўғрида бирор маълумот йўқ. Агар “Тазкираи Қайюмий”да Сўфизоданинг Чуст ва Наманганда таҳсил олганлиги йўл-йўлакай айтиб ўтилган бўлса, “Наманган адабий гулшани” китобида А.Халилбеков: “Аввал маҳалла мактабида ўқийди. 1893–1898 йилларда Кўқонда таҳсил олади ва ижод қилади”, – деб ёзган. Шоир ҳаёти ва ижоди билан махсус шуғулланган М.Б.Солиҳов ҳам, Т.Расулев ҳам ўз тадқиқотларида ўша даврнинг мафкуравий талабларига риоя қилиб, бу масалани четлаб ўтганлар.

Аммо Ҳусайнхон Орифийнинг номи юқорида тилга олинган рисоласида Чуст шаҳри Меҳнатобод маҳалласида яшаган Маҳмудхон Тўраев (1898–1994) ва Чуст шаҳри Бофанда маҳалласида яшаган Абдуллахон Маърупов (1920–2003) нинг узуқ-юлуқ хотиралари келтирилганки, айти шу хотиралар мазкур масалага маълум даражада равшанлик киритади.

Маҳмудхон Тўраев Сўфизодани кўча-кўйда, раста ва бозорда кўп учратган кишилардан бири ўлароқ шоирни “салобатли, кўркам, камбағалпарвар инсон” сифатида билган. Унинг “катта дада”си Саъдуллахон аълам эса Сўфизоданинг устози бўлган. “Ана шу улуғ инсон, – деб хотирлаган эди Маҳмудхон Тўраев, – Шарифбой – Ваҳший (яъни Сўфизода) га арабий ва форсийдан дарс берганлар”.

Маҳмудхон Тўраевнинг бу маълумотини Саъдуллахон аъламнинг невараси Абдуллахон Тўра Маърупов, шоира Зулфия ифодаси билан айтсак, ўз “хотира синиклари” билан тўлдириб, бундай деган:

“Қиблагоҳим Маъруфхон Тўранинг (Аллоҳ раҳмат қилсин) айтишларича, бобомиз Саъдуллахон аълам шоир Сўфизодага устозлик қилганлар. Камарсадаги мачитлардан бирида сўфилик қилаётган Эгамберди пичоқчи кунларнинг бирида бобомиз аъламга учрашиб: “Ўғилларим даргоҳингизда ўқиб илм ўрганса, зора сиз каби маърифатли инсон бўлиб етишса”, – дебди. Бобомиз уч ўғилдан илм ўрганишга майли бор, ғайрати жўшиб турган Муҳаммадшарифни танлаб олиб, отаси Эгамбердига:

– Шу катта ўғлингнинг зехни жойида, илм ўрганишга ҳам мойиллиги бор, майли менда ўқий қолсин”, – дебдилар.



Шундан сўнг Муҳаммадшариф бобомизда таълим олган экан”.

Бу икки хотира шундан дарак берадики, Муҳаммадшариф Манзура отиннинг қўлида оқ-қорани танибгина қолмай, Чустдаги эски мактабда ҳам ўқиган.

Адабиётшунос Тўлқин Расулев Сўфизода ҳақидаги адабий портретида шу ҳақда қуйидаги маълумотни берган: “Шоирнинг Чуст район Сероп маҳалла, Фрунзе кўча, 32-уйда яшовчи синглиси – 91 ёшли Дарвеш кампирнинг ҳикоясича, ёш Муҳаммадшариф саводини олдинроқ чиқаргани ва кўп нарсани билгани учун домласи кўпинча дарсни унга топшириб, ўзи мурид овлагани кетар экан. У эса пайтдан фойдаланиб, ўз шеърларини болаларга ўқиб берган. Баъзи шеърларини болалар ёдлаб ҳам олганлар. Улар ана шу (эски феодал урф-одатлари ҳамда шариат пешволарининг ярамас қилиқларини фош қилувчи) сатиралардан бирини хор билан айтаётганларида домла келиб қолган ва Муҳаммадшарифни қаттиқ калтаклаб, мактабдан ҳайдаган”<sup>1</sup>.

Бу домла Муҳаммадшарифга араб ва форс тилларидан сабоқ берган чушлик машҳур уламолардан бири Саъдуллахон аъламми ёки бошқа бир кишими, бу ҳақда аниқ бир фикрни айта олмаймиз.

## ШОИРЛАР ШАҲРИДА

Фаргона водийсининг кўркам шаҳарларидан бири Қўқон 1782 йилда, Абдурахимбий даврида Қўқон хонлиги пойтахтига айланган. Амир Умархон (1810–1822) ва Муҳаммад Алихон (1822–1842) ҳукмронлик қилган йилларда салтанатда фан ва маданият, адабиёт ва санъатга катта эътибор берилди бошлади. Шунинг самараси ўлароқ Қўқонда 50 дан зиёд мадрасалар очилиб, шу мадрасалардан Муқимий, Фурқат, Муҳйи, Завкий сингари машҳур шоир ва фозиллар етишиб чиқдилар. Шунинг учун қўқонлик шоир ва драматург Собир Абдулла киндик қони тўкилган шаҳрини «Шоирлар шаҳри, фозиллар фаҳри», деб бежиз атамаган.

Чиндан ҳам, сўнгги икки асрда Қўқондан шу қадар кўп шоирлар етишиб чиқдиларки, ҳозирги Ўзбекистоннинг бошқа бирор шаҳари бу масалада Қўқон билан баҳслаша олмайди. Қўқон шу икки аср мобайнида халққа нафақат шеърят, балки маърифат ўчоқларидан бири бўлиб ҳам ҳалол хизмат қилди. Айниқса, XIX

<sup>1</sup> Ўзбек совет адабиёти тарихи, 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1967. – Б.308.

ерда Қўқон мадрасалари Туркистоннинг нуфузли мадрасаларидан ҳисобланиб, бошқа шаҳарлардан келган кўнлаб муллаваччалар ҳам шу ерда таҳсил олдилар.

Манзура отин қўлида хат-саводини чиқарган Муҳаммадшариф эски мактабдан ҳайдалганидан сўнг, 1893 йили, отасининг хоҳиш-истаги билан Қўқонга бориб, 1898 йилга қадар ўша ерда яшади. Афсуски, Сўфизода ҳақидаги рисола ва мақолаларда шоирнинг Қўқон мадрасаларининг бирида таҳсил олгани тўғрисида бирор сўз айтилмаган. Муҳаммадшариф умрининг Қўқонда кечган беш йили мобайнида бирор мадрасада таҳсил кўрдими ёки тирикчиликнинг бошқа бирор кўчасида туз-насибасини териб юрдими, шу ҳақда ўша вақтда ҳам, кейин ҳам бирор маълумот эълон қилинмади. Сўфизоданинг 1937 йили ҳибсга олминишим муносабати билан тўлдирилган анкетада унинг 5–6 йил эски мактабда ўқигани айтилган, холос. Тахмин қилиш мумкинки, Эгамберди сўфи мактабдан ҳайдалган фарзандини ғазабкор домланинг назаридан қочириш мақсадида Қўқонга олиб борган ва уни шу ердаги мадрасалардан бирига ўқишга жойлаган. Муҳаммадшариф шу ерда, анкетада қайд этилганидек, 5–6 йил эмас, балки 5 йил “мадраса тупроғини ялаган”. Шу билан бирга ҳажвий шеър ва лирик газаллари Қўқон аҳли ўртасида машҳур бўлган Муқимий, Фурқат, Завқий сингари шоирлар билан учрашган. Улар иштирокида ўтган шеърхонлик оқшомларида иштирок этиб, ҳажвий шеърлари билан давра аҳлининг эътиборини қозонган. Шоирнинг дастлабки ҳажвий шеърлари билан танишган Муқимий, Фурқат, Муҳйи сингари қўқонлик шоирлар унинг адабий истеъдодини кадрлаб, эл-юрт ўртасида ҳурмат ва эътибор қозонишига умид билдирганлар. Сўфизоданинг юқорида номи тилга олинган синглиси Дарвеш кампирнинг Тўлқин Расулевга берган маълумотида кўра, ўша даврдаги Қўқон адабий муҳитининг раҳбари Муқимий чуствик шоирнинг ўткир ҳажвиялари билан танишгач, унга Ваҳший деган тахаллусни берган. Агар Дарвеш кампирнинг бу сўзлари ҳақиқатга мос бўлса, у ҳолда Қўқонда Завқийдек “отасини ҳам танимайдиган” ҳажвнавислар бўлгани ҳолда Муқимийнинг Сўфизодага “Ваҳший” тахаллусини бериши унинг ҳажвий истеъдодига юқори баҳо бериш билан баробар эди.

Нафақат Муқимий ва Сўфизодалар, балки уларнинг халафлари яшаган замонларда ҳам бошқа шаҳарга бориб, канчадан-канча кишилар тунаб кетган мусофирхонада яшаган киши қолок турмуш



тарзининг турли-туман кўринишларини кўриб, изтироб чеккан албатта. Эҳтимол Сўфизода ҳам илк бор иссиқ уйини тарк этиб Кўқонга боргач, кимнингдир хонадони ёки қайсидир масжиднинг хужрасида тунаганида шундай ҳолатни бошидан кечирган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда унинг “Бургалар” радиофи ҳажвий ғазали муайян ҳаётий ҳодиса таъсирида юзага келган. Бу шеър ҳажвий шеърятнинг юксак намуналари даражасига яқинлашмаган бўлса да, ўйлаймизки, уни ўқиган киши шоирнинг тун бўйи ухлай олмай, баданини қашиб, бургаларни қувиб ётганини тасаввур этади.

Ушбу шеърнинг биринчи сатри (балки кейинги сатрлари ҳам) уят сўзлардан ташкил топган бўлса керакки, ноширлар шеърини вази ва ритм талабларига риоя қилмаган ҳолда уни таҳрир қилганлар. Шунинг учун куйида шеърнинг кейинги байтларидан баъзи бир мисоллар келтирамиз:

*...Ҳар ёнга уриб, оҳ ила ўзни ситамингдан,  
Азнаб чиқаман кечаси бедор, бургалар.*

*Бир менми десам, шоҳу гадо ҳасрат этарлар,  
Фарёд қўлингдан сани, хунхор бургалар.*

*Киргач саратон бирла асад, сунбула, сабза,  
Сақраб турасан, кўрпада тайёр бургалар.*

*Дунёда ёмон сен каби махлуқ борму,  
Сизларга жазо бермаса, қаҳҳор бургалар...*

Камина бу сатрларни ўқир эканман, машҳур рус композитори Римский-Корсаковнинг “Чивиннинг учиши” (“Полёт шмеля”) мусиқий этюди хотирамга келади. Мусиқа шинавандалари бу куйни эшитганларида Россиянинг бепоён ўрмонларини ўзларига макон қилиб, тирик жоннинг қонини сўриб, тинка-мадорини курутган чивинларни кўз олдиларига келтирмай, композиторнинг юксак маҳорати мевасидан ҳайратга тушадилар. Сўфизода шеърини ўқиган ва бурга тўғрисида озми-кўпми тасаввурга эга бўлган киши эса аждодларимиз кечирган нохуш турмуш манзараларини кўз олдига келтиради. Уларнинг ана шундай маиший шароитга қарамай, “Авесто”, “Хамса” ва “Алпомиш” сингари гениал асарларни, бутун дунёга машҳур меъморий обидаларни яратиб,



вақон маданияти хазинасига буюк ҳисса қўшганларидан ҳайратга тушади.

Илмий адабиётда айтилишича, Сўфизоданинг “Айтинг бу муқимий...”, “Даканинг”, “Бедананг”, “Бургалар”, “Ўпай”, “Ғубор дарду алам...” сингари шеърлари Қўқонда ёзилган ҳамда улар Муқимий ва бошқа қўқонлик шоирлар назаридан ўтган. Бу фикрнинг исботи сифатида шуни айтиш мумкинки, чуствлик шоирнинг “Ўпай” радифли бизга етиб келмаган ғазалига Муқимий “тўғирағи”даги шоирлардан бири Муҳаммад Қосир ҳатто мухаммас ҳам боғлаган ва бу мухаммас мазкур шоирнинг қўлзма баёзидан ўрин олган. Қосир мухаммасидан “юлиб олинган” Сўфизоданинг бу ғазали бундай байтлар билан бошланади:

*Кел яқин, оромижон, рухсори олингдан ўпай,  
Гул юзинг устига қўнган эрка холингдан ўпай.*

*Бўса пешонангни қучган дуррадан мумкин эмас,  
Анбарий қулфингни искаб, рўймолингдан ўпай.*

*Тишларинг дурдонаси янглиг такаллум чоғида  
Ҳар замон лаъли лабинг маржон мисолингдан ўпай...*

Бу ғазалда теварак-атрофдаги нохуш ҳолатларни кўриб рашжиган шоирнинг нафрат туйғулари эмас, балки реал ҳаётдаги гўзалликдан баҳраманд бўлишни хоҳлаган шоир қалбининг майин тебранишлари эшитилиб туради. Бу ғазалда тасвирланган ёр шифақат Фурқат, балки Муқимий ғазалларидаги ёр образидан ҳам кескин фарқ қилади. Бу ёр қандайдир идеаллаштирилган, хусн-жамоли афсонавий аёлларга қиёс этилган ёр эмас. Ғазалда мумтоз Шарқ адабиёти учун у қадар хос бўлмаган реализм унсурлари бўртиб кўринади ва шу унсурлар уни бошқа шоирларнинг ишқий ғазалларидан ажратиб туради.

Шоир ўзга бир ғазалида лирик қаҳрамоннинг ишқий кечинмаларини тасвирлашга киришади-ю, аммо кўнглидаги безовта туйғулар устунлик қилади. Биз лирик қаҳрамон билан бирга шу туйғулар гирдобига тушиб қолган шоирнинг сийнаси ҳам дарду аламлар ичида ёниб ўртанаётганини сезамиз.

Бу ғазалнинг бадий латофати унда тасвирланган ёр образида ҳам, унинг ишқида адо бўлган лирик қаҳрамоннинг кечинмаларида



ҳам эмас, балки, аввало, шеърӣ шаклидадир. Сўфизода бу ғазалда поэтик истеъдодини, ғазал жанрининг барча нозик белгиларини эгаллаб олган шоир эканини намойиш этиш ниятида шеърӣ санъат воситаларидан маҳорат билан фойдаланган. У ҳар бир байтни қандай сўз билан бошлаган бўлса, уни шу сўз билан тугатган. Бундан ташқари, ҳар бир байтнинг биринчи сатри қандай сўз билан тугаган бўлса, иккинчи сатрни худди шу сўз билан бошлаган. Мана, эътибор беринг:

*Чу дор остида қолдим, тараҳҳум айла, Нигор,  
Нигор қилса ғазаб, лозим ўлмасунму чу дор.*

*Шиор шуълаи шавқингда майл бўлди наҳор,  
Наҳор васлинг учун ҳажр шом топди шиор.*

*Фанор ёқса мусаффо бўлур Яману Ясор,  
Ясор бирла баробар қилур Ямандан фанор...*

Яъни: “Қачонки дор остида қолсам, Нигор, менга раҳм-шафқат этгил. Сен қачонки ғазаб қилсанг, Нигор, менга дор даркор бўлиб қолади.

Шавқинг шуъласи наҳорда майл пайдо бўлиши учун бир белги бўлса, Наҳор васл учун зулмат тушиб, жудолик бошланишининг белгиси бўлади.

Чироқ ёнганида, Яману Ясор мусаффолик касб этганидек, Ямандан чироқ кўринса, Ясор ҳам Ямандек чароғон бўлади...”

Сўфизода бундай сатрлари билан сийқалашган адабий анъаналардан четга чиқиб, ёр образини ўзгача талқин қила олувчи шоир сифатида гавдаланади. У ўз эътиборини ёрнинг қошу кўзларини таърифлашга қаратмайди, балки уни муҳаббатнинг бепоён романтик-фалсафий оламига олиб кириб, шу оламнинг қонун-қоидалари, расм-русмларидан келиб чиққан ҳолда идрок ва тасвир этишга интилади. Шоир, юкорида келтирилган байтларда кўрганимиздек, “Ғубор дарду алам...” сўзлари билан бошланган ғазалда қайтариқ санъатидан маҳорат билан фойдаланган. У бу билангина кифояланиб қолмай, *Яман* ва *Ясор* сўзларини лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ифодалашга сафарбар этади. Бундан ташқари, “Шиори шуълаи шавқингдан” сингари ифодалардаги *шиор*, *шуъла*, *шавқ* сўзларидаги *ш* ундош товушининг *и*, *у*, *а*

ушларидан билан қўшилган пайтдаги ранглари ғазалнинг ритмий-музыкавий тасвирига янги оҳанглари олиб киради.

Биз юқорида келтирилган байтлардаги Нигор сўзини, Сўфизода шеърларининг ноширлари ва бошқа тадқиқотчиларидан фарқли ўларок, бош ҳарф билан ёздик. Бундан йигирма йил муқаддам, ўша вақтда Чуст маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори бўлиб хизмат қилган Ҳомиджон Фаёзов бизга лутфан тақдим этган шоир ҳақидаги мақоласида бундай сўзлар ёзилган эди:

“Тўдаклигидаёқ Манзура отин ўқиб ва айтиб берадиган газилар ва халқ қўшиқларига чин юракдан меҳр қўйган ёш Муҳаммадшариф йигитликнинг шавқ-завққа тўла кунларида ўзи ҳам шеър ёза бошлайди. Унинг илк бора ёзган ғазаллари қўшни қиз Нигор ойимга аталган ишқий мурожаатномалардан иборат бўлган”.

Ҳомиджон Фаёзовнинг фикрига кўра, Сўфизоданинг юқорида уч байти келтирилган “Ўпай” радиоли ғазали айнан шу Нигорхонимга бағишланган.

Сўфизода, тахминимизча, Муқимий хужрасида бўлиб ўтган шифис суҳбатлар чоғида аруз ва ғазалнинг шундай сирли томонларини ўрганиб, ҳажвиялар билан бирга лирик ғазаллар ҳам ёзди.

Кўқонга таълим олиш мақсади билан борган Сўфизода 1899 йили Чустга қайтиб келишга мажбур бўлади. Муқимий, Фурқат ва Завқийларнинг ҳажвий асарларидан жони ҳалқумига келган кимсалар улар этагида улғайиб бораётган шоирнинг Кўқондан қувилишига сабабчи бўладилар.

## САРСОН-САРГАРДОНЛИК ЙИЛЛАРИ

Сўфизода ҳаётига оид дастлабки маълумот, айтиб ўтганимиздек, “Маориф ва ўқитувчи” журналида босилган “Шоир Тоҳир Сўфизоданинг қисқача таржимаи ҳоли”дир. Бу таржимаи ҳолда Сўфизоданинг исми нима сабабдандир Тоҳир бўлиб кетган. Бундан ташқари, унинг хорижий мамлакатларга боришига оид маълумот шу қадар чалкаштириб юборилганки, бунда нафақат таржимаи ҳолни нашрга тайёрлаган Шокир Сулаймон, балки ҳаёт йўлини изчил сўзлаб бермаган Сўфизоданинг ўзи ҳам «айбдор»дир.

Мазкур таржимаи ҳолда шоирнинг 1904–1905 йилларда Туркияга саёҳатга бориб, “буюк шоир ва адиблар билан”

учрашгани, “туркларнинг машхур адабий журналлари “Сарвати фунун”, “Маълумот”да Сўфизода имзоси билан шеърлар эълон қилгани, сўнгра ватанига қайтиб, “усули жадида” мактабини очгани айtilган. Шундан кейин Ш.Сулаймон ватанига қайтган шоирнинг Чуст ва Наманган уламолари томонидан қувғин қилинганини айтиб, қуйидаги маълумотни берган:

“Чуст, Наманган уламолари Сўфизоданинг мактаби ва унинг хатти-ҳаракатига жиддий қаршилик кўрсатиб, мактабни ёпдириш билан бирга севган рафиқасидан мажбурий суратда айиртириб, ватанидан сургун қилганлар...

...Шоирнинг фазилати, фитрати, олимлиги уни бошқа юртларда буюк мартабаларга мушарраф қилиб, сарой шоирлари зумрасига киргизган. Бухоро амири Абулаҳадхон (Ожизий) ўз саройида сақлаб, шеърларидан истифода қилган. Шоир Бухорода узоқ турмай, Хива хони Муҳаммад Раҳимхоннинг чақириғи билан Хоразмга борган. Ундан сўнг Афғонистонга ўтиб, Амир Ҳабибуллаҳон ва сўнги кунларда Омонуллаҳоннинг энг муҳиб ва атоқли шоирларидан бўлган...”<sup>1</sup>

Бу маълумотга қараганда, Сўфизода 1904–1905 йилларда Туркияга қилган сафаридан қайтиб, ватанига келгач, “усули жадида” мактабини очган. Аммо чушлик уламоларнинг жиддий қаршилигига учраган шоир яна она юртини тарк этиб, дастлаб Бухорога, кейин Хоразмга борган, шундан сўнгра Афғонистонга ўтган.

Тўлқин Расулевнинг Сўфизодага бағишланган адабий портретига эса шоир ҳаётининг дастлабки даври тўғрисида бундай сўзларни ўқиймиз: “Сўфизода 1899 йилда (Кўкондан – Н.К.) Чустга қайтади. Бироқ бу ерда икки йил яшагач, амалдорлар “ул беадаб ва бад аслни” даҳрийлик ҳаракатлари учун қатл этишни лозим топадилар. Бу жанжаллардан қутулиш учун шоир “Чустдан қочиб, Мир вилоятига тафаррук қилиб, муддати 14 йил ҳар мамлакатда юруб” қайтади”<sup>2</sup>.

Ушбу сўзларга илова қилнган ҳаволада айтилишича, “Чустдан қочиб, Мир вилоятига тафаррук қилиб, муддати 14 йил ҳар мамлакатда юруб”, деган ибора Наманган шахри, собиқ Фрунзе кўчасининг 4-торкўчасидаги 4-уйда яшовчи Мирзанақиб

<sup>1</sup> «Маориф ва ўқитувчи» журнали, 1926 йил 10–11-сон.

<sup>2</sup> Ўзбек совет адабиёти тарихи. 1-том. – Тошкент, 1967. Б. 309.



Ҳошиқовда сақланаётган йиғма баёздан олинган. (Баёз 1899 йилда чоп этилган.)

Мазкур иқтибосдаги *тафарруқ* сўзи аслида *тафарруж* бўлиб, "сайр-томоша, кўнгил очиш" маъноларини англатади. Ажабо, агар Сўфизода уламолар зулмидан, қатл этилишидан кўрқиб Мир (Марв) шаҳрига қочган бўлса, у мажбурий сафарга сайр-томоша қилиш, кўнгил очиш учун чиққан бўладими?!

Шу ўринда Шароф Обидов исм-шарифли маҳбуснинг 1941 йил 20 августдаги сўроқ пайтида берган кўрсатмаси эътиборга сазовор.

1908 йили Авлиёотада туғилган Шароф Обидов СССР Фанлар академияси Ўзбекистон бўлимнинг физика-техника лабораториясида катта илмий ходим лавозимида хизмат қилган. У 3 ёшда бўлганида отаси вафот этган. Ш.Обидов 1923–1927 йилларда Авлиёотадаги хусусий мадрасаларнинг бирида таҳсил кўрган. У ўқиган мадраса имоми эса Мубоширхон эшон эди. Дин арбоблари дастлаб ГПУ-ОГПУ, кейинчалик НКВД ходимлари томонидан қамоққа олина бошлаганларида шўро давлатининг бу мудҳиш сиёсий кампанияси уни ҳам четлаб ўтмаган. Мубоширхон эшон тергов пайтида жабр-зулм остида мадрасада аксилинқилобий ташкилот тузиб, унга раҳбарлик қилганини айтган. У берган мазкур ташкилот аъзолари рўйхатида Шароф Обидовнинг исм-шарифи ҳам бўлган. Табиийки, НКВД ходимлари мадраса таълимини аллақачон тугатиб, Тошкентда яшаётган ва илмий-текшириш муассасасида радиолог бўлиб хизмат қилаётганига қарамай, Шароф Обидовни қамоққа олишган ва ундан Мубоширхон эшон раҳбарлигидаги аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлганлиги ҳақидаги тергов баённомасини тасдиқлатиб олишган. Улар бу билангина кифояланиб қолмай, ундан мазкур ташкилотда яна кимлар аъзо бўлганлиги ҳақида кўрсатма беришни талаб қилишган. Шароф Обидов берган рўйхатда Мунаввар қори Абдурашидхоновдан ташқари, яна қуйидаги уч нафар наманганлик киши ҳам бўлган: Булар: Сўфизода, Усмонхон (фамилияси номаълум) ва Ҳожизода (исми номаълум) дир.

Шароф Обидов берган маълумотга қараганда, Эгамберди ака ўгли Муҳаммадшарифни ёшлик чоғида ўқитиш учун Арабистонга, Маккага олиб борган. Ш.Обидов ҳатто Сўфизодани "Сўфизода" эмас, "Сўфизодаи Маккий", деб атайдди. Шунингдек, у Сўфизоданинг Авлиёотага кўчиб бориб, шу ердаги масжидлардан бирида имомлик қилганини ҳам айтади. Бу унинг



айтишига қараганда, тахминан 1927–1928 йилларга оид воқеа бўлиб, “наманганлик нашриёт ходими” Усмонхон билан тижоратчи Ҳожизода Авлиёотага келганларида, Сўфизоданинг уйида яшаганлар. Бизнингча, бу маълумотнинг биринчи қисмига ҳам, иккинчи қисмига ҳам ишониш мумкин.

Ш.Обидов берган маълумотга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, Сўфизода Қўқондан қайтганидан кейин кўп ўтмай отаси билан бирга Саудия Арабистонига – ҳаж сафарига борган.

Т.Расулевнинг маълумот беришича, Сўфизода 1907–1908 йилларда, яъни ватанидан илк бор чиқиб кетганидан кейин, Ҳиндистонда яшаб, мактаб очган, ўқитувчилик қилган. Ўқитувчилик фаолияти орқасида тўплаган маблағи ҳисобига Туркияга бориб, Истанбул университетида ўқиган. Бироқ маблағи тугаб қолганлиги сабабли ўқишни тугата олмай, она юртига қайтишга мажбур бўлган.

Т.Расулевнинг юқорида баён қилинган мулоҳазалари сингари, бу маълумотнинг ҳам тўғри ёки нотўғри эканини аниқлаш қийин.

Аmmo шу нарса бизга маълумки, Сўфизода 1937 йилда ҳибсга олинган, терговчи унинг хорижий мамлакатларда бўлишига доир савол ҳам берган. У терговчига хорижий сафарларини уч хронологик қисмларга ажратган ҳолда жавоб берган. Агар маъбуснинг шу жавоблари ҳақиқатга зид бўлмаса, шоир **биринчи хорижий сафари** вақтида қуйидаги шаҳар ва мамлакатларда бўлган:

1. 1901–1902 йиллар – Туркменистоннинг Марв, Озарбайжон ва Грузия шаҳарлари.

2. 1902–1910 йиллар – Туркиянинг Бурса, Афшон-Қора Ҳисор ва Куня шаҳарлари.

3. 1910–1914 йиллар – Туркистоннинг Бухоро, Хоразм хонлигининг Кўнғирот ва Хива шаҳарлари.

Сўфизода биринчи хорижий сафарининг сўнги – учинчи йўналиши тўғрисида маълумот бериб, “1910–1914 йилларда Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Чуст ва бошқа шаҳарларда яшагани”ни айтади. Аmmo биз шоирнинг шу сафари мобайнида Тошкент шаҳрида бўлганига доир бирор маълумотга эга эмасмиз. Унинг Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари қаторида Бухорони тилга олмагани ҳам жаҳонгашта шоирнинг шу йиллардаги ҳаётини муайян изчилликда тиклашга монелик қилади.

Шундай қилиб, Сўфизода ХХ аср бошларида дастлаб ҳозирги Туркменистон Республикаси ҳудудидаги Марв шаҳрига, ундан Бокуга, Бокудан эса бошқа шаҳар ва мамлакатларга борган. У биринчи хорижий сафари вақтида, Шароф Обидов айтганидек, Марв, Боку ва бошқа шаҳарлар орқали Маккага ўқишга борган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бинобарин, унинг 1899 йили Чустга қайтиб, шу ерда икки йил яшагач, амалдорлар “ул беадаб ва бал аёл”ни даҳрийлик ҳаракатлари учун қатл этмоқчи бўлганлари ҳақидаги гаплар ҳақиқатга тўғри келмайди. Аксинча, Эгамберди аканинг Кўкон мадрасаларининг бирида таҳсил кўрган фарзандини Арабистонга ўқиш учун олиб боргани ва шу баҳонаи сабаб билан мусулмон оламининг муқаддас жойларини зиёрат қилгани табиий бир ҳолдир.

Аmmo Сўфизода Арабистонда бир оз муддат бўлса-да ўқиш имкониятига эга бўлди ми ё йўқми, бу бизга номаълум. Лекин тахминимизга кўра, у Маккада узоқ вақт яшамай, отаси билан бирга Туркияга жўнаб кетган.

1937 йил 11 май куни бўлиб ўтган сўроқ вақтид, чамаси, терговчи ихтиёрида Сўфизоданинг Арабистонга борганлиги тўғрисида бирор маълумот бўлмаган. Шунинг учун тергов кўйидаги ўзанда давом этган:

“С а в о л. Тергов ихтиёридаги маълумотга қараганда, Сиз Афғонистондан ташқари, яна Ҳиндистон билан Туркияда муҳожирликда бўлгансиз. Аниқ айтиб беринг: биринчи марта қачон муҳожирликка чиқиб, қайси хорижий мамлакатларда бўлгансиз?”

Терговчи Арабистонни тилга олмагани учунми Сўфизода бу мамлакатда бўлганлигини айтмай, қуйидагича жавоб берган:

Ж а в о б. Мен биринчи марта Русиядан 1902 йилда Туркияга муҳожир бўлиб борганман. Туркиянинг Константинополь (Истанбул – Н.К.) шаҳрида 6 йил яшадим, бошқа пайт Бурса, Афшон-Қора Ҳисор ва Куня шаҳарларида бўлдим. Туркиядан тахминан 1910 йили Султон Ҳамид Поша тахтдан айрилган вақтда Русияга қайтдим. Русияда, яъни Туркистонда Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Чуст ва Шаҳанд қишлоқларида яшадим”.

Шундай қилиб, Сўфизода биринчи хорижий сафари вақтида, бизнингча, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудларидан карвон йўли билан олис сафарга йўл олиб, дастлаб Туркменистоннинг Марв шаҳарига етиб борган. Шу ерда бир неча кун тўхтаб,



карвонбошилар туяларга дам берганларидан сўнг ёки бошқа карвон билан бирга яна йўлга чиқиб, ниҳоят, Арабистонга етиб борган.

Шундай қилиб, Сўфизода тахминан 1902–1910 йилларда Туркияда бўлади. У шу сафари чоғида, айрим манбаларга қараганда, Истанбулдаги дорилмуаллимларнинг бирида тахсил кўради. Турмуш машаққатлари Сўфизодага ўқишни яқунлаш имконини берганми ё йўқми, бу ҳам номаълум. Аммо у Истанбулдан кейин Туркиянинг Бурса, Афшон-Қора Ҳисор ва Куня шаҳарларига бориб, яна тўрт-беш йил турк заминида истиқомат қилади. Ниҳоят, тергов маълумотларига қараганда, 1910 йили она юртига қайади.

Агар Сўфизода шу сафари вақтида Бокуда бир неча кун ёки ой бўлиб, Т.Расулев ёзганидек, Жалил Маматқулизода, Мирза Алекпер Собир, Муҳаммад Ҳодий сингари озарбайжон ёзувчилари билан учрашганида, у шу тўғрида М.Б. Солиҳовга сўзлаб берган ва М.Б.Солиҳов Сўфизодага бағишланган рисоласида шу ҳақда маълумот берган бўлармиди.

Сўфизода ушбу сафарга чиққунига қадар ўзбек ва форс мумтоз шоирларининг лирик ҳамда ҳажвий шеърлари руҳида ғазал, мухаммас ва мусаддаслар ёза бошлаган шоир эди. Шунинг учун ҳам унинг шу давр ижодидан жадид маърифатпарварлик шеърляти намуналарини ахтариш тўғри эмас. М.Б. Солиҳов масаланинг шу томонига алоҳида эътибор қаратиб, шоир ижодида жадидона мотивларнинг пайдо бўлишини унинг Туркия ва Арабистонга қилган сафари билан боғлайди. Олим ёзади: "...У Туркия ва Арабистонга қилган саёҳати замонида у ердаги жадид фикрли ёзувчилар, мафкурачилар билан фикрлашади ва уларнинг таъсирлари билан жадидлик фикрига берилиб кетади. 1905 йил ўзгаришидан сўнгра инкишоф эта бошлаган жадидлик ҳаракатига ўз фазилати билан иштирок эта боради"<sup>1</sup>.

М.Б. Солиҳов рисоласида ҳам, Ш.Сулаймон томонидан эълон қилинган таржимаи ҳолда ҳам, Сўфизоданинг Бокуда яшаб, Озарбайжон шоирлари билан учрашгани, бинобарин, улар туфайли жадид шоири бўлиб шаклланиши тўғрисида бирор сўз айтилмаган. Агар Сўфизода ўтган аср бошларида Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракатининг шу йирик ўчоғида бўлиб, озарбайжон жадид маърифатпарвар шоирлари ижодидан баҳраманд бўлганида, М.Б.Солиҳов ҳам, шоирнинг ўзи ҳам шу ҳақда сўзлаб берган ёки

<sup>1</sup> Солиҳов М. Бузрук. Сўфизода ва унинг ижоди ҳақида. – Тошкент, 1934. – Б.5.

шунинг шама қилиб ўтган, жила курси, Боку шаҳрини, бир-икки озарбайжон шоирлари номини тилга олган бўлардилар. Ҳолбуки, 1926 йилда ҳам, ҳаттоки 1937 йилда ҳам шу ҳақиқатнинг айтилишига монелик қилувчи бирор сабаб бўлмаган. Шунинг учун Т.Расулевнинг узок йиллардан бери мақоладан-мақолага, китобдан-китобга кўчиб келаётган шу ҳақдаги сўзлари, бизнингча, асоссиздир.

Сўфизоданинг Ш.Сулаймон томонидан эълон қилинган таржимаи ҳолидаги қуйидаги маълумот ҳақиқатга анча яқин: "1904–1905 йилларда, – деб ёзилган унда, – Туркияга бўлган саёҳати, ундаги буюк адиб ва шоирлар билан бўлган мусохаба ва таассуроти шоирда буюк ўзгариш туғдирган. Туркларнинг машхур адабий журналлари "Сарвати фунун", "Мулоқот" нашрларида Сўфизода имзоси билан бир қанча шеърлари босилган".

Шундай қилиб, Сўфизода дунёқараши ва ижодида рўй берган ўзгариш унинг Арабистон ва Туркияга қилган сафари натижасидир.

Ҳусайнхон Орифийнинг "Муҳаммадшариф Сўфизода" номли рисоласига (2007) "Сўфизода Туркияда" деган мақола илова қилинган бўлиб, бу мақола У.Отамирзаев деган бизга нотаниш муаллифнинг "Ҳайрат" номли рисоласидан олинган. Мазкур мақола бошдан-оёқ сохта ва уйдирма гаплардан иборат. Бу мақолада айтилган ҳавойи гапларнинг қаердан ва қандай манбадан олингани ёки кимнинг "мишмиш"лари асосида ёзилгани аниқ эмас. Сўзимиз куруқ бўлмаслиги учун қуйида ундан бир парчани келтирамиз:

"...1896 йили Сўфизода, – деб ёзади У.Отамирзаев, – Тифлис, Боку, Арабистон, 1908 йилда Ҳиндистонда истиқомат қилди, сўнг Туркияга келади. Туркияда унга Меҳмет Али деган зиёли киши катта кўмак беради. Сўфизода қаерда бўлмасин, қаерда яшамасин, унинг мақолаларини турли газеталарда чоп эттиришга уринарди. Туркиядаги беш йиллик умри мобайнида жуда кўплаб эзгу ишларни амалга оширди (?). 1909 йилнинг охирида Туркияда чиқадиган рўзнома ва ойномаларда ўзининг ҳажвий шеърларини чоп эттира бошлади (?). Шунингдек, Сўфизода туркиялик зиёли Муҳаммад Назир (?) билан биргаликда турк ёшларини билимли, зиёли қилиб етишишлари учун (?) турли нашрда кичик ҳажмли нутқ маданияти (?) бўйича китобларни чиқарди (?) 1910 йилнинг охирига келиб, Муҳаммад Назир оламдан ўтди (?). Сўфизода шу



йилнинг декабрь ойларида Анкара шахрига бориб, паноҳ топди (?). У ерда тошкентлик Шамсиддин Расулзода билан учрашади. Шамсиддин Расулзода ҳам шоир, ҳам хаттот киши бўлиб, Тошкентдан қувғин қилинган эди (?).

Сўфизода Шамсиддин Расулзода билан биргаликда “Турк имло луғати” бўйича оз миқдорда китоб чиқаришади (?). Айниқса, Сўфизоданинг “Туркийзабон халқларбиз” номли катта бир шеъри Истанбул университетида таҳсил олаётган талабаларга жуда маъқул келди \*(?). 1911 йилнинг май ойида (?) Сўфизода туркиялик адабиётшунос олим-уламолар ва талабалар билан суҳбат ўтказиши (?). Шу суҳбатни уюштиришдан асосий мақсад ўзбек талабалари – ёшлар ва туркиялик талаба ёшлар билан ҳамкорликни кучайтириш, фикр алмашиш эди (?). Ниҳоят, 1912 йилда (?) Сўфизоданинг ташаббуси билан ўзбек талаба ёшлари Туркияга келиб таҳсил оладилар (?). Бундай эзгу ишларда Исҳоқхон тўра Ибрат яқиндан ёрдам беради (?)... Муҳаммадшариф Сўфизода нафақат ўзбек адабиёти, балки турк, форс, араб шеъриятига ҳам ўз ҳиссасини қўшган (?). У Туркиянинг барча шаҳарларида ижод қилади (?)... 1912 йилнинг охирида (?) Сўфизода турк халқининг этнографияси ва топонимикасига оид (?) ҳамда турк адабиёти билан ўзбек адабиётига хос бирликлар, бир-бирига ўхшашликлар мавзусида (?) катта илмий мақола ёзади”<sup>1</sup>.

Афсуски, У.Отамирзаевнинг бу сўзлари илмий маълумотдан кўра сархуш кишининг, юмшоқ қилиб айтсак, хавойи гапларига кўпроқ ўхшаб кетадики, ҳатто унда бирор ҳақиқат зарраси борлигига ҳам ишонгинг келмайди киши. Агар Сўфизода Туркияда шундай обрў-эътибор ва мавқега эга бўлганида, 1914 йили ватанидан қувғин қилинганидан сўнг, Ҳиндистон ва Афғонистон (Мозори Шариф) га бориб, хор-зор бўлмасдан, яна Туркияга бориб, У.Отамирзаев ёзганидек, “турк, форс ва араб шеъриятига ҳам ўз ҳиссасини қўшиш”да давом этган бўлмасмиди?!

Йўқ, Сўфизода У.Отамирзаев ёзганидек, 1908–1909 йилларда Туркияга бориб, у ерда беш йил яшамаган ва улуғ ишларни амалга оширмаган. Аксинча, 1909 йилда Туркиядан қайтиб, дастлаб Самарқандда, сўнгра Бухорода яшаб, ўз шеърлари билан амир Абдулаҳад саройидаги нафис йиғилишларда иштирок этган. Ожизий тахаллуси билан ўзи ҳам ғазал битгучи амир Сўфизодага озми-кўпми иззат-икром кўрсатган. “Шоирнинг фазилати, фитрати,

<sup>1</sup> Қаранг: *Орифий Ҳусайнхон*. Муҳаммадшариф Сўфизода. – Наманган, 1007. – Б.60.

олимлиги, — деб ёзилган эди Ш.Сулаймон томонидан эълон қилинган таржимаи ҳолда, — уни бошқа юртларда буюк мартабаларга мушарраф қилиб, сарой шоирлари зумрасига киргизган. Бухоро амири Абдулахадхон (Ожизий) ўз саройида сақлаб, шеърларидан истифода қилган”

Яқинда “Туркистон вилоятининг газети” библиографик кўрсаткичининг нашр этилиши мазкур газета саҳифаларида Сўфизода қаламига мансуб бир неча хабар, мақола ва шеърларнинг ҳам эълон қилингани маълум бўлди. Шундай хабар-мақолалардан бири рус тилида “Письмо в редакцию” (“Таҳририятга хат”) деб номланган бўлиб, мазкур газетанинг 1909 йил 20 сентябрь сонида босилган. Сўфизода унда ҳаж сафарига борган ўртаосиёлик ҳожиларнинг ўз ватанларига Саидазимбойзода Саидғанибойваччага тегишли пароходда келганлари ҳақида маълумот беради. Чамаси, Сўфизоданинг ўзи ҳам шу пароходда келган бўлиб, унда сайёҳлар учун барча қулайликлар мавжуд бўлгани учун Саидазимбойзода шайнига илиқ ва самимий сўзларни айтган. Хат остида ёзилган “Самарқандда Қаландархона гузаринда Мирза Абдулхайтўранинг қонасида муқим чушлик Сўфизода Муҳаммад Шариф афанди” деган сўзлардан унинг 1909 йил ёз ойларида Самарқандга етиб келгани маълум бўлади. Қаландархона гузари Самарқанднинг ўтган аср бошларида энг обод гузарларидан бўлиб, у ерда Фахриддин Рожий сингари ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилган шоирлар яшашган. Тахмин қилиш мумкинки, Сўфизода шу ерда самарқандлик таниқли тараққийпарвар зиёлилар билан танишган. Шундай таниқли кишилардан бири ўзбек жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси Маҳмудхўжа Бехбудий эди

“Туркистон вилоятининг газети” ўзининг 1909 йил 22 октябрь сонида Сўфизоданинг “Ифои вазифаи шукрон” (“Шукроналик вазифасини адо этиш”) номли мақоласини эълон қилган. Мақоладан маълум бўлишича, Самарқанд Исломия кутубхонасининг раиси “Ҳожи Бехбудийзода муфти жаноб ҳожи Маҳмуд афанди” шавволи муқаррам ойининг 5 куни, яъни 21 апрелда оқшом соат 6 дан кейин кутубхона идорасига ёр-дўстларини, шу жумладан, Сўфизодани ҳам маслаҳат йиғинига таклиф этган. Соат 8 да жамоат тўпланиб бўлгач, у йиғилишни очиб, бундай деган:

“Айюҳол ихвану фи замонина! (Эй замондош биродарлар!) Кўруб кўрмакдамизки, ҳар миллат ўз ғайрат ва ҳимматларининг

соџи тараққиёт пироясинда (жилваларида) гирдоби ваҳшат ва жаҳолатдин тахлис (халос) гирибон этмак касди бирла домони (этак) раҳбари илм ва маърифат ва гирибони роҳбари маданиятга алалумум иттиҳод ва иттифоқ яқранги бирла ёпушуб, соҳили саломатга чиқдилар. Бизлар бўлсак, овов (вақт)и гўдаклигимиздин бери миёнамизда ҳукмфармон бўлгон кибр ва нифоқ адоватидин маънус ва маълуф (Ўрганган ва ўргатилган) жонимиз саналгон баъзи таъсуб жаҳолатидин обо (оталар) ва аждодларимиздан қолмиш мерос мартабасинда кўрулгон танбалона ғафлатдин баҳақ айрила олмай, оқибат ул амр мобайна милал ажнабия (ажнабий миллатлар ўртасида) оврубойияда олами маданиятдан маҳрум ва ваҳшийлик бир оломи (ғам-аламлар) бирла маъум ўлуб, лоақал ҳуқуқи башариятимиздин доғи жузъий бир ҳисса ололмадук. Агар ишларимиз шу минволда (йўсинда) давом этар эса, минбаъд (сўнгра) ҳолимизга таъссуфан ва инна вой, шу ҳолда бизларнинг фавз (фойда) ва фалоҳимизга (қутулишимизга) сабаб бўлатургон бир нимарса бор эса, у-да таксири макотиб жадида (янги мактабларни кўпайтириш) ва тавсиъи маорифи илмийа (илмий маориф ишларини кенгайтириш) дир... Лекин қуср бизларнинг авом ватандошларимиздадурки, неъматини узв (катта) нинг қадрини билмайдурлар. Ҳар ҳолда аждодларимизнинг ушбу олий мактабларда тарбият топиб, русча ўқуб, ёзуб, давлатимизнинг зақуни бўйунча тарбия берган низомномаларидин воқиф бўлмоқлари аҳасси омолимиз (асосий ниятмиз) бўлсин!”

Ҳозир бўлган жамоа Бехбудийнинг куйиниб гапирган бу сўзларидан ўта завқланиб, кўтаринки руҳ ҳосил қилади. Сўфизоданинг ўзи ҳам бу сўзлар таъсирида илм-фаннинг халқ ва мамлакат ҳаётидаги аҳамиятини чуқур ҳис этиб, мамлакатга раҳбарлик қилган кишиларнинг ғайриилмий ишларидан ўпкаланди. У бундан бир неча ой илгари Бухорода шундай кимсаларни ўз кўзи билан кўрганини эслаб, бундай ёзади:

“Бухоро аълами каби дасои шахсиятпараст аъламларнинг вужуди манҳуслари (вужудини наҳс босганлари) қачонгача боиси таназзули миллат бўлур? Беш-ўн кундан сўнгра садақи саримиз (бошимиз) маҳв ўлур, кетар дунёга сугун бўлмас бўйрани соллиғус, ублау (аблаҳ) шарифада боталтиф (эрка, тантик)жаноби олий мартабаи илмиягга жоиз бўлган бир ҳарифнинг ақлини ва ғалабаи нафсониясини кўрунг. Бир мажлисда демишки, агар жаноби олий домла Икром муфтининг саъйларига мувофақатан



макотиби усули жадидани Бухорои шарифда жорий қилсалар ҳам, қасам худонинг ягоналигигаки, оқ соқолимни домла Икром муфтининг қони бирла бўёмас эсам...”

Бухоро аъламининг жадид мактаби тарафдори бўлмиш домла Икромга нисбатан бундай ғаразли муносабати, ҳатто оқ соқолини унинг қони билан бўяш истагида бўлгани маърифат аҳлининг ғоят оғир ва мушкул бир шароитда ишлашга мажбур бўлганидан далолат беради. Балки маърифат аҳлига шундай шармандали муносабатни кўргани учундир Сўфизода Бухорода узоқ турмай, Самарқандга йўл олган. Аммо хўроз барча жойларда бирдек кичкиради, деганларидек, Самарқандда ҳам аҳвол Бухородагидан кўп ҳам фарқ қилмасди. Бехбудий тараққийарварлик ғояларининг душманлари Самарқандда етарли даражада эди. Шунинг учун ҳам Сўфизода, чамаси, 1909 йилнинг охири – 1910 йилнинг бошларида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II нинг таклифи билан Хоразм заминига бориб, сарой шоирлари қаторидан ўрин эгаллайди.

Юқорида тилга олинган мақоладан маълум бўлишича, Сўфизода 1909 йилнинг апрель ойида Самарқандда бўлган. Шу фактга таянган ҳолда айтиш мумкинки, **шоир иккинчи хорижий сафаридан 1909 йилнинг бошларида қайтган.**

Феруз тахаллуси билан шеърят ва мусиқа соҳаларида ижод қилган Муҳаммад Раҳимхон II ўзбек халқи тарихидаги маърифатпарвар подшолардан бири бўлиб, 1864 йилдан 1910 йилга, яъни вафотига қадар Хива хонлигига раҳбарлик қилган. Бу Туркистоннинг рус империяси томонидан забт этилиш даври эди. 60-йилларнинг бошларидаёқ Кўқон хонлигини босиб олган рус кўшинлари 1873 йилда К.П. фон Кауфман бошчилигида Хивани ва Хива хонлигининг асосий шаҳарларини босиб олиб, уни Россияга қарам давлатга айлантирган эди. Феруз-Раҳимхон II шундай мураккаб даврда хонликка раҳбарлик қилиб, маданият, матбуот ва савдо ишларига алоҳида аҳамият берди. Шу даврда меъморчилик, ҳунармандчилик, хаттотлик, китобот, фотография, кино ва мусиқа санъатларининг майдонга келиши ҳамда ривожланишига катта ёрдам берди. Феруз вафотидан кейин шаҳзода Асфандиёрхон тахтга ўтириб, дастлаб отаси бошлаган хайрли ишларни давом эттирди.

“1905 йил инқилобидан кейин, – деб ёзган эди М.Б. Солиҳов “Ўзбек театри тарихидан материаллар” деган китобида (1935), – ҳар тарафда кўрулган янги тебраниш каби бир тебраниш Хивада ҳам

кўринади. Хива хони Асфандиёрхоннинг (1910 йилда подшо бўлган) ўз вазири бўлган Исломуҳжа бу ҳаракатда актив роль ўйнайди. Умули жаҳид мактабларига ёрдам беради, янги мактаблар бино қилдиради. Касалхона ва бошқа ва бошқалар каби баъзи маданий ислоҳот ясамоққа йўл қўяди.

Бундай ислоҳот янгидан бўлган подшо Асфандиёрхоннинг ўз ўрнини маҳкамлаб олгунча қилган вақтли тадбирларидан бўлган эса-да, ҳар ҳолда баъзи янгиликлар бўла бошлаган эди. Бу аҳвол бир даража очиқ кўриниб, у кунги жаҳид шоирларини ҳам умидлантирган эди. Масалан, бизнинг халқ шоиримиз Сўфизода шу замонда, яъни жаҳид фикрли бўлган замонда Асфандиёрхоннинг ислоҳотидан хурсанд бўлиб, уни мактаб шеър ёзади. Шу шеърда куйидаги парчалар билан ишоратлаб ўтади:

*Танзим этилди<sup>2</sup> дохилий ишлар идораси,  
Ўлмоқдадир ҳуқуқ милал истишора<sup>3</sup> си,  
Дуз<sup>4</sup> чиқса гар зиёлиларга истихора<sup>5</sup> си,  
Фатҳ макотиб<sup>6</sup> ингда ўлур балки чораси,  
Асфандиёрхон абуннаср<sup>7</sup> ва ал-зафар.  
Хоразма верди равнақу адли-ла зебу фар<sup>8</sup> ”<sup>9</sup>.*

Тарихдан бизга шу нарса маълумки, рус императори 1910 ва 1914 йилларда Асфандиёрхонни Петербурга таклиф этиб, унга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатган. Россия пойтахтининг диққат-эътиборга сазовор жойлари билан танишган Асфандиёрхон фаолиятининг дастлабки йилларида савоб ишлар қилган. Хивада маърифатпарвар шоир Исломуҳжа ташаббуси билан почта-телеграф, касалхона, икки мадраса ва янги типдаги мактаб бинолари барпо этилган. Лекин кейинчалик Исломуҳжа хазинани совуришда айбланиб, қатл қилинади. Асфандиёрхон аҳолига тегишли барча ерларни қайта ўлчаттириб, халққа оғир солиқлар солади.

<sup>2</sup> Танзим этилди – тартибга солинди.

<sup>3</sup> Милал истишора – миллат машварати.

<sup>4</sup> Дуз – туғри.

<sup>5</sup> Истихора – кўнгидаги мақсаднинг ҳосил бўлиш ёки бўлмаслигини билиб олиш тилагида туш кўриш.

<sup>6</sup> Макотиб – мактаблар.

<sup>7</sup> Абуннаср – зафар отаси

<sup>8</sup> Зебу фар – зийнат.

<sup>9</sup> Солиҳов М.Бузрук. Ўзбек театри тарихи учун материаллар. – Тошкент, 1935. – Б. 54..

Хуллас, Асфандиёрхон Хива хонлиги тарихидаги энг золим хон сифатида халқ хотирасида қолган.

Шубҳасиз, Сўфизода Асфандиёрхоннинг келажакда мустабид хон бўлиши, халқ қўшиқларида золим ва қонхўр хон сифатида тасвирланиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган. Шунинг учун у Асфандиёрхоннинг тахтга ўтириши муносабати билан ўз орзу ва умидларини ифодалаб қасида ёзган. Мазкур шеър 1911 йили “Шўро” журналида эълон қилинган. Шеър сўнгиди “Қўнгиротда маълум Сўфизода Муҳаммад Шариф” деб чекилган имзо шоирнинг Хоразм (Қўнгирот) да ҳам озми-кўпми эътибор қозонганидан шаҳодат беради.

Дарвоқе, Сўфизода 1910 йили хорижий сафардан қайтаётиб, ҳозирги Қорақалпоғистоннинг Қўнгирот шаҳрида бир неча йил қолиб, мактабдорлик қилган. У ватан шабадаси эсиб турган бу манзилда хизмат қилар экан, турмуш шароити бир қадар яхши, теварак-атрофдаги кишиларнинг унга нисбатан муносабатлари эса самимий бўлган. Шу сабабли у Қўнгиротда бир неча шеърлар ёзиб, уларни ҳам ўша кезларда Оренбургда нашр этилган “Шўро” журналига юборади. Шундай шеърларнинг бири шу ерда истиқомат қилган бир аёлга бағишланган бўлиб, бу аёл қанчалик гўзал ва хушбичим бўлмасин, шоир унда маърифат нишонлари йўқлигидан афсус чекади. Унинг назарида, маърифат ички, руҳий гўзалликнинг асосий белгиси. Бинобарин, бу белгидан маҳрум бўлган замонавий хонимлар ўзларига қанчалик оро бермасинлар, уларни гўзал аёллар тоифасига киритиш нотўғри бўлурди. Шоир ёзади:

*Хоним, суюкли сочинг вор, на суд шона<sup>1</sup> си йўқ,  
Очиб десам сўзими, маърифат нишонаси йўқ.*

*Ҳилола бенгзар у қошларки, сенда вор анжақ,  
Зиёси миллат учун партав<sup>2</sup> и махонаси йўқ.*

*Ёзув гизол<sup>3</sup> ини сайёд кўзларинг танимас,  
Масалда ворки, анинг доми вору, дона<sup>4</sup> си йўқ...*

---

<sup>1</sup> Шона – тарок.

<sup>2</sup> Партав – ёруғлик, нур.

<sup>3</sup> Гизол – оху.

<sup>4</sup> Дона – уруғ.



Шоир шеърни бундай байтлар билан яқунлайди:

*Жаҳон жамила<sup>5</sup> си ўлсун адиба ўлмаса,  
Демак, ўлур у қизинг зийнати замонаси йўқ.*

*Насл таассуф эдилмас шу ҳола, ой қизлар,  
Ватанни халқларини маърифатли онаси йўқ.*

*Сабаби надур, душунинг, Оврупо усулинча  
Биз ўйла қуш кибибиз, вале, ошиёнаси йўқ.*

Сўфизода шеърнинг шу сўнги байтлари билан маърифатсизлик XX аср бошларида мамлакатимизда яшаган кишилар, айниқса, хотин-қизларнинг асосий илллати бўлиб, бу иллатни бартараф этмай туриб, замона зийнати, яъни жамиятнинг тўла қонли аъзоси бўлиши мумкин эмас, деган фикрни олға сурадики, бу шоирнинг маърифатпарварлик қарашларидаги энг муҳим масалалардан биридир. Сўфизоданинг “Хонимлар исминда” деб номланган ва “Шуро” журналнинг 1911 йил сонларида босилган шеъри ҳам маърифатпарварлик ғояси билан йўғрилган.

Тахмин қилиш мумкинки, унинг кўп ўтмай, Қўнғиротни тарк этиб, ўз ватанига боришига сабаб Асфандиёрхонга бағишланган қасидада ифода этилган орзу-умидларининг чиппакка чиқиши, у кўкларга кўтарган Асфандиёрхоннинг золим хонга айланишидир.

Хуллас, узоқ йиллар мобайнида мусофирликнинг аччиқ тузини тотган шоир 1913 йили ота-боболарининг хоки билан муқаддаслашган Чуст тупроғига соғинч ва умид туйғулари билан қайтиб келади.

## ОНА ЗАМИНДА

Сўфизода она юртига қайтиб келган кезларда тошкентлик жадид маърифатпарварларидан бири Мўминжон Муҳаммаджон ўғли (Тошқин) замона зайли билан Наманган шаҳрига бориб қолган ва Зайниддин қорининг мактабида ўқитувчи ва йўриқчи бўлиб ишлаган. У илк бор 1926 йили нашр этилган “Турмуш уринишлари” хотира-романида наманганлик маърифатпарварлар

<sup>5</sup> Жамила – гўзал, соҳибжамол. Бу ерда хотин-қизлар маъносига.

билан 1913–1914 йиллардаги учрашувларини эслаб, бундай ёзган: “Туркистонниг кўп шаҳарларида мен жуда кўп тараққийпарвар (миллийпарвар) лар, тафаккурли, маърифатпарвар ёшлар билан танишдим. Наманганда Зайниддин қори, Дадамирза қори, Дадабой қори, Ғафур қори, Абдуллажон, Муҳаммад Иброҳим, Инъомжон, Тожиҳўжа қори, Абдулмўмин баззоз, Ғулом Маҳмуд, Тошхўжа қори, Лутфуллахон Олимий ва бир неча бошқалар...”<sup>1</sup> Мўминжон Муҳаммаджон ўглининг ушбу китобда ёзишига қараганда, у Шаҳандда ҳам бўлиб, Абдулкаҳҳор мингбоши сингари кишилар билан танишган. Аммо унинг шу йилларда Чустга келиб, маърифатпарварлик фаолиятини давом эттирган Сўфизода билан учрашганлиги борасида китобда бирор сўз айтилмаган.

Биз жанрини “хотира-роман” деб атаган “Турмуш уринишлари”да яна бир марокли маълумот бор. “Наманганда бўлган пайтимда (1913–1914), – деб ёзган муаллиф, – муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ёзган “Падаркуш” деган асар асосида қўйилган театр биринчи марта Самарқанд хаваскор ижрочилари томонидан ўйналди, иккинчи марта Қўконда кўрсатилди. Биз учта бўлиб, мен, Дадабой қори ва Дадамирза қори Наманган ёшлари вакиллари сифатида иштиёқ билан Қўконга кўришга бордик. Биринчи марта театр ўз ўзбек тилимизда қўйилди. Кейинроқ биз бу пьесани ўзимизда, Наманганда қўйдик. Мен Нор ролини ўйнаб иштирок этдим. Мен Насрулла ибн Қудратулла ёзган “Суннат тўйи” номли пьесада ҳам қатнашдим. Пьеса 1914 йил Самарқандда ёзилган. Пьеса Тошкент ва Наманган шаҳарларида қўйилди”<sup>1</sup>.

Маълумки, “Падаркуш” спектаклининг Туркистон шаҳарларида, шу жумладан, Наманганда намойиш этилиши нафақат тараққийпарвар кишилар, ҳатто оддий аҳоли томонидан ҳам қизгин кутиб олиниб, улар ҳаётига маъно бағишлаган воқеалардан бири бўлди. Наманганнинг маданий ҳаётида рўй берган шундай унутилмас маданий-маърифий воқеадан Сўфизоданинг хабардор бўлмаганига ишониш қийин.

Қолаверса шу вақтда Наманган шаҳри ва вилоятининг ҳозирги ҳудудларида Сўфизодадан бошқа шоирлар ҳам бўлган ва Сўфизоданинг улардан айри ҳолда яшаган бўлиши асло мумкин эмас. Таниқли адабиётшунос олим Алихон Халилбеков “Наманган адабий гулшани” деб номланган китобида шундай шоирлар

<sup>1</sup> Мўминжон Муҳаммаджон ўғли. Турмуш уринишлари. – Тошкент, 196. – Б.

<sup>1</sup> Ўша асар. – Б.

тўғрисида маълумот бериб, бундай сўзларни ёзган: “XX аср бошларидаги Наманган адабий муҳити мумтоз шеърятимиз анъаналари руҳида қалам тебратган кўплаб иқтидорли қаламкашларни етиштириб берди. Шулардан бири Ҳохи Муҳаммад Усмонбек Намангонийдир. Муҳаммад Усмонбек 1852 йилда Наманган шаҳрида туғилиб, кейинги асрнинг 20-йилларигача яшаб ижод қилган шоир ва носирдир. 1913 йилда унинг шеърлари ва Арабистон, Миср, Сурия, Туркия мамлакатларига қилган сафари давомида кўрган ажойиботлари ҳақида ҳикоя қилувчи асаридан иборат китоби босилиб чиқади. Адиб унда Овруподаги техника ихтиролари тўғрисида ҳам маълумот беради. Бу билан маърифатпарвар шоир миллатни янгиликлар сари, тараққиётга томон интилтирмоқчи бўлади”<sup>1</sup>.

А.Халилбеков тилга олинган ва иқтибос келтирилган китобида “Тухфат ул-обидин ва анис ул-ошиқин” номли баёз тузган Муҳаммад Обиджон Муҳаммад Қобул Охунд ўғли (вафоти 1926 йил), кўплаб ғазал, мухаммас ва ҳажвиялар ёзган Алихон Муллаохун Оразий (1869–1942), Носир тахаллуси билан ижод қилган Мулла Насриддин Косоний, Зарра тахаллуси билан қалам тебратган Мулла Мир Абдулла (1871 йили Чустда дунёга келган), Тошкент шоирларининг “Армуғони Хислат” баёзида иштирок этган Зулулий. Фироқий тахаллуси билан танилган Мулла Дўстмуҳаммад Мулла ҳохи Муҳаммаж ўғли (1891 йили Чустда туғилган) ва бошқа наманганлик шоирлар тўғрисида маълумот берган. Бундан ташқари, шу даврда Наманганда Рафиқ Мўмин (1900–1951), Лутфулла Олимий (1893–1869) сингари машҳур шоир ва носирлар ҳам истиқомат қилган ва Сўфизода Наманган шаҳрида яшаган вақтида улар билан яқин муносабатда бўлган.

Ўн уч йиллик жудоликдан сўнг киндик қони тўкилган тупроққа етиб келган Сўфизоданинг наманганлик, айниқса, чуствлик шоирлар билан яқин алоқада бўлмаганига ишонини қийин.

Лекин Сўфизода Чустга келиши билан азалий орзусини амалга оширишга киришади. Бу унинг ёш ватандошларига билим бериш, уларни янги тарихий-маданий даврга муносиб фарзандлар қилиб ўстириш орзуси эди. У шу мақсадда Камарсада – ҳозир Сўфизода номи билан аталган боғ яқинида янги усул мактабини очади. Аммо кўп ўтмай, бу мактаб чуствлик мутаассиб кимсалар томонидан ёпиб қўйилади. Шундан кейин унинг ўзи ҳам қувғин қилинади. 1913 йил

<sup>1</sup> Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. – Наанган, 20007. – Б 173.



охири – 1914 йил бошлари бўлса керак, Сўфизода онаси билан укаси Тожибой пичоқчини олиб, Чустдан Шаҳандга, ҳозирги Шаҳанд санаторийси ўрнида жойлашган Хўжа Муҳаммад Валининг боғига кўчиб боради.

“Бу ерда, – деб ёзади чуствлик мактаб ўқитувчиси Шукрулло Гаффоров, – (Сўфизода) етим ва камбағаллар боласи учун мактаб очиб, ўқитувчилик қилади. Мактабга 100 га яқин бола тортилади... Ҳамқишлоқларимиздан Худойберди Маманазаров, Бозорбой Йўлдошев, Абдулла Назаров, Тожибой Эгамбердиев, Мамадали Умарбоев, Неъматилла Қобулов, Абдулла Юсупов, Мулла Ғани, Раҳимберди Мирзабоев, Муллақозоқ Каримов, Ҳожимад Ҳамдамов, Адҳам Тожиаҳмедовлар Сўфизоданинг биринчи талабалари эдилар”<sup>1</sup>.

Бу мактаб Чустдаги янги таълим усулига асосланган бирдан-бир маърифат ўчоғи бўлиб, Сўфизода ўқувчи болаларга даставвал дунёвий фанлардан билим беришга интилади.

Ўша йилларда ҳам, ундан аввал ҳам, кейин ҳам болалар асосан она тарбиясини кўриб ўсганлар. Эрларнинг ҳаёти кўпроқ кўча-кўйда кечгани учун болалар нимани ўрганган бўлсалар – оналаридан ўрганишган, нимани эшитган бўлсалар – оналаридан эшитишган. Шунинг учун Сўфизода, аввало, оналарнинг маърифатли бўлишлари лозим, деган фикр билан бевосита уларга муурожаат этиб, ёзди:

*Мунча ёмон шўрлади пешоналар,  
Қизларимиз жорияи хоналар,  
Сиз эдингиз жонлара жононалар,  
Қадрингизи билмади дебоналар.  
Қумри билан булбулу бедоналар,  
Яхши ўқур, сиз ҳам ўқунг, оналар.*

*Бир қарангиз, ерда кўкарган гиёҳ,  
Сизга қилур ҳар бири этиб нигоҳ,  
Лола кулиб, тагин кулар ойму моҳ,  
Умр азиз, жоро туриб этди оҳ.  
Қумри билан булбулу бедоналар,  
Яхши ўқур, сиз ҳам ўқунг, оналар*

---

<sup>1</sup> Шукрулло Гаффоровнинг каминага берган қўлёзма мақоласидан.

Бу шеър ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг дурдоналаридан бири. Сўфизода “дебоналар”нинг “жонлара жононалар” қадрига етмаслигини айтиш билан бирга “ерда кўкарган гиёҳ”дан тортиб ойга қадар ҳамма нарсанинг уларга кулиб нигоҳ ташлашини айтади ва шу йўл билан оналарни шарафлайди. Ўз фарзандларини кумри билан булбулу бедоналардек тарбиялашлари учун уларни яхши ўқишга даъват этади. Шеърнинг бундан кейин сатрларида уларни қуршаб турган жаҳолат печакларини бартараф этувчи бирдан-бир куч маърифат эканлиги гўзал бир тарзда ифода этилади.

Шу йили дастлаб водийда “Садои Фарғона”, сўнгра Тошкентда “Садои Туркистон” газеталарининг нашр этила бошлаши миллатнинг маданий ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди. Гарчанд ўзбек миллий матбуоти 1906 йилда “Тараққий” газетасининг чоп этилиши билан бошланган ва 1914 йилга қадар “Хуршид”, “Шухрат”, “Осиё” сингари вақтли нашрлар дунё юзини кўрган бўлса-да, бу икки газетанинг майдонга келиши ўзбек халқининг миллий уйғонишида айрича аҳамият касб этди. Газетанинг, айниқса, бидъат ва хурофот авж олган муҳитдаги маданий-маърифий аҳамиятини яхши тушунган шоир бу газеталарнинг нашр этилишини олқишлаб, бундай ёзди:

*Яшнатиб дил гунчасин фасли баҳор айлар газет,  
Сув бериб кўнгул богин сабззор айлар газет.*

*Шарқдан Мағрибгача бўлган ҳаводисни ёзиб,  
Не гўзал мағруб хабарлар ошкор айлар газет.*

*Кўп ўқур бўлсанг бўлурсен эл аро чун нуктадон,  
Сўзлаганда сўзларингни безубор айлар газет.*

Сўфизода бу икки шеъри билан миллий уйғониш даври адабиёти намояндалари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллайди. Унинг она заминга қайтиб келганидан кейинги шоирлик ва педагоглик фаолияти шундай бошланади.

Шоирнинг дастлабки ўқувчилари орасидан фидойи меҳнатлари билан чуствликлар хотирасида бир умрга қолган бир неча кишилар етишиб чиқди. Улар орасида Наманган вилоят Қўшчилар уюшмаси туман бўлими раиси Абдулла Волком, Шаҳанд Қўшчилар уюшмасининг биринчи раиси Тожибой Эгамбердиев, Чуст туман

ижроия комитети раиси Мамадали Умаров сингари кишилар бўлиб, чуствликлар ҳозир ҳам улар номини ҳурмат билан тилга оладилар.

Сўфизода янги усул мактабида диний тарбияга ҳам алоҳида эътибор берди. Аммо ўша йилларда дин байроғи остида хурофот ва бидъат авж олганлиги сабабли Сўфизода болаларга назр-ниёз каби урф-одатларнинг мутаассиб диндорлар томонидан ўйлаб топилганини айтди. У ўз фикрининг тўғрилигини исботлаш мақсадида уларни Камарсадаги катта бир дарахт қошига олиб бориб, унинг шохига қизил латтани боғлаб кўяди. Кўп ўтмай, динга муккасидан берилган кимсалар бу дарахт шохларини латта-путталарга тўлдириб ташлаб, уни муқаддас дарахт, деб эълон қилдилар. Ана шу тарзда Камарсада яна бир зиёратгоҳ пайдо бўлди. Сўфизода шундай “жонли” мисоллар ёрдамида чуствлик мутаассиб кишиларнинг дин эмас, кўпроқ бидъатга берилганларини асослаб берди. Лекин ҳар қандай янгиликнинг душмани бўлган мутаассиб кишилар Сўфизоданинг шу мактабини ҳам ёпиб, унинг бошига тухмат тошларини ёғдирдилар. Улар назарида, ёш болаларни дунёвий фанлар билан таништирмоқчи бўлган Сўфизода ўта динсиз ва кофир киши эди. Улар маҳаллий амалдорлар билан тил бириктириб, Сўфизоданинг кофирлигини исботлайдиган “далил”лар тўплашга киришдилар.

“Туркистон вилоятининг газети” (1914 йил, 10-сон) да шу ҳақда бундай сўзлар ёзилган: “...Ўқувчи болалардан аҳли вилоят динчилари воқиф бўлсалар, афъоли номашруъ (шариат қоидаларига зид ҳаракат) лар вужудга келибдур. Бу афъоли бад (ярамас ҳаракатлар) ға сабаб сўролганда, болалар айтибдурларким: “муаллим домламиз аввали даражада берган таълимлари – намоз ўқимасанглар ҳам зарари йўқ деб; иккинчи таълимлари – истибро (истинжо – нажосатдан покланиш)ни қоғоздан истеъмол қилингллар деб; учинчи таълимлари – форма кийингллар, деб...”<sup>1</sup>

М.Б.Солиҳов ушбу воқеани бундай талқин этган:

“...Жадид мактабининг таъсирлари билан манфаатлари бузила бошлаган Чуст кишлоғининг руҳонийлари ҳужумга бошлайдилар: “Сўфизода динсиз ва кофир”, деб ривоят ясайдилар; шариат исмидан берилган бу ривоят у замонда билимсиз деҳқон халқни Сўфизода қаршисида кўзгата олди. Бу ҳужум натижасида Сўфизоданинг янгигина қурган турмушини вайрон қилиб,

<sup>1</sup> Кўчирма Т.Расулевнинг мақоласидан олинди: Қаранг: Ўзбек совет адабиёти таърихи, 1-жилд. – Тошкент, 1967. – Б. 311.



рафикасини ундан айирдилар. Ҳар бир йўл билан қора гуруҳ тарафини тутиб боровчи чор ҳукумати маъмурлари эса бу ҳодисага кулибгина қарадилар. Кучли душман гуруҳлари қаршисида эзилган ва енгилган Сўфизода Чуст қишлоғини ташлаб кетишга мажбур бўлиб, саёҳатга чиқади”<sup>2</sup>.

Сўфизоданинг 90 йиллиги нишонланган кунларда камина шоир ватанида бўлиб, турли соҳа вакиллари билан суҳбатлашиш имконига эга бўлган эдим. Шундай кишилардан бири ўша йилларда Чустда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори бўлиб ишлаган Ҳамиджон Фаёзов бўлиб, у кейинчалик каминага Сўфизода ҳақида ватандошларидан эшитган хотираларини лутфан ёзиб юборган эди. У мазкур хотираларида Сўфизоданинг “фақатгина икки ой бирга яшаган суюкли рафикасидан мажбуран ажратилгани”, бутун вилоятга “динсиз Ваҳший” деб эълон қилингани, “оёғидан арқон боғлаб судраганлари”ни айтиб, бундай ёзган эди: “Уламолар халққа қарата: Ваҳший учун баққол мол сотмасин, сартарош сочини олмасин, кўчада йўл берилмасин, чойхона ва йиғинларда у тагжойдан маҳрум қилинсин мазмунида фатво ҳам ёзадилар”.

Маълумки, Шоҳимардондаги дарахт шоҳларига чирмаб ташланган латталарнинг 1929 йилда Ҳамза раҳбарлигида олиб ташланиши пировардида унинг ҳалок этилишига сабаб бўлган эди. Шу фожиали воқеадан 15 йил аввал Сўфизоданинг тахминан шундай ишлари учун Чустдан қувилиши табиий эди. Аммо Сўфизода ўтқир ҳажвлари ва муаллимлик фаолияти билан эл-юртга танилиб қолгани учун ҳатто ўша даврда ҳам унинг бошига тушган савдолар акс-садо бермай қолмади. “Туркистон вилоятининг газети” ўзининг 1914 йил 1 январь сонида мазкур воқеа ҳақида бундай хабар берди: “Чуст шаҳрида бир мулла шоир усули жадид мактаб очкан экан. Чуст аҳолилари анинг ахлоқи бузук, деб мактабни тарқатиб, ўзини Чустдан ҳайдаб юборган эканлар”. Шу сўзлардан сўнг газета: “Шул домланинг хасб-қолини баён айлаб ёзғон ашъори” деган алова билан Сўфизоданинг 17 банддан иборат мусаддасини муштарийлар эътиборига ҳавола қилган. Ушбу мусаддас “хасби ҳол” бундай байтлар билан бошланади:

---

<sup>2</sup> Солиқов М.Б. Кўрсатилган манба. – Б. 8.

*Кўб ёз, қалам, сийнадаги оқ лабан<sup>1</sup>имдан,  
Қўшгил қаламга озгина дуд саҳан<sup>2</sup>имдан,  
Кетмас бу олам дуди равон баданимдан,  
Ўлсам даги қабримдаги хоку кафанимдан,  
Қувди мани жоҳиллар ўшандоғ ватанимдан,  
Лекин қуволмас суҳанимни даҳанимдан.*

*Ман тўғри сўзимни дебман халқ Худога  
Қалқон шу бошим миллат учун тири жафога,  
Қалб ишини қўйинг, деб яна қолдумми балога,  
Ҳеч йўқ таъмим<sup>3</sup> ҳозир ўзим-чун чарога,  
Қувди мани жоҳиллар ўшандоғ ватанимдан,  
Лекин қуволмас суҳанимни даҳанимдан.*

Шоир “хасби гол”нинг кейинги байтларида мутаассиб ва имонсиз кимсаларнинг кирдикорларини фош этиб, бундай даҳшатли хулосага келади:

*Масжидда имомат сотилур, борми пули кўб,  
Тун берса бўлур, гарчи ўзи бўлса қуруқ чўб,  
Шул шарт ила ким салла ўрар фишла ичи туб,  
Сақоли узун бўлса заҳий қавмина марҳуб,  
Қувди мани жоҳиллар ўшандоғ ватанимдан,  
Лекин қуволмас суҳанимни даҳанимдан.*

Афсуски, Сўфизода турли мамлакатларда яшаб, бир неча Шарқ тилларини ўрганганига қарамай, мукаммал мадраса таълимини олмаган, шу сабабли араб ва қисман форс сўзларининг халқ ўртасида тарқалган (бузилган) шаклларида истифода қилган. Шу нарса китобхоннинг шоир асарларини тўла ва тўғри тушуниш-ларига айрим ҳолларда монелик қилади.

Юқорида парчаси келтирилган “хасби ҳол”нинг ўзиданоқ Сўфизоданинг рўй берган машъум воқеадан қаттиқ изтиробга – руҳий ларзага тушгани равшан кўринади. Ўз ватанидан қувилган шоир энди чуствликлар номидан шеър ёзиб, “Туркистон вилоятининг газети”га юборади ва “бизлар” радифли ғазалида бир

<sup>1</sup> *Лабан* – лавн (ранг) сўзининг бузилган шакли.

<sup>2</sup> *Саҳан* – саъка (қичқирик, ҳайқирик) сўзининг бузилган шакли.

<sup>3</sup> *Таъмим* – кўпчилик ўртасида тарқатиш, ёйиш.

сиқим мутаассиб кимсалар кўлида кўғирчоқ бўлиб қолган ватандошларини шармандаи шармисор қилади. Мазкур газетанинг 1914 йил 1 январь сониди босилган ва “Чуст боёнларининг бир гапхонада бир-бирларига мақтанишлари” деб номланган шеърида тараққийпарвар шоирни ўз юртидан бош олиб кетишга мажбур қилган кимсалар шафқатсиз равишда фош этиб ташланади:

*Муаллимни қувиб, мактабни ёнган чустилар бизлар,  
Бериб пора, приставларни топган чустилар бизлар.*

*Шаҳарга қўймадик поездни, келсун, халқ кун кўрсин,  
Ажаб мўминсифат, эски мусулмон чустилар бизлар.*

*Узун тўн, малла салла, кавиш-маҳсилик, очиқ кўкрак,  
Мулойим содаваши, яъни намозхон чустилар бизлар...*

*...Дуо қилсин, дедик, сотдик қизларни оқсоқолларга,  
Ва лекин қилгучи оламни вайрон чустилар бизлар.*

*Кўринг инсофни, пулсиз камбагал қирқ ёшида бўйдоқ,  
Дағи бир чорасиз, ҳар ишда сарсон чустилар бизлар...*

*...Бадаватмиз дуохон ва чиллаёсинчи қорига,  
Қоқимчи ҳам йўқимчиларга деҳқон чустилар бизлар...*

Бу чушлик мутаассиб руҳонийларнинг кирдикорларини фош этувчи, уларни нафақат Туркистон ўлкасидаги мусулмонлар, балки мазкур газетанинг ҳар бир сонини диққат билан кузатиб борган рус амалдорлари олдида ҳам шармандаи шармисор қилувчи шеърий ҳужжат эди. Буни яхши тушунган Чуст қозиси Аббосхон Ҳожи Муҳаммад ўғли газетанинг навбатдаги сонларидан бирида раддия билан чиқади. Унинг “Таҳорат илмини билмас, намозу рўзаддин ғофил... На парвои қиёматдан, на хавфу на хатардандур” сингари бачкана байтлардан иборат шеърига Сўфизода янада ўткир тигли шеър билан жавоб беради. Биз шу шеърни ўқир эканмиз, “Туркистон вилоятининг газети” саҳифалари ўша кезларда катта ғоявий жанг майдонига айланганини, Сўфизоданинг ёлғиз бўлишига қарамай, қози Аббосхон Ҳожи Муҳаммад тимсолида барча душманларининг юзларидаги ниқобларини олиб ташлаб,



уларнинг гайринсоний қиёфаларини очиб ташлаганини ва бу майдондан ғолиб бўлиб чиққанини кўрамиз:

*Менинг ёзганларим, билсанг агар, хуни жигардандир,  
Бу нутқи томаларким, луқмаи поки падардандир...*

*...Жаҳонда йўқ эди бачча, ани сенлар сиқаргансан,  
Суюқлар бошчиси, билсанг, сенингдек "катталар" дандир...*

*...Сени йўлдан чиқарган Кўр шайтон тилгиром эрди,  
Бу назми сендан эрмас, бир сариқ юз баччагардандир.*

*Сабаб: тўн бермаган тўю азога бормадинг ҳаргиз,  
Мусулмонлик муборак, ушбу мўъминлик қачондандир?..*

*...Бориб Байтул ҳарам<sup>1</sup>га сен на қилдинг, мен на келтирдим,  
Шу озроқ фикри дониш меваи нақди сафардандир.*

*Қўлингдан келса, ётган камбагални тур, деб уйғотгин,  
Қараб кўр: шоху баргу мева асли бир шажардандир...*

Бу жангу жадалда жароҳатланган, аммо қиличининг ўткир тигини душман кўксига санчган жангчининг мардона сўзларидир. У Аббосхон қози орқасида “сариқ юзли баччагар”нинг турганини яхши билган. У қозининг Маккаи Мадинага бориб, Каъбани зиёрат этгани билан на ақли ошгани, на виждони покланганини айтади, уни ер билан яксон қилувчи ақли, фикри, ҳақиқати турли мамлакатларга қилган сафарининг меваси эканини алоҳида таъкидлайдики, бу сўзлар шоирнинг аср бошларидаги мажбурий сафарига теранроқ назар ташлашимизни, бу сафарларнинг унинг шахс ва шоир сифатида шаклланишига кўрсатган таъсирини доимо назарда тутишимизни тақозо этади.

---

<sup>1</sup> Байтул ҳарам – Макка шаҳридаги Каъба.

## АФҒОН ЮРТИДА

Ўз юртидан бадарға этилган шоирнинг қачон ва қаерга бориб, қачон ва қаердан паноҳ топгани ҳозиргача аниқ эмас. Юқорида бир неча бор тилга олганимиз Ш.Сулаймон томонидан эълон қилинган таржимаи ҳолда айтилишича, Сўфизода Хоразмда бир мунча вақт тургач, “Афғонистонга ўтиб, амир Ҳабибуллаҳон ва сўнгги хонлардан амир Омониллаҳоннинг энг муҳиб ва атоқли шоирларидан бўлган. Шоир кўпгина форсча ширин ва гўзал шеърларни ёзган. Шоир саёҳат мақсади-ла Ҳиндистонга борганида англис пулислари томонидан тутилиб, бир йил таъқиб остида юрган. Шунда ўзи йиққан девони шеърлари куйдирилган. Энг сўнг 20-йиллар бошида Афғонистон хонлари томонидан Туркистонга консул муовини этиб тайинланган”<sup>1</sup>.

Тўлқин Расулев шоирнинг хорижга бош олиб кетиш санасини 1915 йил, деб белгилаган ҳолда бундай хулосага келган: “Ҳақиқатгўй шоир чет элларда ҳам эркин яшай олмади. Инглиз полициячилари Ҳиндистонда ўқитувчилик билан кун кечираётган Сўфизодани бир йилча таъқиб остига олиб, қўлёзма девонини куйдирадилар. У ниҳоятда огир сафардан қайтаётиб, очлик ва яланғочлик натижасида Афғонистон хонлигида ишлашдан бошқа илож тополмайди”<sup>2</sup>.

Афсуски, на Т.Расулев, на бошқа муаллифлар ўз тахминларини ўртага ташлаб, Сўфизоданинг 1915 йилда хорижга йўл олгани ёки Ҳиндистонда ўқитувчилик қилганини айтганларида, уларнинг қандай манбаларга суянганлари қоронғи бўлиб қолади. Ҳолбуки, фанда ҳар бир факт ишончли манбага асосланган ва тадқиқотчи томонидан ошқор қилинган бўлиши шарт. Бизнинг бу масалага эътибор қаратишимизнинг боиси шундаки, шоирнинг “Сирож ул-ахбор” газетасидаги илк шеъри шу газетанинг 1915 йил 11 октябрь сонидан эълон қилинган. Бу фактга қараганда, шоир афғон тупроғига камида 1915 йилнинг ёз ойларида келган.

Агар шу фактни эътиборда тутиб, қувилган шоир дастлаб Ҳиндистонга борган ва у ерда бир йилча таъқиб остида яшагани сабабли 1915 йилнинг ёз ойларида афғон юртига ўтган, десак, балки хато бўлмас.

<sup>1</sup> “Чуст ҳақиқати” газетаси, 1989 йил 15 апрель.

<sup>2</sup> Ўзбек совет адабиёти тарихи, 1-жилд. – Тошкент, 1967. – Б. 315.

М.Б.Солиҳов эса шоир Хива хонлигидан кейин Афғонистонга борган, деган маънода қуйидаги маълумотни берган:

“Биз Сўфизоданинг Хива ва Афғонистон саёҳати замонларида турмушнинг баъзи қийноқларида қолганини, ойларча Мозори шарифнинг Ҳожихонасининг зах ҳужраларида оч, касал ва умидсиз ҳолда бўлган замонларини биламиз. Бунинг билан бирга шеърӣй санъати ва таълимий кучи билан Хива хони ва Афғонистон феодалларидан ёрдам кўриб турган замонларини ҳам биламиз. Феодализмнинг табиатига ҳуш келарли шеърлар ёзганлигини ҳам биламиз. Ҳатто унинг Афғонистон маъмурлари қаторига кириб, шўро тупроғига... келганидан ҳам хабаримиз бор...”<sup>1</sup>

Бизнингча, бу сўзлар 1914 йили Чустдан бадарға этилган шоирнинг дастлаб Ҳиндистонга бошпана излаб боргани ва ўша ерда бир йилча яшаганини инкор этмайди.

Шундай қилиб, Сўфизода афгон юртидаги дастлабки кунларини Мозори шарифдаги Ҳожихонанинг зах ҳужраларида “оч, касал ва умидсиз” ҳолда кечирди. Аммо табиат унга нафақат шеърӣй истеъдод, балки темир ирода ҳам ато этган эди. У турмушнинг барча қийинчиликларини сабр-матонат билан енгиб, 1911 йилдан 1918 йилга қадар Афғонистонда нашр этилган ягона газета – “Сирож ул-ахбор”га дарӣй тилида ёзган шеър ва мақолаларини юбориб турди.

## “СИРОЖ УЛ-АХБОР” САҲИФАЛАРИДА

Қўшни афгон юртида, худди Бухорода бўлганидек, амирлик тузуми ҳукм сурар, мамлакатни эса Амир Ҳабибуллахон бошқарар эди.

Ҳабибуллахон 1901 йили, тахминан 29 ёшида, тахт соҳиби бўлган. У фаолиятининг дастлабки йилларида она юрти ва халқининг узоқ йиллардан бери чуқур инқироз ҳолатида яшаб келаётганини кўриб, ватанпарвар ва тараққийпарвар кучларга таянишга, улар ёрдамида мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва маданий таназзул ҳолатидан олиб чиқишга бед боғлади. Шу йўналишда бир қатор ислохотларни амалга ошириб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, мамлакатнинг Англиядан қарамлигини заифлаштиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди.

<sup>1</sup> Солиҳов М. Бузрук. Сўфизода ва унинг ижоди ҳақида. – Тошкент, 1934. – Б. 9.



У мамлакатга раҳбарлик қилган дастлабки йилларда янги ҳаёт шабадалари эса бошлади. Амир Ҳабибуллахон феодал тузум асосларини янгилаш ниятида баъзи бир ислохотларни амалга оширди. Бундан рағбатланган ватанпарвар кучлар бир неча йиллардан бери қўшни мамлакатларда нашр этилаётган газеталардан ўрнак олган ҳолда “Сирож ул-ахбор” (“Хабарлар чироғи”) газетасини ташкил этишга қарор қилдилар. Бу тараққийпарвар кучлар тепасида “Ёш афғонлар” ҳаракатининг раҳбари, тарихчи Маҳмуд Тарзий турарди. 1866 йили Ғазнада туғилган бу зот Дамашк, Истанбул ва бошқа шаҳарларда таҳсил олгани боис XX аср бошларида Эрон, Туркия сингари мамлакатларда бошланган ва шу мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ўсишига имкон берган миллий маданий ҳаракатнинг Афғонистонда ҳам пайдо бўлиши учун кўп куч сарфлади. Унинг жонбозлиги туфайли 10-йиллар арафасида “Ёш афғонлар” ҳаракати жунбишга келди. Маҳмуд Тарзий Амир Ҳабибуллахон яратган имкониятдан фойдаланиб, дарий тилида илк афғон газетасини нашр этишга чоғланди. Унинг ниятига кўра, жаҳондаги энг қоқоқ халқлардан бири бўлиб келаётган, аксарияти дарий тилида сўзлашувчи халқ бағрига маърифат нурларини сочиш ва унинг мудроқ кўзларини маърифатнинг ҳаётбахш суви билан ювиш лозим эди. Шу мақсадда ташкил этилган газета 1910 йилдан бошлаб Маҳмуд Тарзий ноширлиги ва муҳаррирлигида чоп этила бошлади. Газета муштарийларга жаҳоннинг бошқа ривожланган минтақаларида яшаётган мамлакатлар ва халқлар ҳақида ҳам тасаввур бериб, эндигина бошланган XX асрда илм-маърифатсиз на фаровон яшаш, на ота-боболардан қолган юртни обод қилиш мумкин эмаслигини халқ дилига қуйишга интилди. Ҳатто қўшни Шарк ва Ғарб мамлакатларида нашр этилган газеталардаги ибратли мақола ва хабарларни таржима қилиб, газетхонлар эътиборига ҳавола этди.

Афғонистонда шундай газетанинг нашр этилаётгани Сўфизода учун айна муддао эди. У ўзбек ва тожик тилларини муқаммал билгани, дарий тили эса тожикчага яқин тил бўлгани туфайли шу тилда асар ёзиш унинг учун муаммо эмас эди. Қолаверса, Мозори шарифдек улкан шаҳарда бирор меҳрибон биродарсиз оғир турмуш кечираётган шоирда “Сирож ул-ахбор” орқали дил сўзларини айтиш, маслакдош дўстларни топиш ва, табиий, қалам ҳақи эвазига яшаш эҳтиёжи ғоят кучли эди. Шунинг учун ҳам у афғон заминига

етиб келган 1915 йилнинг куз ойларида “Таркиббанди мусаддас” деган шеърини ёзиб, газетага юборди. Бу шеър мазкур газетанинг 11 октябрдаги 4-сонида “Ба имзои фарғонали муаллим Сўфизода Муҳаммадшариф ба мо расида”, яъни “Фарғоналик муаллим Муҳаммадшариф Сўфизода имзоси ила бизга келган”, деган сўзлар билан муштарийлар эътиборига ҳавола қилинди.

Сўфизода шу вақтгача “Туркистон вилоятининг газети” ва “Садои Туркистон” сингари маҳаллий газеталардан ташқари, Самарқандда нашр қилинган “Ойна”, Уфада чоп этилган “Шўро” журналлари саҳифаларини ҳам ўз асарлари билан безаган эди, (Афсуски, биз Сўфизоданинг Озарбайжон ва Туркия матбуотида эълон қилинган шеър ва мақолалари тўғрисида бирор маълумотга эга эмасмиз. Унинг шу мамлакатлар матбуотида ўз асарлари билан иштирок этгани ёки этмагани ҳам биз учун қоронғи.)

Мана, ўша шеърнинг дарий тилидаги дастлабки банди:

*Ё раб, ниёзи бандаи ночиз аз ту ин:  
Аз рӯи лутф олами исломро бубин,  
Бар фазли худ ниғаҳ куну исъёни мо бубин,  
Моён ба ажзи нуқси худ иқрору шармгин,  
Зулли сирожии миллату дину раҳи мубин,  
Ҳаргиз мабод кам зи сари жумлаи мўминин.*

Шу банднинг филология фанлари доктори Раҳмон Иномхўжаев томонидан бажарилган ўзбекча сўзма-сўз таржимаси бундай жанрнга эга:

*Ё раб, арзимас бандангинг сендан тилаги шудир:  
Лутф юзасидан ислом оламини кўргин.  
Ўз фазлингга боққин-у, бизнинг исёнимизни кўргин,  
Бизлар ўзимизнинг ожизлик нуқсонларимизни тан  
оламиниз, уятлимиз,  
Миллат, дин, чин йўл чироғи<sup>1</sup> сояси  
Жумла мўминнинг бошидан ҳаргиз кам бўлмасин.*

Шарқ мумтоз шеърятини учун анъанавий мусаддас жанрида ёзилгани ва Оллоҳга мурожаат билан бошланганига қарамай, бу шеърда ўзга ҳаётий воқелик тасвири ва шу воқеликда яшайётган ўзга

<sup>1</sup> “Сирожии миллат ва дин чироғи» – амир Ҳабибулланнинг сифати.

фикрли, ўзга қарашли лирик қаҳрамон образини кўраимиз. Оллоҳдан ислом оламига назар ташлаб, ўз фазлига боққан ҳолда ислом оламидаги исённи кўришни илтимос қилган лирик қаҳрамон шеърнинг кейинги бандларида асл муддаоси сари яқинлашиб, бундай дейди:

*Европа саноати қавмимизни шунчалик ҳайрон қолдирибди  
ва ҳавасини келтирибдики,  
Миллатимиз гайрати жўшиб, ўшалар нимага эришган бўлса,  
Шу нарсага эришни истаги унда пайдо бўлди.  
Ҳар киши ўзига раво кўрди ҳақорат ва таънани,  
Намоз ва рўзадан кейин ҳар дам бир навқар шаҳиддир.*

Шу ўринда айтиш зарурки, Сўфизода, бир томондан, бегона юртда қочоқ ёки муҳожир сифатида яшаётгани, иккинчи томондан, шу юртнинг тараққийпарвар амиридан нажот ва илтифот кутаётгани сабабли дастлабки икки банднинг сўнгги байтларида унга тавозе қилиб, унинг номини баланд сифатлар билан ёдга олиб ўтади. Агар биз Оллоҳнинг афгон тупроғидаги соясига бағишланган шу икки анъанавий байтни эътибордан холи тутсак, шеърнинг юқорида келтирилган лавҳасида Шарқ билан Ғарбнинг ўзаро қиёсланганини ва бу қиёс ислом олами фойдасига бўлмаганини сезмай иложимиз йўқ.

Шоир давом этиб ёзади:

*Ё ўшал, барча исломнинг нажотини бергин,  
Сенинг олтинсиз сотиб олганларингмиз, ўша номни бергин,  
Тузум файзи-б ҳукмлар равнақини бергин,  
Биз кўчанг ҳожиларимиз, эҳромни бергин  
Ва хизмат Каъбаси томон (бизни) юборгин,  
Ёки жаҳолат тиги билан бизни жароҳатлаб ўлдиргин.*

Бу Сўфизоданинг нафақат она тупроғи, балки ислом оламининг бошқа мамлакатларини ҳам кўриб, шу оламнинг ўз номига муносиб қиёфа ва моҳиятга эга бўлмаганидан ёниб, изтироб чекиб айтган дил сўзларидир. Шоир диний-фалсафий йўналишдаги фикрларини, дарду ҳасратларини ифодалашда давом этиб, “Фарғона узоқ юрт бўлса ҳам”, “давлат ва миллатни дуо қилиш зарур”, – дейди ва ёзади:



*Овоз усулидаги мактабни қабул қилгандан сўнг  
Тараққий аҳли учун етукликка эришиш йўли очилди.*

Шоир шундай жадидона фикрлари билан Оллоҳга эмас, балки амир Ҳабибуллахонга мурожаат этиб, ундан афғон юртидаги тараққийпарвар кучларга соябон бўлишни, “тузум файзи”-ю “хукмлар равнақи” йўлида фаолият олиб боришни сўрагандек бўлади. Аммо у ўз фикрларини Оллоҳга мурожаат тарзида ифодалайдики – бу шоирнинг афғон юртидаги мураккаб вазият билан ҳисоблашган ҳолда иш юритганидан дарак беради.

Сўфизоданинг “Ташвиқи навомўзон” (“Янги ўрганувчилар ташвиқи») деб номланган иккинчи шеъри “Сирож ул-ахбор”нинг 1915 йил 23 декабрь сонида эълон қилинди. Маснавий жанрида ёзилган ва 40 байтдан иборат бу шеърда шоир ёшларга мурожаат этиб, уларга панд-насихат беради. Аммо бу шеър Шарқ мумтоз адабиётидаги анъанавий панд-насихатнинг қофияланган шакли бўлмай, шоирнинг нафақат ахлоқий қарашлари, балки кенг билими ва дунёқарашини ҳам ифодалай олувчи асар даражасига кўтарилган. Биз бу шеърни ўқир эканмиз, шоирнинг эски мактаб ва мадраса таълимини олганига, айрим манбаларда айтилганидек, Туркиядаги дорилфунунларнинг бирида қисқа муддат бўлса-да таҳсил кўрганига ишонч ҳосил қиламиз. Сўфизода ёшларга панд-насихат берар экан, уларни ватанни севишга, миллат билан муросаи мадорада яшашга, маданият жабҳасининг толмас аскарлари бўлишга ундайди. У ўзи мансуб бўлган авлоднинг замони ўтган, бинобарин, ёшлар замони келган, деб билади. Шунинг учун ёшларнинг қандай кишилар бўлиб улғайиши, шоир назарида, фақат уларнинг эмас, балки миллат ва ватаннинг ҳам тақдирини белгилаб берувчи омилдир. “Ҳикмат фани бир куни шу даражага етадики, агар Машриқдан туриб гапирсанг, Мағриб томонда бу гапни бошқа киши эшитгусидир”, – дейди у ҳали телефон ва радионинг кашф қилинганидан бехабар бўлган ёшларга мурожаат этиб.

Эҳтимол шу сатрлар ёзилган пайтда фан ва техниканинг бу кашфиётидан унинг ўзи ҳам бехабар бўлгандир. Аммо у “ҳикмат фани”нинг келажакда бу ва бошқа ютуқларни қўлга киритажасига ишониб, келажакка – “ёшлар замони”га катта умид билан қарайди. Сўфизода ислом оламидаги соқов нотиклар ва қар тингловчиларни назарда тутиб, “Улар шарият теваганини ақлнинг теграиси, деб билдилар”, – дейди. “Қатор туялар ва эшак минган

карвонбошимиз”нинг “қирчанғи” ишини ҳам қилолмаслигини, “саман арғумок” бўлолмаслигини сезади. У ислом олами илм-фан бешиги бўлган замонларни эслаб, бундай ёзади:

*Ислом миллатининг устурлоб<sup>1</sup> ва зич<sup>2</sup>идан Европа  
Дурбин ва телескопга етишида, лекин биз ундан маҳруммиз.*

*География фани ютуқлари ҳам бизники эди,  
Европа аҳли биздан харита ва чизгични ўғирлаб кетди.*

*Ҳарифлар<sup>3</sup> ўз ишлари билан машҳур бўлдилар, лекин биз  
уч юз йил уйқуда бўлдик,  
Шу сабабдан бизлар мисгар, улар эса заргар бўлдилар.*

Шоирнинг ёшларга аталган сўнги тилаги эса будир:

*Барча махлуқ билан илоҳий ахлоқ йўлида муносабатда бўл,  
Жаҳонга нур сочгин, қуёш каби заррани парваришлагин.*

Сўфизоданинг “Сирож ул-ахбор”да эълон қилинган бу ва бошқа шеърлари нафақат афғон ёшларига, балки ёш ватандошларига ҳам қаратилгани шубҳасиздир.

Агар ёлғиз шу шеърда Абу Бакр (ислом динини биринчилар қаторида қабул қилган халифа), Усмон ибн-Аффон (майинлиги билан ном қозонган халифа), Шайх Санусий (мустамлакачилик зулмига қарши курашган диний арбоб), Анвар Пошо (турк саркардаси), Ниёзбек Пошо (турк саркардаси) Жамолиддин Афғоний (машҳур файласуф ва жамоат арбоби) сингари тарихий шахсларнинг тилга олинганига эътибор берсак, шоирнинг билим доираси ғоят кенг бўлганига амин бўламиз. Унинг юқорида тилга олинган шеърларида олға сурилган ижтимоий ва фалсафий-ахлоқий қарашлар бу фикрнинг одиллигини яна бир бор тасдиқлаши мумкин.

Ўзбек шоирининг афғон газетаси саҳифаларида эълон қилинган бу икки шеъри Кобулдаги Ёш афғонлар ҳаракатининг раҳбарлари

<sup>1</sup> Устурлоб – қуёш ва юлдузларнинг юксаклигини ўлчайдиган асбоб.

<sup>2</sup> Зич (зиж) – Улуғбекнинг самовий жисмлар ҳақидаги “Зижи Кўрагоний” жадвали назарда тутилмоқда.

<sup>3</sup> Ҳарифлар – қаршилар, рақиблар маъносида.

ва уларга ҳомийлик қилган амирнинг назар-этиборидан четда қолмади. Сўфизода 1916 йилнинг кўклам ойларида бўлса керак, Кобулга таклиф этилди. Унинг мазкур газетанинг 1916 йил 4 май сонидида босилган “Адабиёт” сарлавҳали шеърисида “Мустафавий азонининг баланд овози Ухлаб ётган одамлар қулоғига телеграф бўлди”, деган байт борки, бу байтда Кобул шахридаги Мустафавий масжидининг тилга олингани шу тахминимизнинг тўғрилигига кафилдир.

Сўфизода Кобулга кўчиб борганидан сўнг унга мазкур газета учун ўзбек тилида ҳам шеър ва мақолалар ёзиши мумкинлиги айтилган кўринади. Шоир 1916 йил март ойида газета муҳаррири Маҳмуд Тарзий номига ўзбек тилида хат йўллаб, бу хатга “Амалга ошмайдиган бир умидворлик ҳақида” деган публицистик мақоласини илова этган. Муаллиф гарчанд бу мактубида ўзига хос хоксорлик билан: “Агар идорадаги маслакдошлар рози бўлсалар, лутф ва мурувват юзасидан “Сирож ул-ахбор”нинг бирон бурчагида чоп этилса, айти ғарибнавозлик бўлур эди”, деб ёзган бўлса-да, газетанинг бу ва келаси сонларига ҳам шеър ва мақолалар ёзиб юборишни ваъда қилган “Туркистон, Бухоро ва Хивадаги аҳвол ҳақида бир неча парча” (мақола)ларни ёзиш ғояси, назаримизда, “мухтарам жаноби мудир”нинг ўзидан чиққан. Негаки, нафақат Афғонистондаги ташки ва ички аҳвол, ҳатто Европа мамлакатларидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт ҳақида ҳам мақола ва хабарлар берилаётган газетада кўшни Туркистон, Бухоро ва Хивада рўй бераётган воқеалар ҳақида ҳам кизиқарли мақолаларнинг чоп этилиши айти мумкин эди.

Сўфизоданинг “Амалга ошмайдиган бир умидворлик ҳақида”ги мақоласи билан танишар эканмиз, муаллифнинг нафақат ўткир публицист, балки XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёдаги сиёсий-ижтимоий ҳаётни чуқур билган сиёсатчи бўлганидан ҳам дарак топамиз. У мазкур мақоланинг дебеча қисмида анъанавий Оллоҳга мурожаат ва миллатдошларининг зиддиятли ҳаёти тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларидан сўнг бундай сўзларни ёзган:

“...Фарғонанинг пок ери аҳолиси, ҳаттоки, барча Турон, яъни Туркстоннинг Мовароуннаҳри, Ўрта Осиё, яъни барчалари бир қавм ва бир миллат бўлган аҳоли тахминан 1280 ҳижрий (1864 милодий) йилдан бери елкаларига фалакнинг кўп калтакларини едилар, манҳус руснинг беомон қўлидан кўп кутилмаган аччиқ-



аччиқ тарсақларн едилар. Кўп йиллар давомида Россия императорлик давлатидан шариф-шафқат учун, дин ҳуқуқи, мазҳаб ва одатларни адо этиш учун ижозат ололмадилар. Шундай кун келдики, улар овруполиклар томонидан золимларча лафзий ва маънавий хужумга учрадилар. Бу ноинсоф каззоблар Туркистоннинг олижаноб халқини ваҳший дедилар, бу таҳқир юкини кўтариш бир олижаноб туркий миллат учун оғирлик қилди. Ватаннинг айрим ёшлари ибрат кўрсатувчи телескоп билан кўрдиларки, Туркистон ва Фарғона халқлари бу қадар узок ухлашлари натижасида ватанни ажнабийлар қўлига топшириб қўйиб, ночорлик билан у ёққа-бу ёққа югурдилар, дўст-душманга мадад сўраб қўл чўздилар...”

Сўфизода ана шундай тарихий-ижтимоий шароитда Петербургда “муборак ислом масжиди биноси”нинг битказилиши, Уфа ва Қозонда эрлар ва аёллар таълим-тарбия билим юртлари, шаҳар яқинидаги посёлкада “миллий кироатхоналар”, Оренбургда кечки ва кундузги “Хусайния” мактабларининг очилиши, кундалик газеталар ва миллий журналларнинг нашр этилиши, Тошкентда “Садои Туркистон”. Қўқонда “Садои Фарғона” газеталари, хайрия ва иона жамиятларининг мавжуд бўлишини янги даврнинг умидбахш ҳаётий воқеалари сифатида талқин этади. Биз унинг бу тасалли сўзлари жадид маърифатпарварининг жароҳатли қалбидан юзиб чиққанини сезамиз.

Афсуски, шоирнинг Туркистон, Бухоро ва Хивадаги аҳвол ҳақида ёзмокчи бўлган мақолалари нашр этилмай қолди. Бунинг бирдан-бир сабаби Россия элчихонасининг шу йилларда Афғонистонда фаоллаша бошлаган ҳаракатининг натижаси эди.

## АФҒОН ЮРТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Афғон юртида уя қуриб олган сиёсий кучлар мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислохотлардан, кечаётган маданий-маърифий жараёнлардан манфаатдор эмас эдилар.

Одатда, бундай кучлар ўзларининг ғаразли ниятларини нодон кишиларнинг қўли билан қилади. Бундай кишилар эса исёнталаб ва томошатаалаб маҳаллий аҳоли орасидан истаганча топилади.

Ҳабибуллахон Биринчи жаҳон уруши йилларида Германиянинг тазйиқи ва гиж-гижлашига қарамай, Афғонистоннинг урушга

аралашмаслиги ва бетарафлик позициясида мустаҳкам туришида ўз иродасини намоиш этди. Лекин шу йилларда таъсир доираси тобора кенгайиб бораётган инглизлар ички реакция таъсирида Ёш афғонлар ҳаракатининг қанот ёзишига тўғаноқ бўла бошлади. Икки ўт ўртасида қолган амирнинг бу ҳаракати ёш афғонларда норозилик туйғусини уйғотган бўлса, ўз кучларига ишона бошлаган сотқин кимсалар амирга қарши фитна тайёрлай бошладилар.

Яқинда нашр этилган Ўткир Абдурахимов ва Абдулла Олим (Тошқин) нинг “Фироқ водийсида” деб номланган ҳужжатли романида бизни қизиқтирган масалага оид бундай сўзларни ўқиймиз:

“Афғонистоннинг подшоҳи 1919 йилнинг айнаи қиш даврида Жалолобод шаҳри Қалай Куши тоғларига шикорга борди. Ўша пайтда бу вилоятнинг ҳоқими амир Ҳабибуллаҳонга амаки мақомида бўлиб, расмий маълумотларда эълон қилинган манбага қараганда, ўзига яқин бўлган сирдош ҳарбийлар билан келишилган ҳолда подшоҳга қарши суиқасд уюштирди ва бунинг оқибатида олампаҳоқ шаҳид кетди<sup>1</sup>. Оғир жароҳат олган подшоҳнинг сўнгги васияти шундай бўлди:

– Зудликда Туркия ҳарбий академиясида таълим олаётган валиаҳд амирзода Омонуллаҳонни юртга чорлангиз, тахтга чиқсин ва менинг душманларимдан ўч олсин, – деб жон таслим этди...

...Шу йил далв ойи<sup>2</sup>нинг учинчи чорағида Амир Омонуллаҳон Афғонистонга қайтди ва подшоҳ деб тан олинди. Унгача тахтга даъвогар бўлган амакиси, Нангархар вилоятининг ҳоқими амир Иноятуллаҳон ўзини подшоҳ деб эълон қилди, аммо шаҳид Ҳабибуллаҳоннинг васиятида валиаҳд «шаҳзода Омонуллаҳон» деб кўрсатилгани учун диндорлар унинг номини хутбага қўшиб ўқишдан бош тортишди. Тахтга Омонуллаҳон чиқди, унинг исм-шарифи барча масжидларда хутбага қўшиб ўқилди. У амакиси амир Иноятуллаҳон ва мудофаа нозири генерал Нодирхонни отасига суиқасд уюштиришда айблаб, ҳибсга олдирди, мол-мулкларини мусодара қилдирди. Тож кийдириш маросимида у афғон халқига мурожаат қилди ва деди:

Азим миллат, падари бузрукворимиз, шаҳид амир Ҳабибуллаҳон каминангизни валиаҳд этиб тайинлаб кетибдурлар. Мен шу вожибга мувофиқ тахтни эгалладим. Мен аҳд қилдимки,

<sup>1</sup> Бу мудҳиш воқеа 1919 йил 20 февралда содир бўлган.

<sup>2</sup> Февраль ойи.

ватанимизни озод ва мустақил давлатга айлантирурмен. Юртимизни, халқимизни ташқи хуружлардан химоя этурмен. Афғонистонни ривожланаётган мамлакатлар қаторига киришида ҳар қандайн хизматларни аямасмен. Маърифий-маданий соҳаларга жиддий эътиборимни қаратгаймен, илм-фаннинг ривожланишига астойдил ҳисса қўшурурмен, турмуш шароитини яхшилайдурмен...”<sup>3</sup>

Ҳабибуллахоннинг ўлими Сўфизодани – афғон ўлкасидаги ҳаёти эндигина изга туша бошлаган шоирни ларзага келтирди. Марҳум амирнинг илтифоти билан Кобулга таклиф этилган ва шу ерда мактаб очиб, афғон болаларига таълим бераётган шоирда воқеаларнинг кейинги оқимини кузатишдан ва янги амирга умид кўзи билан қарашдан ўзга илож йўқ эди. Сўфизоданинг афғон диёридаги ҳомийси Маҳмуд Тарзийнинг ташқи ишлар нозири этиб тайинланиши шоирдаги Омонуллахонга бўлган умид ва ишончни бир-икки баҳя мустаҳкамлади.

Шу йиллардаги тарихий вазият билан танишиш учун яна “Фироқ водийсида” романига мурожаат этайлик:

“Шу йилнинг ҳут ойининг саккизинчи кунида амир Омонуллахон Шодудушамшира масжиди жомеъсида Афғонистонни мустақил давлат, мамлакатни эса бетараф деб эълон қилди. Бу воқеадан сўнг Афғонистон устида қора булутлар пайдо бўла бошлади. Айниқса, Совет Россиясининг Афғонистонни мустақил давлат деб тан олиши ва у билан дипломатик алоқалар ўрнатиши Буюк Британия ҳукуматининг ғашини келтирди. Бунинг устига амир Омонуллахон очикдан-очик Ҳиндистондаги инглизларнинг колониал ҳукуматини тан олмаган ҳолда, 1893 йилги шартнома кучда эмаслиги, “пуштунлар истиқомат қилаётган ҳудудлар Афғонистонники”, деб баралла гапириши унга қарши бўлган кучлар томонидан инглиз раҳбариятига етказилган шекилли, улар ҳарбий ҳаракатларга тайёрлана бошлашди.

Инглизлар Пешоварда кучли қуролланган қўшинни хозирлаб, Афғонистонга ҳужум бошлашди. Яна қонли муҳорабалар бошланиб кетди, аммо орадан икки ой ўтмасдан, Ҳиндистондаги ғалаёнлардан чўчиб қолган Буюк Британия ҳукумати урушни тўхтатиш ва сулҳ шартномасини тузиш ҳақида биринчи бўлиб таклиф киритишди. Шундай қилиб, Буюк Британия қўшинлари Афғонистон ҳудудидан

<sup>3</sup> Абдураҳимов Уткир. Абдулла Омон (Тошқин). Фироқ водийсида. Тарихий роман. – Тошкент, 2007. – Б.98.



чикиб кетди, бу амир Омонуллахоннинг жаҳон афкор оммаси ва ўз халки орасида улкан сиёсий ва ҳарбий ютуғи эди”<sup>1</sup>.

Агар Т.Расулев берган ва бошқа адабиётшунослар томонидан яқдиллик билан такорланиб келаётган маълумот ҳақиқатга зид бўлмаса, Сўфизода Омонуллахон даврида Афғонистон маориф ноziрининг ўринбосари лавозимида хизмат қилиб, “Афғонистон маъмурлари қатори”дан (М.Б.Солиҳов) муносиб жой эгаллади.

Аммо Омонуллахон ҳам, афғон халқи ҳам қордан қутулиб, ёмғирга тутилган эди.

## АФҒОН-СОВЕТ АЛОҚАЛАРИНИНГ ЎРНАТИЛИШ

Афғонистонни мустақил деб эълон қилганидан сўнг, Омонуллахон 1919 йил апрель ойида, бошқа давлатлар қатори, Россияга ҳам дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳақида хат юборади. В.И.Ленин ва М.И.Калинин ўзларининг жавоб хатларида амирнинг бу ташаббусини табриклаб, Афғонистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан оладилар. Шу йилнинг июнь ойида амирнинг мирзоси Абдулрахимхон валади Абдулқайюм бошчилигида 52 кишидан иборат делегация дўстлик ва ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Туркистонга келади. Бунга жавобан 15 июнь куни Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг Н.З. Бровин бошчилигидаги делегацияси йўлга чиқади. Улар тушган пароходда Абдурахимхон бошчилигидаги афғон делегацияси ҳам бўлишига қарамай, афғон-рус дипломатик муносабатларнинг ўрнатилишига қарши бўлган кучлар пароходнинг Афғонистон чегараларига етиб олишига қуролли қаршилик кўрсатадилар. Ниҳоят, Туркистон МИК делегацияси пароходни тарк этиб, ярадорларни эса Чоржўйда қолдириб, амал-тақал қилиб Ҳирот шаҳрига омон-эсон етиб олади.

5 июль куни эрталаб соат 8 да Ҳиротга етиб келган делегация таркибида биринчи ўзбек дипломати ва маърифатпарвар шоир Абдулла Авлоний ҳам бор эди. У “Афғон саёҳати” деб номланган кундалигида афғонлар билан учрашувлардан олган дастлабки таассуротларини тасвирлаб бундай ёзган:

“Умуман, афғон халқи жангжўй, урушқоқ бир халқ ўлдиғиндан аҳлининг яроқ-аслаҳасиз йўқ ҳукминдадир. Милтиқ, тапонча олмоқға кучи етмаганларнинг қилич, шоф ва ханжарлари бордур.

<sup>1</sup> Ўша асар. – Б. 99-100.

Буларга кодир бўлмаганларининг қўлларида ойболта ёки шашвор, жуда кўпларининг қўлларида “мархабо таёк”лари бордур”<sup>1</sup>.

Бечора афғон халқининг бундай жанговар, доим қурол-яроқ билан ётиб-турувчи халққа айланганининг сабаби Афғонистоннинг мустамлакачилар учун узоқ йиллар мобайнида ҳарб майдони бўлиб келаётганида эди. Инглиз зулмидан эндигина қутулаётган халқ энди бошқа мустамлакачиларнинг ҳам Афғонистонга кўз олайтиришлари мумкинлигини яхши биларди.

Делегация гарчанд Туркистон Мухтор Республикаси номидан келган бўлса-да, унга раҳбарлик қилган Бровин ҳам, унинг ҳеш-акраболари ҳам на ўзбек ҳамроҳларини, на афғон раҳбарларини назар-писанд қилди. Авлоний ўз кундаликларида бу ҳақда қуйидаги сўзларни ёзган: “Пар(в)она қишлоғиндан бошлаб товариш (ўртоқ) ларимизнинг ораларига тафриқа<sup>2</sup> тушди. Тафриқанинг сабаби Бровин афғон тупроғига ўтгандан сўнг ўзини(нг) женерал – чор ноили эълон қилмиш эди. Ҳамда бутун тутғон тактика, хатти-ҳаракати-да Никулайнинг генералларини(нг) рафторидан қолишмас эди...”<sup>3</sup>

Бровиннинг шовинистик хатти-ҳаракатларидан озор чеккан Авлоний кундалигига бундай байтларни ҳам ёзиб қўйган:

*Дунё кездим, кўбни кўрдим, ҳеч ҳақиқат кўрмадим,  
Хуррият номин эшитдим, лек адолат кўрмадим.*

*Маслаку мақсадга ишлармиз, деб лоф урдилар,  
Ишламак-ла сўзларига ҳеч садоқат кўрмадим...<sup>4</sup>*

Авлоний Афғонистоннинг турли шаҳар ва работлари бўйлаб саёҳат қилар экан, рисоламиз қаҳрамони Муҳаммадшариф Сўфизода билан Зарсанг деган жойда учрашиб қолади:

“14 августда, – деб ёзади Авлоний, – сабоҳ соат 6 да бурадан чиқуб, соат 10 да Зарсанг исмли работға келуб тушдук. Бу ики манзил ороси 4 тош, 8 қуру, 32 чақирим йўлдир.

Бу манзилда Кобулдан Туркистона тайин ўлинмиш ҳайъати вакола бизлара йўлуқди. Бошлиқлари женерол Мирза

<sup>1</sup> Авлоний Абдулла. Танланган аарлар. 2-жилд. – Тошкент, 2006. – Б.258.

<sup>2</sup> Ажратиш.

<sup>3</sup> Уша асар. – Б 278.

<sup>4</sup> Уша ерда.

Муҳаммадхондир. Бу ҳайъат ичинда тўфчи, муҳандис, юзбоши, дўхтур ва бир туркистонли таржимон Муҳаммадшариф Сўфизодада вор эди. Бу ҳайъат 20 кишидан иборат эди. Бу ҳайъат бизлара амир соиб тарафиндан истиқбол саломлари сўйладикдан сўнг амир бизлари тўрт кўз ила кутуб турдигин сўйладилар”<sup>5</sup>.

Афғонистон мустақиллигини эътироф этган давлатлар ила дипломатик алоқаларни ўрнатишга жиддий киришган Омонуллахон генерал Мирзо Муҳаммадхон раҳбарлигидаги мазкур гуруҳни Турикстонга махсус миссия билан юбораётган эди. Авлоний ўша кезларда Совет давлатининг Ҳиротдаги консули этиб тайинланганидек, Мирзо Муҳаммадхон ҳам Афғонистоннинг Тошкентдаги биринчи консули этиб белгиланган, Сўфизода эса ана шу консуликда таржимон вазифасини адо этиши лозим эди.

Ёш тадқиқотчи Бурхон Абулхайровнинг ёзишича, Сўфизоданинг бўлажак илк тадқиқотчиси Миён Бузрук Солиҳов 1919 йилда Авлоний билан бирга Афғонистонга борган. “У, – деб ёзади Б.Абдулхайров, – Афғонистондалик йилларида маъмурий идорада хизмат қилиш билан биргаликда афғон тили ва маданияти билан қизиқиб, ўзининг шарқшунослик борасидаги билимини яна ҳам оширди. Бундан ташқари, шу ерда мусофирликда юрган Сўфизода (1869–1937) билан танишди ва у билан бир неча маротаба суҳбатда бўлди”<sup>1</sup>.

Афсуски, М.Б. Солиҳов Сўфизода ҳаётининг шу даврини яхши билган бўлса-да, шу ҳақда бирор аниқ маълумотни ёзиб қолдирмаган.

Аммо сўнгги йилларда олиб борилган изланишлар натижасида Сўфизоданинг Мирза Муҳаммадхон бошчилигидаги дипломатик миссиянинг Туркистонга келиши билан боғлиқ янги маълумотлар топилди. Бу маълумотларга кўра, Омонуллахон ҳузурида бўлиб ўтган кенгашдан кейин Туркистонга келаётган афғон консулхонаси ходимлари ва таржимонларининг ҳар бирига 800 рупий миқдоридан пул ва 2 тадан от берилган. Шунингдек, консулхонанинг ҳар бири ходими биттадан хизматчи олиш имкониятига эга бўлган. Сўфизода Кобул шаҳрида яшаган Султонмурод исмли бир ўзбек йигитни ўзига ҳамроҳ этиб танлаган.

<sup>5</sup> Ўша асар. – Б.270.

<sup>1</sup> *Абулхайров Б. Миён Бузрук Солиҳовнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига доир. Ўзбек тили ва адабиёти, 1997, 6–сон.* – Б. 44.



Омонуллахон хузурида бўлиб ўтган кенгашнинг эртасига Мирзо Муҳаммаджон раҳнамолигидаги 12 киши 60 нафар афғон аскарлари ҳамроҳлигида афғон-шўро чегараси томон йўл олади. Улар чегара томон борар эканлар, 8 кунлик йўлдан сўнг Азғарот деган жойга келиб кўнадилар. Кўп ўтмай, Бровин бошчилигида Кобулга келаётган совет консулхонаси ходимлари ҳам шу ерга етиб келадилар. Улар билан бирга юқорида тилга олганимиз шўро ҳукуматининг Ҳиротдаги консули Абдулла Авлоний ҳам келган эди.

Генерал Мирза Муҳаммаджон шўро консулхонаси ходимлари билан учрашув шарафига зиёфат беради. Ҳар икки томоннинг раҳбарлари табрик сўзларини айтиб, шўро ва афғон дипломатик алоқаларининг ўрнатилиши яхши самара беришини айтадилар. Мирза Муҳаммадхон ўз сўзида бундай дейди: “Шўро Туркистонига сафаримиздан мақсад, биринчидан, икки қўшни мамлакат – Афғонистон билан Шўро давлати ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, иккинчидан эса, босмачилик ҳаракатининг бартараф этилишига ёрдам бериш ва Шўро ҳокимиятига қарши курашаётган босмачилар орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориб, шу курашни тўхтатишдир”.

Унинг бу сўзлари Бровинга манзур бўлиб, у генералнинг қўлини маҳкам сиқиб, миннатдорчилик билдиради.

Шундан кейин Сўфизода билан Авлоний ўртасида самимий суҳбат бўлиб ўтди. Шўро ҳукуматининг Ҳиротдаги бўлажак консули 1917 йил воқеаларидан кейин Туркистонда бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида, эски даврларни қўмсовчи кишиларнинг босмачилик ҳаракатини ташкил этиб, тинч ва осуда турмуш кечираётган халққа озор бераётгани ҳақида сўзлади.

## ЯНА ОНА ЗАМИНДА

Авлоний Сўфизода билан учрашган 14 август куни, ярим кечада, РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлиги вакили Бровин билан Мирзо Муҳаммадхон ўртасида, Сўфизода билан Авлоний иштирокида суҳбат бўлиб ўтади. Суҳбат чоғида афғон генералининг Туркистонга бориши ва Тошкентда Афғонистон консулхонасини очиш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинади. Суҳбат якунида Бровиннинг таклифи билан Авлоний Туркистон Иштирокиюн партиясининг Мусулмон бюросига куйидаги хатни ёзиб беради:

*Туркистон Иштирокиюн қўмитасининг  
Туркистон мусулмонларининг  
Марказ бюросига*

*Зоти олийларингиза маълум эдарамки, ушбу зот шавкатмаоб Мирзо Муҳаммадхон генерал Афғонистон амири тарафи олийлариндан буюк ваколат ила бизим Туркистона ташириф буюражаклар.*

*Муҳтарам афандилар! Ҳар ҳолда бу зотнинг эҳтиромларин ерина етирувингиза аминам.*

*Боқий эҳтиром.*

*Русия Шўролар Жумҳуриятининг Афғонистон вакиллариндан*

*(Имзо.)<sup>2</sup> 15 (август)*

Бу ҳар иккала делегация аъзоларининг биринчи ва сўнгги учрашувлари эди. Шу учрашувдан сўнг, кўп ўтмай, 1919 йил август ойининг сўнгги кунларида Мирзо Муҳаммадхон раҳбарлигидаги афғон миссияси Тошкентга етиб келади.

\* \* \*

Бундан қирқ икки йил муқаддам, 1967 йил 29 май куни, “Тошкент оқшоми” газетасида Сўфизодага бағишланган махсус санифа берилган бўлиб, ундан тошкентлик кекса ўқитувчи Муҳаммадхон Норхўжаевнинг “Шоирни эслаб...” деган хотираси

<sup>2</sup> Авлоний А. Танланган асарлар. – Б. 271.

ҳам жой олган эди. Муаллиф бу мақоласида Сўфизодани 1895–1896 йиллардан бошлаб билишини айтган ва тахминан шу вақтда, яъни 21–22 ёшларида, устози Мансуржон охунд билан бирга дастлаб Наманганга, сўнгра Чустга бориб, шоир билан танишганлиги ва кейинчалик у билан қадрдонлашиб кетганини айтган. Хотиранависнинг ёзишича, орадан бир мунча вақт ўтгач, у Бухорога кетиб, орадаги алоқа узилиб, фақат “Туркистон вилоятининг газети” ва “Садои Туркистон” газеталарида шоирнинг бир неча шеърларини ўқиб қолади. М.Норхўжаев шу маълумотлардан сўнг дабдурустан бундай сўзларни ёзган: “Остроумов тўрадан “Бу одам ҳозир қаерда?” деб сўрасам, шеърларини Афғонистондан ва яна қандайдир шаҳарлардан юбориб турипти, деган жавобни олдим. Бу орада подшоҳ ағдарилди. Октябрь инқилоби бўлди. Мен Тошкентнинг Себзор даҳасидаги Улуғбек мактабида муаллимлик қила бошладим...”

Бу ўринда бизни хотиранависнинг Остроумов номини худди унинг яқин кишиларидан бири сифатида тилга олгани ҳам, ҳатто Афғонистондан ва бошқа шаҳарлардан “Туркистон вилоятининг газети” ҳамда “Садои Туркистон” газеталарига шеърлар юборгани ҳам қизиқтирмайди. Сўфизода 1914 йилдан, яъни Ҳиндистон ва Афғонистонга кетганидан кейин Туркистондаги бу ва бошқа нашрлар билан мутлақо алоқада бўлмаган. Бинобарин, бу маълумотлар ҳақиқатдан узоқ. Лекин хотиранависнинг шу сўзлардан кейинги куйидаги маълумоти эътиборга лойиқ кўрилади.

“1918 йилнинг баҳор ойлари бўлса керак, – деб ёзган у, – уйда эдим, биров эшик қокди. Чиқиб қарасам, афғон савдогарлари шакли-шамойилида кийинган бир одам турипти. Тўғриси, аввал танимадим. “Ҳа, қариб қолибманми, танимадингиз”, – деди. Овозидан дарров Сўфизода эканлигини эсладим. Иккимиз кучоқлашиб кўришиб кетдик. Дарҳол уйга таклиф қилиб, олиб кирдим. Ҳол-аҳвол сўрашгач: “Оламда саломат бормисиз?” – десам, “Борман ҳам, йўқман ҳам”, – дея табассум қилди. Кейин ўз саргузаштларини сўзлаб берди. Кўп сарсон-саргардон бўлган. Бир бурда нон топиш учун ҳаммолликдан тортиб, ҳаммомда гўлоҳликкача бўлган касбларни қилган, ниҳоят, мирзалик, кейин маориф назоратида тилмочлик ва бошқа ишларга тайинланган. Сўфизода меникида бир ой чамаси меҳмон бўлгач, ўз юрти Чустга жўнаб кетди...”



Хотиранависнинг бу сўзларида, бизнингча, ҳақиқат зарралари йўқ эмас. Сўфизода гарчанд 1918 йилнинг баҳор ойларида эмас, 1919 йилнинг куз ойларида Тошкентга етиб келган бўлса-да, бир мунча фурсат Тошкентда қолиб, афғон консулхонаси билан боғлиқ ишларини ҳал қилгани, кимлар биландир учрашгани шубҳасиздир.

\* \* \*

Узоқ йиллар давом этган дарбадарликдан сўнг Афғонистонда муайян мавқега эришган ва шундай мавқе билан Тошкентга келган Сўфизода нима учундир ўзига иззат-икром кўрсатган ҳукуматдан узоқлашишга ҳаракат қилди. У, М.Б.Солиҳовнинг ёзишича, “Туркия коммунистларидан бўлган Мустафо Субҳий билан бирликда афғон консулхонасига бориб, қуйидагича мурожаат этади:

“Ўз юртимда ишлашга шароит бўлмаган чоғларда ва огир кунларимда юртларингизда хизмат қилишга имкон ва ёрдам бердиларингиз. Мунга ташаккур этаман. Ҳозирда бу мамлакат халқи озодликка эришган ва менинг тилагим ҳосил бўлган. Шу ҳолда бу ерда ишлашимга ҳеч қандай моне қолмаган. Бунни арз этмак билан бирга омонатларингизни қайтараман.

Кўриладирким, – деб ёзади М.Б.Солиҳов, – Сўфизода шўро тупроғига кириш биланоқ шўрога самимият ва очиқ кўнгил билан хизмат арз этади. Афғон консулхонасида маъмур бўлиб яшаш ўрнига ўз кишлоғига бориб, фирқа ташкилотчиси бўлишни юқори кўрадир”<sup>2</sup>.

Бу Сўфизода ҳаётининг энг катта хатоси эди.

“Афғон элчиси, – деб ёзган эди ўзбек адабиётининг хорижий талқиқотчиларидан бири, – унинг ўтинчини қабул қилган. Шоирнинг бундай хато бир ҳаракати ва Туркистонда мавжуд бўлган вазиятни билмаганлиги (мамлакат халқи озодликка чиққан эмиш!) унинг келажаги учун хатарли бир йўл бўлди”<sup>3</sup>.

Сўфизодани ким йўлдан оздирди? Ким унга ўзбек халқининг озодликка эришганини айтди? Нега у афғон элчихонасига бирор шитандоши билан эмас, балки “турк коммунистларидан бўлган” Мустафо Субҳий билан борди? Мустафо Субҳий ким ва қандай одам эди?..

<sup>2</sup> *Солн от М.Б. Суфизода ва унинг ижоди ҳақида.* – Тошкент 1934. – Б.9.

<sup>3</sup> *Ҳайит Б. Суфизода. Ҳаёти, ижоди ва тақдири.* – “Миллий Туркистон” журнали, 1965, 109-сон. – Б.21.

Сўфизода афгон маъмурияти билан бирга Тошкентга келганидан сўнг мархум амир Ҳабибуллахон ва амир Омонуллахоннинг унга кўрсатган эътибор ва мурувватлари звзига консулхонада ҳалол хизмат қилиши ҳамда шоир сифатида ижод қилиши лозим эди. Лекин у бу бирдан-бир тўғри йўлдан тойиб, бошқа бир кўчани ихтиёр қилдики, бунинг сабаблари, аввало, Мустафо Субҳий номи билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун куйида шу кимса тўғрисида бир-икки оғиз сўзлаб ўтиш жоиздир.

Мустафо Субҳий 1883 йили Туркияда дунёга келиб, Истанбул университетининг ҳуқуқ ва иқтисод факультетида ўқиган. Сўнгра таҳсилни Парижга кўчириб, олий маълумотли бўлганлиги ҳақидаги шаҳодатномани олган. Ҳали 30 ёшга кирмаган Мустафо профессор илмий унвонига эришгач, кутилмаганда, сиёсий фаолиятга берилиб кетади. 1908 йили “Ёш турк”ларнинг “Иттиҳод ва тараққий” партиясининг раҳбарларидан бири сифатида кувғинга учрайди. У 1914 йили сиёсий муҳожир сифатида Россияга келиб, Севастополь шаҳрида нашр этилган «Крымский вестник»да турк ишчиларига кураш йўлларини ўргатувчи мақолаларини эълон қилади. Қримдан Бокуга, Бокуда ҳибсга олинганидан кейин эса сургун муддатини ўташ учун дастлаб Калуга шаҳрига, сўнгра Ўролга боради. Хуллас, 1920 йил январида Россия Компартияси Марказкоми ўзининг бу арзандасини Туркистонга юборади. У Тошкентга келган куниёқ Колизей театри биносида “Шарқ озодлиги, интернационал инқилоб ва Туркистоннинг вазифалари” тўғрисида завқ-шавқ билан маъруза ўқийди.

“1920 йил январида, – деб хотирлаган эди “Миллий истиқлол” ташкилотининг асосчиларидан бири Лазиз Азиззода, – Субҳий Тошкентга келганидан 1–2 кун ўтгач, шаҳар партия комитетига келиб, мен билан танишди, партия ишлари юзасидан маълумотлар олди. Шу куни у менинг таклифимга мувофиқ, уйимда меҳмон бўлди. Субҳий билан узоқ суҳбатлашдик. У мени ўзининг шахсий ҳаёти билан таништирди. Шу суҳбатларимиздан кейин Мустафо Субҳий ҳақида менда бундай фикрлар ҳосил бўлган эди.

Субҳий бутун борлиғи билан коммунизмга берилган ва бу йўлда ўз ҳаётидан воз кечишга ҳам тайёр турган бир зот. Буюк Октябрнинг барча жаҳон халқлари, шу жумладан, турк халқи ҳаётидаги буюк аҳамиятини алоҳида тақдирлар ва Октябрнинг ғалаба қозонишига комил ишонч билан қарарди. У капитализм, туркчилик, исломчилик, усмонлиликнинг аёвсиз душмани эди.

Булардан кутулиш учун бирдан-бир чора коммунистлар сафига ўтиб ишлаш, Туркистон истиқболини фақат ижтимоий инқилоб ҳал қилади, дер эди”<sup>1</sup>.

Аниқ айтиш мумкинки, Сўфизода дунёқарашининг кескин ўзгаришида коммунизм ғоясига берилган шу шахснинг таъсири ҳал қилувчи роль ўйнади. Унинг “капитализм, туркчилик, исломчилик, усмонлиликнинг аёвсиз душмани” экани Чустдаги мутаассиб кимсалар билан курашдан чарчаган Сўфизодага, айниқса, хуш келди. У Субҳийнинг хом хаёллари тўрига илиниб, коммунистик фаолият олиб бориш учун Чустга йўл олди.

## ЧУСТДА

Сўфизода кимнингдир таъсирига осонгина бериладиган ёшда эмас эди. Унинг дунёқарашадаги бу кутилмаган ўзгаришни ёлғиз Мустафо Субҳийгагина боғлаш, балки, нотўғридир. Нафақат она-тупроғи Чуст, балки Туркия, Арабистон, Ҳиндистон, Афғонистон каби мамлакатларда яшаган аҳолининг машаққатли турмушини кўрган шоирда, балки, дунёни идора этаётган сиёсий-ижтимоий вазиятни ўзгартириш лозим, деган фикр пайдо бўлгандир. Тўғри, бу мамлакатларда ҳамма ҳам очлик ва муҳтожлик шароитида турмуш кечирмаган. Бойлар, албатта, фаровон дунёнинг барча нознеъматлари ва лаззатларидан тўла баҳраманд бўлиб яшаганлар. Камбағаллар эса, аксинча...

Мана, Авлоний кундалигида тасвирланган ва Сўфизода учун нотаниш бўлмаган афғон ҳаётининг манзаралари:

“...Кўчалар, бутун ҳифзи сихҳатга муғойир (бегона, ёт) ифлос, чанг-ғубор. Одми ерда кўча тарафга хонадонлардан чиқорилгон (ахлат)ларнинг бўйига инсон боласи тоқат қилуб юра билмайди. Тиланчилик у қадар кўбки, боз у кўчаларда сизни(нг) кўз очирғони кўймайдур...

...Ҳиротдан бошлаб то Кобулга келганча йўлларда у қадар мазор кўпдурки, йўлнинг ҳар ики тарафи бир мазористон манзарасин ташкил эдар. Йўллар тоғ-тошлардан иборат ўлидигиндан чуқур қазилуб, кўммоқ мумкин ўлмаюб, ўлуклари атрофига тош теруб, устига тош бос(т)ируб кўяр эканлар.

<sup>1</sup> Азиззода Л. Янги ҳаёт курашчилари. – Тошкент, 1977. – Б.30–31.



Бу Ҳазора йули Кобулнинг энг яқин, энг қаттиқ, энг қатнов йули ўлдиғиндан халқ чумолидек ўлуб турар экан. Бу бир ойлик йул оросида тиббий ёрдам йўқлик сабабли огирроқ касал бўлгон кишиларни(нг) йўлнинг бир четига ўтқизуб, устига тош бостируб кета берар эканлар...”<sup>2</sup>

Шундай даҳшатли, ё шунга ўхшаш, ёки шунга яқинроқ манзараларни кўрган шоирда, у хоҳ Сўфизода, хоҳ Рабиндранатх Тахур бўлсин, бойлар ва камбағалларга ажралган дунёнинг яшаш ва ривожланиш қонунларини ўзгартириш лозим, деган фикр пайдо бўлган бўлса ажаб эмас.

Шундай тарихий вазиятда большевикларнинг бойлар ва камбағалларга ажралган дунёнинг тагига ўт қўйиб, “янги олам”ни барпо этмоқчи бўлганлари Сўфизоданинг ўша кезлардаги рухий ҳолатига яқин эди.

Хуллас, у 1920 йилда иштирокиюн партиясига аъзо бўлиб, мазкур партиянинг Чуст қишлоғидаги ячейкасини ташкил этади. “Сўфизода, – деб ёзади М.Б. Солиҳов, – 1920 йилда Чуст қишлоғида фирқа ташкилотчиси бўлиб, ячейка ташкил қилади ва турмушнинг аламини торта-торта ахир сафолатхоналар ва кўчаларда қолган бир қанча оёқялангларга йул кўрсатади: тўғри, Сўфизода ўз атрофига тўпланган ялангоёқ батрак гуруҳи билан эзувчи синфий душманга қарши кураш олиб бориб, тартиб ва низом чегарасидан ташқари чиқиб ҳам кетади”<sup>3</sup>.

Модомики, биз Сўфизоданинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида ҳақ гапни айтишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйган эканмиш, унинг ячейка раҳбари сифатидаги фаолиятига доир айрим ишларни ҳам четлаб ўтмаслигимиз зарур.

М.Б. Солиҳов юкорида баён қилинган фикрини давом эттириб, яна бундай мълумотни беради:

“Албатта, сиёсат нуқтаи назаридан ундай илгари кетишлар яхши эмас эди. Аммо бу илгари кетган ҳаракат ўз даврларида ҳеч бир турли уятсизликдан тортинмаган синфий душманга қарши бўлгани сабабли шоирнинг тарихига тамом доғ бўлиб тушишдан ҳам четда туради. Балки-да, руҳан эзилган ва онгсиз қолдирилган ялангоёқ тўдасига руҳ ва ҳаяжон бермак учун шундай бир ҳаракатга замонида эҳтиёж борлиғини ҳам қабул этмак мумкин.

<sup>2</sup> Авлоний А. Танланган асарлар, 2-жилд. – Б. 259-, 273.

<sup>3</sup> Солиҳов М.Б. Сўфизода ва унинг ижоди ҳақида. – Б.10.

Бизнинг бу ерда бир нуқтага айрим кўз ташлаб ўтишимиз керак: Чуст қишлоғида Сўфизода атрофига уйсиз, жойсиз, сафолатда қолганлар тўпланганлар. Улар шўровий турмушни қабул қилишда унинг раҳбарлиги остида юрганлар. Бу ҳол бизга Сўфизоданинг шу синф тарафида бўлган характериға ҳам далил бўла олади...

Сўфизодадаги бу ҳол унинг Октябрдан сўнгги адабий меваларининг ҳар бирида деярлик очиқ акс эта борадир; Сўфизода 1921–22 йилларда Чуст маҳаллий ҳукумати маъмурлари ораларида туғилган ангалишмасликлар натижасида танқидларға учрайди ва сиёсий хизматлардан тортилади. Англашилишиға кўра, унинг бу гушишиға ҳукумат идоралариға кирган баъзи бир чет унсурларни аямасдан танқид қилиши сабаб бўлган”<sup>1</sup>.

Бу сўзларни ўқир эканмиз, 20-йилларнинг бошларидаги кожанка кийиб, белиға тўппонча таққан кимсалар кўз олдимиғза келади. Куни кеча, М.Б. Солиҳов айтмоқчи, сафолатхона ва кўчаларда ётган ялангоёқлар бу кимсаларға эрғашиб, қанчадан-қанча кишиларнинг уй-жойларини, мол-мулкларини тортиб олиб, уларни қон қақшатганлар. Бу ҳам камлик қилганидек, кейинчалик уларни ўз ватанларидан бадарға қилганлар. Сўфизода ҳам кожанка кийган кимсалардан ибрат олиб, шу йилларда ўзини адолатсизлик устидан ҳакамлик қила олувчи киши, деб билди. У шу йилларда ҳақсизлик ва адолатсизлик устидан ҳакамлик қила олувчи куч ёлғиз Парвардигорнинг ўзи эканини унутди.

М.Б. Солиҳов юқорида баён қилинган фикрини асослаш – “баъзи бир чет унсурларни аямасдан танқид қил”гани боис “хизматдан тортилгани” сабабларини кўрсатиш учун шоирнинг куйидаги сатрларини келтиради:

*Аҳли давлат синфидан бир даста виждони касал,  
Йиғлади, ёлборди, “йўқсулман” деди, олди амал,  
Отға минди, супрани қўлтиқлади, бўлди дағал,  
Наъра тортиб, ота гўридан ўқиб байту газал,  
Мен агар ёлгон, десам, инсоф кўзи бирлан қаранг,  
Йилга етмай, сувчи мешкидек шишиб бўлди таранг.*

<sup>1</sup> Ўша асар, ўша бет.

М.Б. Солиҳовнинг ёзишича, шу сатрларда тасвирланган маъмур турли йўллар билан Сўфизодага қарши ишлаб, уни сиёсий ишлардан четлаштирган.

Юқорида келтирилган сатрларда “йўқсилман”, деб амал отига мингаи кишининг қанчалик кулгили қиёфаси тасвирланган бўлмасин, Сўфизода бадиҳа йўли билан ҳажвий шеърлар ёзгани ёки айтганида, одатда танқид қилинувчи кишининг исмини ҳам тилга олишдан чўчимаган. Бизнингча, шундай кишилар ўч олиш мақсадида Сўфизоданинг хатти-ҳаракатларидаги ўзбошимчаликларга жамоатчилик эътиборини қаратиб, унинг пайига тушадилар. Қамоқ жазосига дучор бўлиши мумкинлигидан чўчиган Сўфизода 60-йилларда Сероп маҳалла, Пахтакор кўчасидаги 34-уйда яшаган Акбарали Орипов (1886 йилда туғилган) нинг таҳоратхонасида ғор кавлаб, олти ой яшириниб яшайди. У ўша кезлардаги аҳволи ҳақида хат ёзиб, бу хатнинг бир нусхасини Йўлдош Охунбобоевга, иккинчи нусхасини эса “Фарғона” газетаси муҳаррири Лутфулла Олимийга юборади. Т.Расулевнинг гувоҳлик беришича, мазкур хатга шоирнинг ҳажвий шеъри ҳам илова этилган бўлиб, унда, жумладан, бундай сатрлар ёзилган экан:

*То бизда йўқ илм – ҳамма иш савдогарники,  
Сайлов кунинда қўл кўтариш Бойназарники,  
Давлат ҳуқуқидан чекилур камбагал авом,  
Шўро ҳукумати ўқиган ишчиларники.*

Тахмин қилиш мумкинки, бизга тўла ҳолда етиб келмаган бу ҳажвий шеърда Сўфизоданинг пайига тушган Бойназардан ташқари, бошқа чуствиларнинг ҳам номлари бўлган.

Ўзбек халқининг яқин тарихида шоир яшаган 20-йиллардек мураккаб давр бўлмаган. Шу даврда кимнинг “қизил”, кимнинг “оқ” бўлганини аниқлаш осон эмас эди. Шунинг учун ҳам 1937 йил воқеалари бошланганда Совет давлати фарқига бориб ўтирмай, ўзига садоқат билан хизмат қилган “қизил”ларни ҳам, ўзига қарши қилич кўтарган “оқлар”ни ҳам барабар қириб ташлади.

Аммо шунга қарамай айтиш зарурки, Сўфизоданинг она ватанига “қизиллар”дан бири бўлиб қайтгани ачинарли ҳолдир. Совет давлатини чин дилдан ёмон кўрган адабиётшунослардан бирининг қуйидаги сўзларини рад этиш қийин:



“Шоир 1919 йилдан бошлаб, – деб ёзган эди у Сўфизода тўғрисида, – совет русларининг хизматида бўлди. Совет идоралари ундан тезликда фойдаланиш йўлига кирдилар. Уни Чуст шаҳарига, босмачилик ҳаракатига қарши кураш вазифаси ила “махсус шўба” (махфий полис) га юбордилар. Айни вақтда шоир советларнинг руҳларини тарғиб этадирган шеърлар ҳам ёзиб турган. Бу усулда аввалги миллий-жадидчи Шоир энди совет ғояларини тарғиботчиси сифатинда кўрина бошлади. Лекин унинг ҳаётиндаги бундай кўриниш узоқ вақтни ўз ичига ола билмади. Совет ҳукумати уни “тескари инкилобчи” деб 1923 йилда қамокқа олган. У совет турмасидан қочиб чиқади ва дўсти ҳамда ватандоши Акбарали Орифнинг эвинда... 6 ой ўзини сақлаб қола олган. У ўзини 1924 йилдагина оқлай олган. Унинг қамокқа олиниши шоирда биринчи мартаба ўлароқ Совет-Русия ҳокимиятига нисбатан шубҳаланиш туйғусини яратган”<sup>1</sup>.

Сўфизодага ватандош бўлиш хорижий олимнинг бу сўзларидан ҳақиқат шабадалари эсиб турганини сезиш қийин эмас.

## МАЪРИФАТ БОҒЛАРИ

Сўфизода она юртини соғиниб 1914 йилда Чустга қайтиб келганида имкон топиши билан мактаб очиб, болаларга таълим ва тарбия бериш чораларини ахтарган эди. Кўнглида ёш авлод шуурини маърифат нурлари билан мунаввар қилиш орзуси ҳамон жўш ураётган шоир 1920 йилда ватанига қайтиб келиши билан ижтимоий ишларни унутмаган ҳолда Чустдаги янги усулга йўналган илк мактаблардан бирини очишга киришди.

1917 йил Февраль инкилобидан кейин Сибирь лагерларида азоб-уқубат чекаётган турк зобитлари озодликка эришиб, ўз ватанларига қайтиш ўрнига, Тошкентда, ўзбек диёрининг бошқа шаҳарларида жадид мактабларини очиб, болаларга турк тилида сабоқ бера бошлаган эдилар. Ўша йилларда жадид мактабларида дарс берувчи муаллимлар кўп бўлмаганлари учун Мунаввар қори Абдурашидхонов сингари маърифат фидойилари уларни шу хайрли ишга ундаган ва кўндирган эдилар. Билол афанди билан Нурий афанди исмли турк зобитлари Чустга бориб, бири Суроббойнинг ишжид ёнидаги даҳмасида, иккинчиси эса Учтилхонада мактаб

<sup>1</sup> “Миллий тикланиш”, 1965, 109-сон. – Б. 21.

очган эдилар. Бу мактабларга ёзилган болалар ҳар куни эрта билан мактаб олдида саф тортишиб:

*Ватан авлоди, ватан афҳоди,  
Илм доим шириндур, бўлинг Фарҳоди.*

*Мактабга борсак биз,  
Илм олсак биз  
Олимлар бўлурмиз,  
Турк ўғлидурмиз,*

деган шарқийни айтар эдилар. Бу мактабларда болаларни Туркияга ва умумтуркий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга кўпроқ эътибор қаратилган эди.

Сўфизода Чустга келиб, мактаб очиши билан кўпчилик унинг мактабига бора бошлади ва турк зобитлари ўз-ўзидан кўринмай қолдилар.

Сўфизоданинг мактаби Ҳасанхўжа эшоннинг Камарсада довони яқинидаги масжидида, аниқроғи, шу масжиднинг бир хонасида очилган эди. Мактаб пештоқига: “Мен бир бўёқчики, ул мактаб ҳумида ранг бериб, ўн икки ойда қора чаппаларни оқ қиламан”, деб ёзилган ва шу образли сўзларнинг ўзидан Сўфизода мактабининг эски усул мактабларидан тамомила фарқ қилиши аён бўлар эди.

“Бу мактабда, – деб эслаган эди Боймоқ қишлоқлик Асқаржон ота Аҳмедов (1909–1998), – биз, йўқсил болалари, билим олардик. Бўйрада ўтириб ўқирдик, дафтар ўрнида тахтачаларга ёзардик. Устоз шўро ҳукуматида рўй бераётган янгиликлар ҳақида кўпроқ айтиб берарди. Эшитган янгиликларимизни эса ота-оналаримизга, оға-иниларимизга етказардик. Шу тариқа янгиликлар бутун Чустга ёйиларди. Устоз янги ёзган шеърларини ҳам ўқиб берардилар. Биз, талабалар, бу шеърларни бир зумда ёдлаб олардик. Ҳозир ҳам устознинг ўнга яқин шеъри ёдимда турибди...”

Шубҳасиз, журналистлар замондошларнинг бу сўзларини улар хотиралари тубидан суғуриб олибгина қолмай, уларга озми-кўпми пардоз ҳам берганлар. Шунга қарамай, бу хотиралар асосида шоирнинг 20–30-йиллардаги машаққатли ҳаёти ва фаолияти, хусусан, маърифатпарварлик соҳасидаги ишлари тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қийин эмас.

“Бир куни, – деб ҳикоя қилган эди Камарсада маҳаллалик Иброҳимжон Ғозиев (1901–1989) устози ҳақида, – кўчада муаллим билан учрашиб қолдик, шунда:

Иброҳим, мактаб очдим, сабоқ олгани боргин, – деб гузар томонга бурилдилар.

Эртаси мактабга борсам, 15 нафар болага сабоқ бераётган эканлар. Мен эскича усулда ота-онамдан Куръон оятларини ёд олган эдим. Сўфизоданинг дарслари янгича усулда бўлиб, “Алифбе”, “Устози аввал”, “Устози соний” китобларидан дарс ўқирдик. Мен тезда пешқадамлар сафига етиб олдим. Лекин бу орада оиламиз билан Кўқонга кўчиб бордик...”

Сўфизода очган мактабда Асқаржон Аҳмедов ва Иброҳимжон Ғозиев билан бир синфда яна Камол Калонов, Абдулла Эргаш, Санжар Эргаш, Аширмат Ҳамдамов, Умаржон Қодирхонов сингари талабалар ҳам таҳсил олганлар.

“Мен, – деб давом эттирган эди ўз ҳикоясини шу мактабдошлардан бири, Бофанда маҳаллалик Камол Калонов (1909–1997), – даставвал маҳалламиздаги эски мактабда ўқиганман. Бир куни тенгқурларимдан уч-тўрттаси уйимизга келиб, янгича мактабда ўқиётганлигини, унинг афзалликларини, айниқса, муаллим Сўфизодани кўп макташди. Эртаси куни мен ҳам Кенжа жувозкаш дўкони ёнидаги мактабга бордим, мени ўқишга қабул қилишди.

Бу жадидча мактаб маҳалламиздаги мактабдан анча фарқ қиларди. Ичкарига кириб, хонага разм солсам, ўн уч чоғли ўқувчи остига ғишт терилган узун тахталарда ўтиришибди. Бир томонда доска осиглиқ бўлиб, араб ёзувида шеърый байт жилоланиб турибди.

Муаллиф мени кўришлари билан саволга тутдилар:

- Эски мактабда ўқиганмисиз?
- Ҳа, – деб жавоб бердим.
- Нималарни ўқигансиз?
- “Ҳафтияк”дан “Куръон”гача ўқиганман, айрим оятларини ёд биламан.
- Қани айтинг-чи?
- Ёдлаганларимни айтиб бердим.
- Ёзишни биласизми?
- Йўқ.



Сўфизода жадидча ўқиб, тезда хат-саводимни чиқариб олишимни айтдилар. Икки ой деганда ўқиш-ёзишни ўрганиб олдим”.

Камарсада маҳалла, Маданият кўчасидаги 1-хонадонда истикомат қилган Аҳмаджон Аюбов (1910–1993), бошқа мактабдошларидан фарқли ўлароқ, нафақат Ҳасанхўжа эшоннинг масжидидаги устоз мактабида, балки турк зобитларининг мактабларида ҳам ўқиган. Аммо хотираси заифлашиб қолганлиги туфайли фақат қуйидаги сўзларнигина айтган, холос:

“Энг эса қоларлиси Сўфизоданинг янги усул мактабида олган сабоқларим эди, чунки, тезда ўқиш-ёзишни ўрганиб олган эдим-да. Дарслар тафсилотларга бой, тушунарли, қизиқарли ўтиларди, биз зерикиш нималигини билмасдик.

Мактабда кўпгина қашшоқ-ночор оналарнинг фарзандлари билим олишарди. Муаллимимиз бунга бефарқ қараб тура олмас эдилар. Ота-оналардан тўпланган маблағни улар учун кийиш-бош олиб беришга ишлатиб юборардилар. Ўқувчи талабалар хурсандчилиги ичига сиғмас, улар кийимларини кўз-кўз қилиб, “домламнинг ҳадяси”, деб мақтанишарди”.

Дўзанда маҳалла, Муқимий кўчаси, 48-хонадонда яшаган Ўғилжон Холбоева Сўфизоданинг Чустдаги мактаби тўғрисида биз учун мутлақо янги маълумотни берган. Унинг чуствлик Рашидхон Қодирхонов томонидан ёзиб олинган хотирасига қараганда, мазкур мактабда ўғил болалар билан бирга қиз болалар ҳам ўқишган.

“Отам раҳматли, – деган эди Ўғилжон ая суҳбатдошига, – мулла киши эдилар. Шунинг учун бўлса керак, ҳамма фарзандлари ўқимишли, жумладан, мен ҳам эски мактабда ўқиётган қизча эдим. Маҳалламиздаги Зубайраҳон отинда сабоқ олиб, бир оз саводим чиққан эди. Кунларнинг бирида фирма активлари келиб: “Янги мактабда ўқийсанми?” – деб сўрашди. Мен ризо бўлсам-да, онам бир дақиқа кўз ёш қилиб олдилар-да, сўнгра розилик бердилар.

Биз Камарсадада очилган Училихонага етиб келдик. Хонага ҳаммадан кейин кириб бордим. Хонада бизни чиройликкина, қора қош, қоматли киши кутиб олдилар. Бу устоз Сўфизода эдилар. Бир оздан сўнг мен томонга юзланиб, саволга тутдилар:

– Қаерда ўқигансиз?

– Зубайраҳон отинда.

– И-е, бизнинг қариндошда ўқиган экансиз-да, – деб менга назар ташладилар.

– Қайси китоблардан сабоқ олдингиз?

– Кўп китобларни ўқидим, ҳозир “Амирий”ни ўқияпман, – деб жавоб бердим. Хонтахта устидаги китобларни олиб ўқиб беришимни айтдилар. Ўқиганимдан сўнг қаноат ҳосил қилдилар шекилли, суҳбатни давом эттириб:

– Энди бизда ўқийсизми?

– Ҳа, – деб розилик билдирдим.

– Ҳар кун эрталаб ўқишга келиб, пешинда уйга қайтасиз.

Ўша кундан бошлаб янги усул мактабида таълим ола бошладим. Дарслар давомида устоз: “Бу ерлар – зиёратгоҳ жойлар, покиза бўлиб юринглар”, – дер эдилар. Олти ой деганда янгича ўқиш ва ёзишни ўрганиб олдим. Йил охирида ҳамма қатори менга ҳам ўқиганлигим ҳақида шаҳодат берувчи қоғоз топширдилар”.

Афсуски, Ўғилжон ая Сўфизода мактабида ўзидан бошқа яна бирор қизнинг ўқиган ё ўқимагани тўғрисида бир оғиз ҳам сўз айтмаган. Ажабланарли томони шундаки, шу мактабда таҳсил кўрган эркаклар ҳам на Ўғилжон аянинг, на бошқа бирор аёлнинг ўзлари билан бирга сабоқ олгани ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаганлар. Шу боис тахмин қилиш мумкинки, Сўфизода мактабида, ўғил болалар синфидан ташқари, қизлар синфи ҳам бўлган ёки ўғил болалар билан ёнма-ён бир эмас, бир неча қизлар ҳам ўқишган.

Ўша йилларда оддий меҳнат аҳлининг турмуш даражаси ниҳоятда оғир эди. Шунинг учун Сўфизода биринчи навбатда иқтисодий жиҳатдан муҳтож ота-оналарнинг болаларини ўз мактабига тортишга ва имкон топган ҳолларда уларга моддий мадад беришга уринган. Ҳолбуки, шу даврда, бошқа шаҳар ва туманларда бўлганидек, Чустда ҳам бойлар йўқ эмас эди. Шундай бойлардан бири Азимбой ғўсала бўлиб, унинг қўлида бир неча амадат йигитлар ишлашар эди.

Кунларнинг бирида Азимбой ғўсаланинг уйида қароллик қилган Турсуналининг отаси вафот этиб, унинг бошига катта таъиниш тушади. Неча йиллар мобайнида бой эшигида ҳалол хизмат қилган йигит дафн маросими билан боғлиқ расм-русмларни ўтказиш учун бойдан пича пул беришни илтимос қилади. Бой фикр қаролига ҳамдардлик билдириш ва унинг оғир кунда ёрдам бериш ўрнига фиғони фалакка кўтарилиб: “Бор, бор, бор, энди менга отангнинг ўлими ҳам бормиди?!” – деб йигитни уйдан қувиб чиқаради. Шундан кейин йигит бева-бечораларга ёрдам

бериб юрган Сўфизоданинг олдига бориб, арзи додини айтади. Сўфизода маҳалла аҳлини йиғиб, ким нимага қодир бўлса, меҳр-мурувватини аямасин, деб ўзи биринчи бўлиб, йигитнинг яхтаги этагига бир неча қоғоз пул ташлайди. Этак кўз очиб юмгунча қоғоз пуллар билан тўлиб, Турсунали саховат чўғи сўнмаган маҳалла аҳли кўмагида отасини иззат-икром билан сўнгги манзилга элиб, фарзандлик бурчини адо этади.

Сўфизода Азимбой гўсаланинг қилмишидан қаҳр-ғазабга келиб, унинг номардлиги ва пасткашлигини бир умрга унутиш мумкин бўлмаган ишни қилади. У бойнинг эшигига қуйидаги байтни ёзиб кетади:

*Савлататро бил бадорад ба Ҳиндистон барад,  
Ҳиммататро паша бардорад миёнаш мишканад.*

Яъни:

*Савлатингни фил Ҳиндистонгача кўтариб бора олади-ку,  
Аммо ҳимматингни пашиша кўтармоқчи бўлса, бели синади.*

Азимбой гўсала хизматкорларига буюриб, балки бу сатрларни бир кун-ярим кундан сўнг ўчириб юборгандир. Аммо, модомики, бу сатрлар бизнинг кунларимизга қадар замондошлар хотираси орқали етиб келган экан, демак, ўша вақтларда бу сатрларга бир неча кишининг кўзи тушган ва бу сатрлар, ўз навбатида, оғиздан-оғизга ўтиб, бутун Чустга тарқалган. Сўфизода Азимбой гўсалани шу тарзда шармандаи шармисор қилган.

Сўфизоданинг мактаб ва маориф соҳасида олиб борган хайрли ишлари нафақат унинг шогирдлари, балки бошқа чувстикларда ҳам ҳурмат туйғусини уйғотмай қолмади. Шундай кишилардан бири Сероб маҳалла, Истиклол кўчаси, 12-хонадонда яшаган Мамажон Абдурахмонов (1903–1932)дир. У шоирнинг елкасига қизил мато билан ўралган ўроқ билан болғани кўтариб юрувчи, “қийинчилик йилларида Чуста мактабхона очиб, камбағал-қашшок, етим-есирларни мактабда ўқитиб, халққа кўп фойдаси теккан, меҳнати сингган”, “салобатли, аммо қаландарсифат киши” бўлганини айтган.

“Яна эсимда қолгани, – деб давом эттирган ҳикоясини Аҳмаджон Аюбов, – биз, талабаларни устоз байроқ кўтартириб.



Камарсададан бошлаб бозор бошидаги қатор расталар оралаб айлантирардилар”.

Афсуски, Аҳмаджон ака устозининг шу йўналишдаги тарбиявий ишлари нимадан иборат бўлгани, ўқувчиларни нима мақсадда бозор бошидаги қатор расталар оралаб айлантиргангани тушунтириброк айтмаган. Сухбатдошлар ҳам бундай жумбоқли масалалар тагида нима ётганини билишга ўзларида қизиқиш сезмаганлар.

Аммо бизга таниш бўлган Иброҳимжон Ғозиевнинг қуйидаги хотираси Сўфизода педагогик фаолиятининг муҳим бир қиррасига ойдинлик киритади:

“Бир куни, – деб ҳикоясини давом эттирган эди Иброҳимжон Ғозиев, – устоз ҳаммамизни тўплаб, “Тошлоқчадан янги ер очиб, ўртасида буғдой экамиз”, – дедилар. Ўша куни эрталаб ҳашарга чиқдик. Мевали дарахт ниҳолларини ўтказдик, ниҳоллар орасига: “Донни етимхона талабаларига берамиз”, – деб устоз бизга буғдой эктирдилар”.

Бошқа замондошларнинг гувоҳлик беришларига қараганда, Сўфизода Чустдаги Бувано (Биби она) аригини ҳашар йўли билан кавлашда ҳам фаол иштирок этган. Шунда у, Тепакўрғон қишлоғида истиқомат қилган Нуриддин Муҳиддинов (1892-1989) нинг хотирлашига қараганда, ҳашар ташкилотчиларидан бири бўлиб, “Биби она ёнидаги қирларга сув чиқариб ўзлаштирамиз”, – деб ваъз айтган, Тошлоқни ўзлаштириб, буғдой эккан, ҳосилини эса бева-бечораларга бўлиб берган.

“Яна бир воқеа эсимда, – деган эди Камол Калонов, – кунларнинг бирида ҳамма талабалар билан маслаҳатлашиб, тепаликка ариқ қазиб, сув чиқариб, кўчат экишни, боғ барпо қилишни айтдилар. Биз уйимиздан кетмон олиб, ўқитувчимиз билан бирга-бирга тепаликка сув олиб чиқиб, ниҳоллардан экдик. Бу боғ ўша вақтдаги қўшхонанинг ёнида бўлганди”.

Шоир шу тарзда болаларга фақат ўқиш-ёзишнинггина ўргатиб қолмай, уларда меҳнатга муҳаббат туйғусини ҳам тарбиялашга катта эътибор берди. У яратган маърифат боғлари кейинчалик шоғирдлари томонидан гуллаб-яшнаб, тансиқ меваларини берди.

“Мен билан бирга таълим олган мактабдошларим, – деган эди Аҳмаджон Аюбов устоз ҳақидаги хотираларини давом эттириб, – замонага мос кишилар бўлиб етишдилар. Аширмат Ҳамдамов, Иброҳимжон Ғозиев, Асқархон Аҳмедов, Абдуллажон Эргашев,

Эргаш Санжар, Умархон Қодирхоновлар домла ишларини давом эттириб, маорифимизни юксалтиришда ҳалол меҳнат қилдилар.

Сўфизода мактабларини ёпиб ҳам қўярдилар, шундай бўлса-да, Чустдан чиқиб кетгунларича бизни ўқитганлар. Наманган шаҳрига бориб яшаганларида, биз устозникига бориб турардик, суҳбатларидан баҳра олардик, йўқлаб келган ўқувчиларни меҳмон қилардилар”.

Сўфизоданинг маърифат фидойиси сифатидаги сийратини безовчи бундай хотиралар оз эмас. Аммо, назаримизда, юқорида баён қилинган хотиралар асосида ҳам маърифатпарвар шоир қиёфасини, у Чустда очган дастлабки усули жадид мактаби ва шу мактабда олиб борилган ўқув-тарбия ишларини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Сир эмас, Сўфизоданинг шу даврда мактаб очиб, болаларга таълим ва тарбия бериши, улар ёрдамида ариқ казиб, боғ-роғ ташкил этиб, буғдой экиши осон бўлмади. Шоирни хуш кўрмаган кишилар у бошлаган ҳар бир ишнинг илдиизига болта уриб, уни ёмонотлиғ қилмокчи бўлдилар.

60-йилларда ҳаёт бўлган чуствлик Акбарали Орипов, Шогаффор Шорустамов, шунингдек, Йўлдош ва Парфи исмли кекса партизанлар Тўлқин Расулевга бир воқеани ҳикоя қилиб берган эдилар. Уларнинг айтишларига қараганда, ўқувчи болалар Сўфизода раҳбарлигида ўрок ва болгалар дастасига қизил боғич боғлаб, кетмонлар сопини эса қизил рангга бўяб, беш ярим чақирим ердан тош йўниб, ариқ очиб, қўриқ ерда ширкат тузганлар. Янги ерда экилган буғдой ва бедаларни баравар бўлишиб, бир оз қадди-қоматларини ростлаганларида, баъзи бир душманлар ширкатни бузиб ташлашган, Чорсасадан Тошлоққача очилган ариқни чор ҳокимияти даврида миршаб бўлиб ишлаган, аммо 1917 йилдан кейин ревком (инқилобий қўмита) га ўрнашиб олган Дадабоевлар кўмдириб юборишган. Уларга раҳбарлик қилган Сўфизодани эса қамаб қўйишган.

Аммо Сўфизода қамоқдан қочиб, юқорида айтиб ўтганимиздек, олти ой мобайнида улардан қўрқиб-яшириниб яшаган.

## ТУРФА ХОТИРАЛАР

Биз юқорида Сўфизода мактабида таҳсил кўрган кишиларнинг устоз ва унинг мактаби ҳақидаги хотиралари билан бир оз бўлса-да танишдик. 1989 йили Сўфизоданинг 120 йиллиги муносабати билан “Наманган ҳақиқати”, “Чуст ҳақиқати” ва бошқа вақтли нашрларда, кейинчалик Хусайнхон Орифийнинг “Муҳаммадшариф Сўфизода” (2007) китобида эълон қилинган бу хотиралар биринчи Ўзбекистон халқ шоири ҳаётининг номаълум саҳифаларига озми-кўпми равшанлик киритади. Шоир 1937 йилда “халқ душмани” сифатида ҳибсга олиниб, отиб ташланганидан кейин, у ҳақдаги жонли хотираларнинг узоқ йиллар давомида кишилар ёдида кузги дарахт баргларидек сарғаймай ва ўчмай яшашининг ўзи ғаройиб бир ҳодисадир.

Тўғри, йиллар ўтиши, ҳар бир киши хотирасининг заифлашиши билан нималардир хотира кўзгусидан ўчиб, айрим рақам ва фактлар эса бошқалари билан алмашиб-аралашиб кетади. Шу сабабдан ҳатто энг яқин кишиларнинг хотираларини ҳам “элакдан ўтказиб”, кумини кумга, олтинини олтинга ажратиш зарур бўлади.

Сўфизода 1923 йилдан кейин Чустни тарк этиб, Наманган шаҳрига кўчиб кетишга мажбур бўлган ва она шаҳрига аҳён-аҳёндагина бориб турган. Аммо шу нарса ажойибки, 1989 йили Чустада Сўфизода туғилган куннинг 120 йиллиги зўр тантана билан нишонланган вақтда нафақат шоғирдлари, балки уни орқаваротдан билган-эшитган кишилар ҳам барҳаёт бўлиб, улар ёруғ дунёни тарк этгунларига қадар журналистларга машҳур юртдошлари тўғрисидаги хотираларини завқ билан сўзлаб берганлар. Шу тарзда шоир ҳаётининг номаълум саҳифалари улар туфайли ҳам тобора равшанлик касб этиб борди.

Сўфизода қандай инсон бўлган? Водийнинг ҳозирги кекса кишиларига ўхшаб кийинганми? Қандай юрган ва қандай сўзлаган? У, бир томондан, лирик шеърлар ёзган, иккинчи томондан, ҳажвий шеърлари учун қулоққа шاپалоқ янглиғ қарсиллаб тегувчи “Ваҳший” тахаллусини танлаган. Бир томондан, мактаб очиб, кимбагал ота-оналарнинг болаларини ўқитган, иккинчи томондан, бойлар ва уламоларни кўрарга кўзи, отарга ўқи бўлмаган. Унинг шахсияти ва дунёқарашидagi шундай зиддиятли томонларни қандай тушуниш ёки тушунтириш мумкин? Умуман, шоир сажиясидаги шу ҳолатларни зиддият деса тўғри бўладими?..



Агар шундай саволлар сиз, ҳурматли китобхонларда ҳам пайдо бўлган бўлса, у ҳолда, келинг, чуствлик отахонларнинг Сўфизода тўғрисидаги баъзи бир хотиралари билан танишайлик:

*Себзор маҳалла, Сабзовот кўчаси, 1-хонадонда яшаган  
Абдулҳай Ҳафизов (1914–1998) хотирасидан*

Муҳаммадшариф Сўфизода отамнинг энг яқин дўсти бўлган. Эсимда, ёшим ўн бирлар чамаси эди. Бир куни уйга келсам, онам:

– Уйга киргин. Сўфизода амакинг келганлар. Даданг билан суҳбатлашиб ўтиришибди, саломлашиб чиққин”, – дедилар.

Мен салом бериб, улар олдига кирдим. Уйда ўчоқ бўлиб, унда кумғон қайнаб турарди, отамдан сал юқорирокда Сўфизода домла ўтирардилар. Уларнинг бошларида бухороча қалпоқ, устларида кўкиш костюм-шим бўлиб, ўзлари барваста, қалин соқолли киши эдилар.

Сўфизода:

– Келинг, ўғлим, – деб мен билан сўрашдилар.

Отам менга сандиқчадан чой олиб чиқишимни айтдилар. Мен чойни олиб чиқдим-у кейин ўчоқ бошига, онамнинг олдига югурдим.

– Ойи, нега Шарифбой амакимни “Ваҳший” дейишади. У киши жудаям яхши одамлар-ку! – дедим у кишига меҳрим ортиб.

– Ўғлим, Шарифбой амакингга ўхшаш ҳақиқатгўй одам Чустда кам топилади. Бу баъзи одамларнинг гапи. Сен бундан хафа бўлма. Катта бўлганингда, албатта, билиб оласан, – дедилар.

Сўнгра ойим менга ичкарига овқат олиб киришимни тайинладилар. Бир товоқ макка паловни дастурхонга қўйиб, орқамга қайтар эканман, Сўфизода амаким тўхтатдилар:

– Абдулҳай ўғлим, ўзингиз ҳам ўтиринг, – дедилар.

Мен отамга қарадим. Улар майли ўтир, дегандек имо қилдилар.

Мен чиқиб, онамга амакимнинг гапларини айтдим.

Отам Абдулҳафиз Абдужабборов Шокафтарда шўролар идорасида ишлардилар. Ишдан кейин, дам олиш кунлари, албатта, ё Сўфизода амаким келар, ё дадам у кишини кидириб борардилар...

**Тепакўргон қишлоғида яшаган Нуриддинхон Муҳиддинов  
(1892–1989) хотирасидан**

Айни навқирон йигитлигим 20-йилларга тўғри келган. “Шаҳарга Муҳаммадшариф келибди”, деган овозалар пайдо бўлди. Тез орада шоир Ваҳшийни шаҳар кўчаларидан бирида кўриб қолдим. Эғнида жун чакмон, сариқ ипакли матодан салла ўраган, салобатли бўлганлигидан кийимлари ўзига ярашган эди. Ўша пайтларда Чустда бўздан олача чопон кийиб юриш одат бўлиб, жун матоли либосларни озчилик киярди. Унинг келиши инқилобнинг таъсири кучаяётган бир вазиятга тўғри келди.

Шаҳардаги нуфузли идора эшикларидан икки-икки қатор шеърлар пайдо бўла бошлади. “Бу Ваҳшийнинг иши”, дегувчилар кўпайди. Бу шеърлар оғиздан-оғизга ўтиб, тез тарқаларди:

*Ишчи давлат синфидан бир даста виждони касал,  
Йиглади, ёлворди, “йўқсулман”, деди, олди амал...  
...Йилга етмай сувчи мешидек шишиб бўлди таранг,  
Мен агар ёлгон, десам, инсоф кўзи бирла қаранг<sup>1</sup>.*

Шеър амалдорлардан бири, шўролар идорасида ишлайдиган Қаюм махсумга атаб ёзилганлиги билиниб турарди. Ҳатто Сўфизода шеърни унинг идораси эшигига ёзиб, махсумнинг сифатини айнан келтирган эди...

**Боймоқ қишлоғида яшаган Асқархон Аҳмедов  
(1909–1998) хотирасидан**

Бир куни Камарсада томондан карнай-сурнай овози эшитилди, болалар билан чопқиллашиб тўғри тўйхонага бордик. Лекин тўйга бизни киритишмади. Келиб, устозга воқеани айтган эдик, у киши бойнинг хасислигидан нафратланиб, қуйидаги шеърни ёзиб, ўқиб бердилар:

*Алихўжа тўй қилди,  
Қурбақадан қўй қилди.*

<sup>1</sup> Хотираларда бу шеърнинг кимга бағишланганлиги турлича талқин этилган.

*Карнай-сурнай кўп бўлди,  
Ошу нонни йўқ қилди.*

Устоз ниҳоятда ҳозиржавоб эдилар. Халқ бошига тушган ноҳақликлардан нафратланардилар, бир зумда шеър ёзиб, кўча-кўйда кўринадиган жойларга, эшикларга ёзиб кетаверардилар...

*Яккабулоқ маҳалла, Машғал кўчаси, 10-хонадонда яшовчи  
Эргашвой Солиев (1937) хотирасидан*

Янги иморат куриш менга ҳам насиб қилиб, отамнинг шогирдларини уйга таклиф қилдим. Бу ҳол маҳаллага ошкор бўлиб, дарров отамнинг дўстлари ҳам уйимга етиб келишди. Улар, яъни Маҳкамбой жалдир билан Карим фасонлар отамнинг руҳларини ёд этиб, дуода бўлишди. Бир оздан сўнг уларнинг суҳбати қизиб, аскияга уланиб кетди. Маҳкам жалдир Карим фасонга қараб, деди:

- Фасон, бу Сўфизоданинг тухум бозоридаги шеъри эсингдами?
- Эсимда, жалдир, – деди Маҳкамбой.
- Жуда байтнинг фасонини келтирган эди-да!

*Ажаб ҳайрондурман бу мардум ишларига,  
Моякларини олиб, урарлар тишларига.*

Улар баравар кулишди. Карим фасон суҳбатни давом эттириб, деди:

- Маҳкам, Низом ҳолидан хабаринг борми?
- Буни Сўфизодадан сўра, – деди фасон.
- Ўша шоиринг Низом халифага рўбарў келиб, нима дебди де?
- Ҳа, нима дебди?  
– Низом бўлиб, бурнинг шишиб гам кўрмадинг,  
Хонақоҳда уч йил юриб нам кўрмадинг.

Яна кулги кўтарилди.

Бир оздан сўнг Маҳкам отанинг кўзи менга тушиб қолди-да, олдига чақириб олиб, деди:

– Эргашвой жиян, қачонлардир бу шоир ҳақида ҳақ гаплар айтилар. У бизнинг юрагимизда умримиз борича сақланади. Кейин шоирни ким эсга олади, ким эсга олмайди, буни ёлғиз Оллох



билади. Ҳар ҳолда сенлар бу сўзларни эслаб қолсанглар, чакки бўлмайди.

Маҳкам ота шундай дегандан сўнг қўшиб қўйди:

– Мен Сўфизоданинг хизматида ҳам бўлганман.

– Қандай хизматларини бажаргансиз? – деб суриштирдим.

– Жиян, буни ҳам эслаб қол, – деб сўзида давом этди Маҳкам ота. – У пайтлари мен етти-саккиз ёшли бола эдим. Отанг Солижон, Каримбойлар билан яланг оёқ кўча чангитиб ўйнаб юрардик. Бозорбошидаги расталарни айланиб юрсак, дўкондор билан гаплашиб турган Сўфизодани учратиб қолдик. Шоир мени имлаб чақириб олди-да: “Яна хизмат чиқиб қолди, Маҳкам бола”, – деди. Қўлимга шеърлари ёзилган бир неча қоғоз ва бир тангадан пул бериб, қаерларга ёпиштиришимни тайинлади. Мен бу хизматларни кўпроқ тун қоронғусида бажарардим.

Ўша тунда шоир берган шеърларни идора эшикларидан бирига елимлаб турганимда, орқамдан келган кучли қўллар мени маҳкам ушлаб олди. Кўрққанимдан этим жунжикиб, музлаб кетдим. Қочишнинг эса иложи йўқ. Идора бошлиғи бўлса керак, мени сўроққа тутди:

– Қўлимга ҳам тушар экансан-ку, баччағар. Рост сўзласанг, қўйиб юбораман. Буларни ким ёпиштириб кел, деди?

– Сўфизода амаким, – дедим қалтираб.

– Яна қаерларга елимладинг? – сўради у.

Мен бор гапни айтганимдан кейин раҳми келдими, ховридан туришиб, қўлимга икки тангадан пул бера туриб:

– Ҳаммасини кўчириб олиб, ўша бемаъни шоирингга элтиб бер, – деди.

Қўлимда бир даста қоғоз билан Сўфизоданинг олдига бордим. Воксадан хабар топган шоир қаҳ-қаҳа отиб кулиб олди-да, жиддийлашиб, қўлимга бир червондан пул бериб, қайтадан ёпиштиришимни айтди. Пулни олган Маҳкамбой аканг ўша тундаёқ ҳаммасини яна ёпиштириб чиққанман, – деб хандон отиб кулди Маҳкам ота. Сўнгра яна қўшиб қўйди. – Ўша куни ўртоқларим билан менга байрам бўлган эди. Пулларга егуликлар олиб, роса қорнимиз тўйган эди. Шундайми, Карим фасон?..

*Бофанда маҳалла, Ҳамид Олимжон кўчаси, 12-хонадонда  
яшаган Камол Калонов (1909–1997) хотирасидан*

Устоз кўпинча ёнларида кумуш дастали ханжар олиб юрардилар. Бир куни ГПУга чақириб, ёнларидаги ханжарни олиб кўйишганда, унинг эшигига қуйидаги байтни ёзиб кетганлар:

*Ханжаримни олдилар, деб зам емагин, юрагим,  
Елкамдадир душман урар болга бирлан ўрогим..*

Ўша йилларда устоз Сўфизода Ўрдатагига бораверишда, болахонали уйда, кадрдон ўртоқлариникида бирга яшардилар.

Муаллимимиз чувт дўппи киярдилар, кўлларида ҳасса, ёнларида Гитлер деган итлари бўлиб, доимо бирга олиб юрардилар.

Мақтабни битириш арафасида устоз ҳаммамизга шундай ўғит берганлар:

– Барчангиз меҳнаткаш йўқсул болаларисиз, мулло бўлинглар. Келажак замон сизларники. Эл қайғуси, дарди билан яшанг. Ана шунда мартабангиз улуғ бўлади. Эл-юртга қилган хизматларингиз беиз кетмайди. Умрларингиз узун, кунларингиз доимо файзли бўлсин.

*Яккабулоқ маҳалла, Пахтаобод кўчаси, 201-хонадонда яшаган  
Қодирхон Камолов (1929–1004) хотирасидан*

Отам Камол махсум Файзулла ўғиллари Сўфизодадан икки ёш кичик бўлсалар-да, бир-бирлари билан кадрдон дўст эдилар. Шунинг учун бўлса керак, онамиз шоирдан юзларини яширмай, бемалол дастурхон тузатиб, хизматларини қилардилар. Сўфизоданинг шеърларини худди ўзлари ёзганларидек, таъсирли қилиб ёддан айтиб юрардилар.

Шоир бизникига ҳар сафар келганида:

– Янга, мана булар сизга. Бу янги шеърларим. Буларда ҳукуматга қарши фикрлар йўқ. Мендан кейин ҳукуматга берарсиз. Сизни хурсанд қилади, раҳматлар эшитасиз, – деб айтарди.

Мен у вақтларда ёш эдим. Сўфизода новчагина, қоматли, басавлат, қадди тик инсон бўлиб, қачонки бизникига келса, қўлида қора ҳассаси бўларди, гапни чўзиброк гапирарди.

Ҳовли боғимиз каттагина бўлиб, узум, анор, бодом, нок, олма дарахтлари, қўйинг-чи, ҳамма мевали дарахтлар бўлиб, боғнинг ўртасида шийпон бўларди. Баҳорда оиламиз билан яна шу шийпонга кўчиб ўтардик. Шоир Сўфизода баҳорда бизникига кўп келарди. Охирги сафар келганида, жуда кеч эди, паранжида келди. Онам боғдаги ёғоч караватга жой солиб бердилар. Менга бу ҳол жуда қизиқ кўриниб, отамдан: “Нимага улар паранжи ёпиниб келдилар?” – деб сўраганимда индамадилар. Хилватда онамдан сўрайман. Улар шоирнинг душманлари кўплигини, уларнинг назарига тушмаслик учун паранжи ёпиниб келганлигини айтиб бердилар.

Шоир Сўфизоданинг ният ва мақсадларини яхши англаган онамиз унинг дастхати билан ёзилган шеърларни тўплаб юрган эдилар. Лекин, бахтга қарши, қаердан эшитгани менга қоронғу, шоир қамалмасдан сал аввал Андижонда яшайдиган бир киши (Эргаш Санжар бўлса керак) бизникига келиб, онамга: “Ҳукуматга берамиз”, – деб тўплаган шеърларни олиб кетганди...

*Бофанда маҳалла, Ҳамид Олимжон кўчаси, 4-хонадонда яшаган  
Абдуллахон Тўра Маъруфов хотирасидан*

Бобомиз Саъдуллахон аълам олиму мударрис эдилар. “Саъдуллоҳ”, “Саъдий” тахаллуслари билан ашғор ҳам битганлар. Қўлёзма девонларини авайлаб сақлаб келмоқдамиз. Бобомизнинг вафотларидан сўнг Сўфизода шу форсий байтни ёзган экан:

*Саъдий сари шоирон буд,  
Фатвида бихулду маҳ жабин шуд.  
Акнун жувори табъи Ваҳший  
Дар маснади шеър жонишин шуд.*

*М а з м у н и:*

*Саъдий шоирлар бошидаги тож эди,  
Ўлгач, пешонасига абадийлик ва жаннат битди.  
Энди бу яқин атрофда Ваҳшийнинг истеъдоди  
Шеър бобида унга ўринбосар бўлди.*



Сўфизода хибсхонада ётганида “Саъдуллох аъламнинг сўзларини инобатга олиб, ул зот йўлларидан борганимда шунчалар норасолар кўлида хор бўлмасмидим?” – деб афсус қилган экан...

...1935 ёки 1936 йиллар бўлса керак, Ҳамиджон ака билан Наманган шаҳрига борган эдик. Чорсу бозори олдида қош-қовоғи кенг, қорачароқ, дилкашгина бир киши Ҳамиджон акам билан сўрашиб, бир оз суҳбатлашиб туришди. Менга нотаниш бўлган бу киши мени кўриши билан кимлигимни суриштирди:

– Бу жиян кўзимга иссиқ кўриняпти, худди танишдек.

– Саъдуллахон аламнинг набиралари, Маъруфхон тўранинг ўғиллари Абдуллоххон, – деб таништирдилар.

Шунда у киши менга астойдил қараб:

– Бобонгиз Аълам менга араб, форс тилларидан сабоқ берганлар. Назмда қалам тебратганларини биласизми? – деди.

– Ҳа, биламан.

– Ана шу ҳол мени шеърят майдонига тортган. Сиз яхши билмасиз, бувангизнинг ҳаммаслак дўстлари билан тортишиб қолиб, бу томонларга келиб қолганмиз, – деди суҳбатдошим.

Кейин билсам, бу шоир Сўфизода экан.

## НАМАНГАНДА

Чустда мактаб ва ширкат очибгина қолмай, қизғин ижтимоий ва ижодий фаолият билан шуғуллана бошлаган Сўфизода 20-йилларнинг бошларида Наманганга кетишга мажбур бўлди. Бунинг асосий сабаби ҳажвчи шоир билан чуствлик амалдорлар ва рухонийлар ўртасида кундан-кунга кучайиб бораётган зиддият учкунларининг алангага айланиши эди.

Айрим замондошлар Сўфизоданинг Наманганга кўчиб бориш санасини 1921–1922 йиллар, деб айтган бўлсалар, бошқалар бу воқеанинг 1924 йилда содир бўлгани ҳақида маълумот беришган. Чунончи, шоирнинг ҳамшаҳари Шароф Ёқубов 1940 йил 12 сентябрь куни терговчи саволларига жавоб бериб, шоирнинг 1921–1922 йилларда Наманган шаҳрига доимий яшаш учун борганини айтган. “Аммо у Чустга тез-тез келиб турган. Унинг Наманганда қаерда ишлагани ва нима билан машғул бўлгани менга маълум эмас”, – деган у терговчига.

1958 йил 10 октябрда Сўфизода иши бўйича терговга чақирилган Ражаббой Султонов (1890 йилда туғилган, Чустдаги жамоа хўжалиги аъзоси) эса терговчи саволларига жавоб бериб, бир неча кишиларнинг исм-шарифларини айтгач, бундай деган: “Юқорида санаганим 30 га яқин кишилар 1921 йили Сўфизода бошчилигида Коммунистлар партиясига аъзо бўлиб кириб, Чустдаги партия дружинасини ташкил этганлар. Улар ер-сув ислохоти даврида, маҳаллий бойларни “қулоқлаштириш” ва ўзбек хотин-қизларини озодликка чиқариш даврида муҳим ишларни амалга оширганлар. Аммо бу шахслар саводсиз ва маданий жиҳатдан қолақ бўлганликлари сабабли кейинчалик маънавий томондан тубанлашиб кетдилар. Улар бирор жойда тўпланишиб, наша чекиш билан вақт ўтказишарди... Зикр этилган гуруҳдаги кишиларнинг республика партия ва давлат раҳбарларини ҳақорат қилган пайтлари ҳам бўлган...

...Шуни қайд этиш лозимки, 1924 йилдан кейин Сўфизода шу гуруҳдан ажралиб чиқиб, Наманганга кўчиб кетди, адабий фаолият билан шуғулланиб, халқ ёзувчиси сифатида шуҳрат қозонди”.

Ражаббой Султонов КГБ терговчиларига мазкур кўргазмани берган вақтда Сўфизода тўғрисида рост гапни айтиш осон эмас эди. Шунинг учун у терговчининг талаби билан шўро идораларида хизмат қилган шоир фаолиятидаги жиддий хато ва камчиликларни фош этишга уринган. Шунингдек, у Сўфизодани куршаган кишилар орасида унга салбий таъсир кўрсатган унсурлар бўлганини ҳам айтган.

Биз шу сўнги маълумот асосида Сўфизоданинг 1924–1925 йилларда Наманганга кўчиб боргани ва унинг Чустдан кетиш сабабларидан бири собиқ коммунист “дўст”ларининг маънавий тубанлашиб кетгани ҳақидаги фикрни ҳақиқатга яқин, деб биламиз..

Шундай қилиб, Сўфизода шўролар замонида ҳам киндик қони тўқилган заминга сиғмай, оиласи билан бирга Наманганга кўчиб боради.

Шубҳасиз, савол туғилиши мумкин: Наманганда шоирнинг бирор қариндош-уруғи ва дўст-ёри бўлганми? Агар бўлган бўлса, улар кимлар ва қандай кишилар?..

1937 йил 15 май куни гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Акрам Икромов (1890 йили Чустда туғилган) терговчининг шу ҳақдаги

саволларига жавоб бериб, куйидаги кишиларнинг исм-шарифларини айтган:

“1. **Мансуров Асил** – кулоқ-савдогарнинг ўғли, сўнгги вақтга қадар Андижон ва Наманганда газета ходими бўлиб ишлаган. Мансуров Намангандаги партия конференциясига қадар “Ударник” (“Зарбдор”) газетасининг муҳаррири бўлган.

2. **Абдуллаев** – Наманган районидаги сўнгги партия конференциясига қадар ЎзК(б)П Наманган вилоят комитети маданий оқартув бўлимида мудир бўлиб ишлаган.

3. **Солижон Ҳодиев Охундада** – йирик савдогар бойнинг ўғли, 1917 йили Тошбулоқ қишлоғида коммунистларни отишда иштирок этган.

4. **Мўминов Рафиқ** – педагог ва адабий ходим, катагон этилган таниқли миллатчи

5. **Халилов** – ҳозирда дам олиш ва истироҳат боғи директори.

6. **Абдуллаев Йўлдош қори** – Намангандаги собиқ йирик савдогар бойнинг ўғли, ҳозир “Ўзбексавдо” Наманган бўлими мудирининг ўринбосари.

7. **Ўрмонов Қурбон** – ЎзК(б)Пдан бир неча марта ўчирилган. 1926–28 йилларда Наманган ёғ заводида директор ўринбосари бўлиб ишлаган.

8. **Мирза Абдулла** – Наманганда миллатчилар ҳукмронлик қилган йиллардаги собиқ мингбоши.

9. **Аминов** – ЎзК(б)Пнинг собиқ аъзоси, наманганлик, ҳозир Учқўрғонда қишлоқ дўконида мудир бўлиб ишлайди...

Юқорида зикр қилинган шахслар 1927–32 йилларда “Шарқ” боғида мунтазам равишда тўпланишиб, бир-бирларининг уйларига доим бориб турганлар...”

Афсуски, биз таниқли наманганлик шоир Рафиқ Мўмин ва “Зарбдор” газетаси муҳаррири Асил Мансурдан ташқари, номлари юқорида тилга олинган бошқа шахслар ва уларнинг Сўфизода билан муносабатлари тўғрисида бирор маълумотга эга эмасмиз. Бизга фақат шу нарса маълумки, Сўфизода 1923 йилга қадар Рафиқ Мўмин билан таниш бўлмаган. У Наманган диний ишлар бошқармаси Чуст бўлимига мудирлик қилган кезларда вақф ишлари билан Наманганга келиб, шаҳар кўчасида юрганида бир ёш йигит унинг қошига келиб саломлашади ва ўзини “Домулла, мен Рафиқ Мўминов бўламан”, деб таништиради. Сўфизода шу вақтгача Наманганда Рафиқ Мўмин деган ёш шоирнинг борлигини



эшитган бўлса-да, ҳали унинг асарларини ўқимаган эди. Шу куни у Рафиқ Мўмин билан танишибгина қолмай, унинг таклифи билан уйига бориб, меҳмон ҳам бўлади. Шу куни ёш қаламқаш ва маслакдош дўстини топган Сўфизода Наманганга кўчиб борганидан кейин у билан тез-тез учрашиб, ижодий суҳбатлар куради.

Юқорида номи тилга олинган Асил Мансур 1904 йили Наманган шаҳрида туғилган. 1919–1920 йилларда Наманган “Нашри маориф” жамиятининг йўлланмаси билан ва маблағи ҳисобига Тошкентга келиб билим юртида ўқиган. 1930–1933 йилларда “Марғилон ҳақиқати”, 1933–1935 йилларда Андижондаги “Пахта-фронт” газеталарида муҳаррир бўлиб ишлаган. Анижонда, бизга номаълум сабабларга кўра, партиядан ўчирилгандан сўнг Наманганга кўчиб келиб, “Зарбдор” (“Ударник”) газетасига муҳаррирлик қилган. У шу йилларда Сўфизода ва бошқа наманганлик ижод ҳамда маориф аҳли билан танишиб, уларнинг ўзи раҳбарлик қилаётган газета билан ҳамкорлик қилишларида ташаббускор бўлган.

Сўфизоданинг Наманганда яшаган даврига оид хотиралар кўп эмас.

Шундай камчил хотиралардан бири филология фанлари номзоди Абдулла мазкур хотирада айтилишича, Абдулла Суёнов Самарқанддаги Ўлка ўзбек эрлар билим юртида ўқиб юрган чоғларида ёзги таътил кунларини ўтказиш учун Чуст туманига қарашли Исковут қишлоғига келади. Кунларнинг бирида у Чуст бозорида устози Абдураззоқ Воҳидий билан учрашиб қолади ва устоз уни Камарсадаги муаллимларни қайта тайёрлаш курсида дарс беришга таклиф этади. Буни қарангки, курсда Сўфизода мактабида таълим олган ўқитувчилар ҳам бор экан. Хуллас, уларнинг устозлари ҳақидаги хотиралари курс тингловчиларида катта қизиқиш уйғотади ва уларда Наманган шаҳрида истиқомат қилаётган шоир билан учрашиш истаги пайдо бўлади. Шундан кейин курс мудирини Воҳидий Абдулла Суёнов ва “Фарғона” газетаси муҳбири Соли Мусо билан бирга Сўфизоданинг Намангандаги уйига йўл оладилар.

“Сўфизода, – деб эслайди Абдулла Суёнов, – хонтахта атрофига ташланган қалин кўрпача устида 3–4 киши билан суҳбатлашиб ўтирарди. У бизни кўриши билан: “Келинлар, меҳмонлар. Мана, хонамиз ҳам сиз, азизлар, билан тўлиб қолди”, –

деди. Шунда Абдураззоқ Воҳидий: “Муаллимлар сизни зиёрат қилишга жуда интизор эканлар. Бир неча кундан буён домланинг олдига қачон олиб борасиз, деб қисташди”, – деди.

Сўфизода мамнунлигини изҳор этиб:

– Одам одамга ғанимат, одам тафтини одам олади. Айниқса, муаллим муаллим билан учрашса тобланади, бир-бирдан ўрганади. Шундай эмасми? – деб кулиб қўйди. У кулганда қандайдир жозоба пайдо бўлди.

Сўфизода Соли Мусо билан саломлашаётганда: “Соли, Сотимхон кўринмай қолди-я?” – деди. У Сотим Улуғзода<sup>1</sup>ни эслатди. Соли Мусо Сотимхоннинг туман шўъбасида саркотиб бўлиб ишлаётганини маълум қилди. Домла севинди.

Сўфизода суҳбат орасида талабаларни бадиий асар ўқиш, болаларнинг китобга бўлган муҳаббатини ошириш зиёлиларнинг бурчи эканлигини таъкидлади. У, энг аввал, муаллимларнинг ўзлари китобхон бўлишлари лозимлигини, китобхонликда хосият кўплигини уқтирди.

Сўфизода меҳмонларнинг фикрини яна маърифатга тортди. У хонтахта устидаги газета ва китобларни йиғиштириб, “Инқилоб” журнали орасидан ёзилган ва ёзилмаган тоза қоғозларни олди. Ўша қоғозлар орасидан уч-тўрттасини ажратди. Уларга шеърлар ёзилган эди. Ўзининг бу шеърларини ўқиб, шарҳлаб берди. Сўнг Бедил, Навоий, Шайх Саъдий, Машрабнинг шеърларини ёддан ўқиди. Дарвоқе, Машраб Чустда ҳам бўлганлиги, Камарсада атрофини зиёрат қилганлигини айтиб қолди. Бу биз учун қутилмаган янгилик эди”.

Шу ерда Абдулла Суюнов хотираларининг асосий қисмига ҳозирча нукта қўйиб турсак. Зеро, унинг юқорида қайд этилган сўнги сўзлари Сўфизода тўғрисида тасаввуримизни бир мунча кенгайтиради. Бошқа муаллифлар гарчанд Сўфизоданинг Шайх Саъдий ва Навоий сингари Шарқ мумтоз адабиётининг буюк намояндалари ижодини яхши ўрганганлигини айтган бўлсалар-да, уларнинг бу фикрлари аниқ мисол ёки хотирага асосланиб айтилмаган эди. Абдулла Суюнов ўзининг шу ҳақдаги сўзлари

<sup>1</sup> Таникли тожик ёзувчиси Сотим Улуғзода (1911–1997) Чуст туманининг Варзик қишлоғида туғилган. Тошкентдаги Тожик маориф институтида ўқиган. 1930 йили Душанбега кўчиб бориб, тожик адабиётининг намояндаси сифатида ижод қилган. Айрим маълумотларга қараганда, С.Улуғзода Сўфизоданинг 1914–1915 йилларда Чустда очган мактабларидан бирида ўқиган. Аммо адибнинг “Ёшлигимиз тонги” автобиографик романида бу ҳақда бирор аниқ маълумот учрамайди.

билан бизни Сўфизоданинг Шарқ мумтоз адабиётини махсус ўргангани ва яхши билганига ишонтиради.

Хотиранависнинг яна ёзишича, Сўфизода бояги қоғозлари орасидан ажратиб олган шеърларини шундай жозибали ўқиб берганки, ҳатто уларнинг қойил қолмасликка иложлари бўлмаган.

Шу кунни шоир билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида курс мудирини Абдурраззоқ Воҳидий мезбонни ёш дўстлари билан таништиради. Навбат Абдулла Суёновга келганда, у дейди:

– Бу йигит Исковут қишлоғидан. Ҳозир Самарқанддаги Ўлка Ўзбек Эрлар билим юртида ўқимокда. Илгари Наманганда Рафиқ Мўмин қўлида ўқиган.

Бу сўзларни эшитган шоир қизиқиб, Абдулла Суёновдан сўрайди:

– Билим юртингизда нафис адабиётдан ким сабоқ беряпти?

– Фитрат домла билан Ботир Гуломовлар, – деб жавоб беради меҳмон.

– Ҳали Фитрат домладан сабоқ олаяпман, денг. Ундай бўлса, адабиётдан пишиқ бўлиб чиқар экансиз, – дейди шоир навкирон йигитнинг кўнглини кўтариб.

Шундан сўнг Сўфизода Соли Мусонинг ёзган ва ёзиши лозим бўлган очерклари билан қизиқсинади. Суҳбат мавзуси шоирнинг бошқа наманганлик саводхон биродарларига бориб тақалганида яна бир-икки маърифатли киши ёдга олинади. Бу таниқли ёзувчи Жонрид Абдуллахоновнинг отаси билан бобоси эди.

Абдулла Суёновнинг маълумот беришига кўра, кунларнинг бирида мазкур ёзувчининг бобоси Сўфизода билан учрашиб, набира кўрганини айтганида шоир унга “Жонрид” исмини беришни таклиф қилган ва бобо бу таклифни бажонидил қабул қилган экан.

Бу ҳаётий факт Сўфизоданинг 20–30-йилларда нафақат собиқ шўро мамлакатини, балки шу мамлакатга хайрихоҳ бошқа юртларда ҳам рўй берган ва рўй бераётган муҳим ижтимоий ва маданий воқеалардан хабардор бўлганидан шаҳодат беради.

Дарвоқе, мазкур воқеа Жонрид Абдуллахоновнинг Сўфизода тўғрисидаги хотирасида ўз ифодасини топган. Унинг ёзишича, кунларнинг бирида Наманганга хизмат сафари билан борган Элбек бўлажак адиб билан танишиб, ундан сўрайди:

– Исминг нима?

– Жонрид, – деб жавоб беради у.

Бундай камёб исмини эшитган Элбек қайта сўрайди:



– Нима учун Жонрид? Ким қўйган бу отни?..

“Ҳамма, – деб ёзади Жонрид Абдуллахонов хотирасида, – Шариф домлага қарайди. Чунки номим қўйилишига айнан у дахлдорлигини билишарди.

Туғилган йилим оппоқ дадам исмимни Абусамад деб қўйган бўлса-да, туғилиш гувоҳномаси олар чоғида Сўфизода Америка ёзувчиси Жон Риднинг Наби Алимухамедов таржимасида нашр этилган “Ер юзини титратган ўн кун” китобини олиб келиб, дадамга берган, ўз навбатида дадам: “Бу улуг одам, мазкур китобни тақдим қилишида ҳам хосиятли хислат борга ўхшайди”, деб отимни Жонрид деб ёздирган эди”.

Бундай лирик чекинишдан сўнг мавзумиз бўйича давом этайлик.

Шу нарса гаройибки, Шарқ ўз шоирларини қанчалик эъзозлаган бўлмасин, уларнинг шахсий ҳаётлари, хусусан оиласи – хотинлари ва фарзандлари билан қизиқмай келган. Ҳолбуки, шеърят аввало шоирнинг шахсий ҳис-туйғу ва кечинмалари ифодаланган нафосат оламидир. Эҳтимол Сўфизода ижодининг асосий қисми ҳажвий шеърлардан иборат бўлганлиги туфайли унинг шахсий ҳаёти билан танишиш муҳим эмасдир. Лекин биз Шарқ халқлари ўртасида шаклланган аънанани бузиб, қуйида шоирнинг шахсий ҳаётига ҳам назар ташламоқчимиз.

Маълумки, Сўфизода сарсонлик-саргардонлик йилларидан кейин она юртига қайтгач, Зебихон деган аёлга уйланган. Шоир Наманганда яшаган даврида Зебихон ая шаҳардаги 12-мактабда директор бўлиб хизмат қилган. Шу мактабда муаллим бўлиб ишлаган Маматқарим Раҳимов фарзанди Тўхтаҳон Раҳимовага шоир ҳақидаги хотирасини ҳикоя қилиб, бундай деган экан:

“Эсимда, ёшлиқ йилларимиз онанг Турсуной билан (Худо раҳматига олсин) иккимизни ўқитувчилик қилиш учун Наманган шаҳар Тўрақўрғон кўчасидаги 12-мактабга юборишди. Мен 12-мактабда, онанг хотин-қизлар учун очилган СБ, ЧБ мактабларида муаллимлик қила бошлади. 12-мактаб директори бўлиб Сўфизоданинг хотинлари Зебихон ая ишлар эканлар. Узоқ йил бирга ишладик. Шу давр мобайнида мен илмий бўлим мудири ва касаба уюшмаси раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатдим. Мени доимо Сўфизода йўқлатар эдилар. Чунки, мен Навоий, Бедил асарларини арабчада ўқиб таҳлил қилардим...”

Бир кун Зебихон ая мени идорага чақириб:

– Маматкарим, сиз дарров бизни кига боринг. Сизни (акангиз) чакиряптилар. Тошкентдан меҳмон келармиш, – дедилар.

Мен дарҳол дарсларни расмийлаштириб, (Сўфизоданинг) уйларига бордим. (Мактаб билан уйлари оралиги яқин эди.) Уйга киришим билан Сўфизода мамнун бўлиб:

– Бугун Тошкентдан дўстим Абдулла Қодирий келади. Сизни таништириб қўяман, – дедилар.

Мен жуда хурсанд бўлдим. Чунки уларнинг (Абдулла Қодирийнинг – *Н.К.*) ёзган асарларини ўқигандим, аммо юзма-юз кўришмагандик. Мен Сўфизода айтган китоблар жамламасини, ёзганларини тартибга солишга ёрдамлашдим. Бир оздан сўнг Зебихон ая келиб, дастурхон ҳозирлай бошладилар. Кўп фурсат ўтгани ҳам йўқ эдики, бир киши хабардор қилди: кўча эшикдан йўл-йўл чопон кийган, кўзлари чанқоқ, қошлари қора, чиройли бир йигит кириб келди. Бу машҳур ёзувчи Абдулла Қодирий эди. Улар кучоклашиб кўришишди. Сўфизода мени ҳам таништирди. Менга қўл бериб сўрашиб, сўнг бағрига босди. Дастурхон ёзилди. Мен чой келтириш учун қўзғалдим.

Абдулла Қодирий эса: “Мулла, сиз қўзғалманг, мен ният қилиб эдим: Наманганга борсам, ўзим кумғон қайнатаман, деб, – дедиларда, ўзлари ўчоқ томон юрдилар. Мен дарҳол ёрдамга бордим. У киши уч марта кумғонни чайқаб, сўнг сув қуйиб ўчоққа қўйдилар. Ўт қалашга ҳам уста эканлар. Мен ўтин олиб келардим. Чой шундай вағиллаб қайнардик, сувлари пуфак-пуфак бўлиб ёрилиб атрофга сачрарди. Адиб буни кўриб: “Кумғон чойи шундай ширин бўладики, у ҳар қандай дардга даво бўлади”, – деди севиниб.

Адиб Сўфизода билан оға-инидек экан. Зебихон ая билан меҳмонга қўлбола палов тайёрладик. Бир-икки кундан сўнг Абдулла Қодирий билан хайрлашдик. Меҳмон кетгач, Сўфизода алланечук хаёлларга толдилар...”

Ушбу хотирани отаси номидан ҳикоя қилган Тўхтаҳон Раҳимова давом этиб, бундай ёзган:

“Ҳар сафар, – дедилар хотираларини жамлаб дадам, – Сўфизода менга янги ёзган шеърларидан ўқиб берардилар. Мен эса жон қулоғи билан эшитардим...”

Юқорида баён қилинган икки хотира Сўфизоданинг Намангандаги ҳаёти ҳақида озми-кўпми тасаввур берса ажаб эмас.

## СЎФИЗОДА ШЕЪРЛАРИГА БИР НАЗАР

Илмий адабиётда Сўфизода ижодининг маърифатпарварлик йўналишидаги шеърлар билан бошлангани ҳақида кўп ёзилган. Шоир, чиндан ҳам, ўтган асрнинг 10-йилларида “Ўқинг, оналар” сингари шеърлари билан шу давр жадид маърифатпарварлик шеъриятининг намояндаларидан бири сифатида ўзбек шеъриятига кириб келган. У ҳатто инқилобий талатўплар гирдобида яшаётган ватанига қайтиб келганидан кейин ҳам:

*Яшинатиб дил гунчасин фасли баҳор айлар газет,  
Сув бериб кўнгул боғини сабзозор айлар газет.*

*Шарқдан Мағрибгача бўлгон ҳаводисни ёзиб,  
Не гўзал марғуб хабарлар ошкор айлар газет...*

сингари сатрлардан иборат “Газета тўғрисида” (1926) деган шеър ёзган. Аммо Сўфизоданинг 20–30-йиллар ижодига назар ташлаган киши унинг жадидчилик марраларини тарк этиб, большевиклар томонидан амалга оширилган тадбирларни олқишловчи шоир қиёфасига кирганини кўради. У шу даврда ёзган “Октябрь таронаси”, “Байрам нашидаси”, “Сайловга”, “Қалайсизлар?” сингари шеърлари билан шўро воқелигини куйлашга киришди. У фақат шоирлик қалами билангина эмас, ҳатто большевиклар билан бир сафда туриб, бойлар ва “босмачилар”га қарши кураши билан ҳам шўро давлатига чиндан-да ишонган ва унга хизмат қилишни ўзининг виждон бурчи, деб билган шоир эканини намойиш этди. Сўфизода дунёқарашидаги бундай ўзгаришлар, бир томондан, шўро давлатининг ёлғон шиорларига, камбағаллар, бева-бечоралар ва етим-есирларга ён босаётганига ишонгани билан изоҳланса, иккинчи томондан, кўксидagi чувстик зўравонларга бўлган алам, улардан ўч олиш, улар илдизини қирқиб ташлаш истаги уни большевиклар “лагер”и сари етаклаб борди.

Аммо воқеалар ривожини совет давлатининг ўрнатилиши билан Чустнинг ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам гуллаб-яшнаши, аҳолининг тўкин ва фаровон яшаши маҳол эканини, у ишонган большевиклар ҳам, у ёмон кўрган бойлар ҳам фақат ўз манфаатлари йўлида яшовчи кишилар эканини кўрсатди. У ҳатто ер ислоҳоти муносабати билан ёзган “Қалайсизлар?” (1926) шеърида 1917 йил



воқеалари туфайли халқнинг БИЗ ва УЛАРга ажралганидан мамнун бўлиб, УЛАРни шафқатсиз равишда фош этади. Айни пайтда шоир талқинидаги БИЗнинг ҳам фаришта эмаслиги аён бўлиб туради.

Сўфизода ёзади:

### БИЗ:

*Кутурган бўри бойлар, тулки эшонлар, қалайсизлар?  
Жаҳон чодир хаёли, ручи шайтонлар, қалайсизлар?  
Улус бошига кулфат, элга товонлар, қалайсизлар?  
Қурумсоқ, рўдапо эски мусулмонлар, қалайсизлар?  
Ҳақиқат душмани, гули биёбонлар, қалайсизлар?  
Жамоат ҳайкали, манҳус нодонлар, қалайсизлар?*

### УЛАР:

*Дариго, қўшчилар бизларни роҳатдан аюрдилар,  
Иложи қилдилар ердан, зироатдан аюрдилар,  
Этиб расвойи олам, шон-шавкатдан аюрдилар,  
Чекилдик гўшаи узлатга, давлатдан аюрдилар,  
Қадимий қуру қут сармоя-савлатдан аюрдилар,  
Ғизомиз заҳри қотил, ноз-неъматдан аюрдилар.*

Сўфизода гарчанд БИЗ томондан олиб борилган ишларга хайрихоҳ эканини яширмаган, нафрат тиғини эса УЛАРга қаратган бўлса ҳам, бугун биз ушбу шеърда тасвирланган БИЗнинг хатти-ҳаракатларида ҳақиқат ва адолат қонунлари оёқости қилинганини яхши биламиз. Аслида БИЗ, яни большевиклар ва большевиклашган кишилар, ўз рақибларига нисбатан бекиёс даражада зулм ўтказган. Бинобарин, бир золимнинг қилмишини қоралаб, иккинчисининг зулмини оклаш, ҳаттоки поэтикалаштириш асло мумкин эмас. Шу маънода Сўфизоданинг шўро даврини олқишлаган шеърлари ҳозирги кунда ўз қимматини йўқотган.

Вақт ўтиши билан совет давлатининг инсоният тарихидаги энг илғор, энг адолатли давлат эканлиги ҳақидаги сўзлар чўпчакдан ўзга нарса эмаслиги кундек равшан бўлди. Аммо Сўфизода бу ҳақиқатни англаб етгунча Октябрь тароналарини куйлаб,

Туркистоннинг мустақил бўлишини орзу қилган ва шу йўлда курашган кишиларни “маданий макиён” деб ҳақорат қилишгача борди. У ҳатто “миллатчилар”га бағишланган “Маданий макиёнларга тухфамиз” (1925) шеърида Туркистон Мухторият ҳукуматиани барпо этган, шўро давлати томонидан таъқиб ва тазйиққа учраган ватандошларига нисбатан бундай таъна тошларини отди:

*Торт оёгингни муфаттин инқилобий саҳнадан,  
Ер шари бирликда бўлсин, барча халққа бир ватан,  
Мода маслак ҳез бўлиб, миллатчилик қилмоқчисан,  
Элни кўп огуладинг диний хурофотинг билан,  
Ҳеч тузалмайду сенинг қалби хиёнатпарваринг,  
Бўлгонинг шулдир Чўқоев бўлса тонган раҳбаринг.*

Агар эътибор берган бўлсангиз, Сўфизода юқорида келтирилган парчаларнинг бирида мусулмонларни эски ва янги гуруҳларга ажратган эди. Кейинги парчадан эса шоирнинг 20-йилларда удумда бўлган “жаҳон инқилоби” “ғоя”си билан чанглангани ҳам сезилиб туради.

Юқорида тилга олинган шеърлар Сўфизоданинг шу йилларда кимнингдир ёки кимларнингдир таъсири остида ҳаракат қилгани ва улар буюртмаси билан шеърлар ёзганидан дарак беради.

Шубҳасиз, шўро даврида амалга оширилган барча тадбирларни ёппасига қоралаш тўғри эмас. Чунончи, хотин-қизларнинг ҳақ-хуқуқларини тиклаш, уларнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган шўро давлати тадбирлари катта ижтимоий аҳамиятга молик. Ҳамза ва Сўфизоданинг шу мавзудаги шеърлари ҳали ҳам ўз қиммати йўқотмаган.

Аммо масаланинг муҳим бир томони борки, Сўфизода, инсоний сажиясига кўра, адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишлари билан мураса қила олмайдиган кишилар жумласидан эди. У сажиясидаги шу хислат туфайли ўзига “Ваҳший” деган ғайриадабий тахаллусни танлаб олган ва турмушдаги, кишилар хатти-ҳаракатидаги ҳар бир катта ёки кичик нуқсонни ҳажв ўти билан куйдириб ташлашга уринган. Бундай ҳажвбоп ҳоллар эса 20–30-йиллар воқелигида оз эмас эди. Сўфизода “Мусаддас” (1925) шеърида ана шундай ҳажвбоп кишилар ва воқеаларга ҳажв тиғини санчди. Шоир “Мусаддас”да кишилар ва жамият ҳаётида юз берган мунофиқлик,

риёкорлик, танбаллик сингари иллатларни шафқатсизлик билан фош этиб ташлади.

Тожикистон халқ ҳофизи Абдулмажид Ҳамидов ўз хотираларида 60-йилларнинг аввалида Чустийнинг Тошкентдаги хонадонига меҳмон бўлиб боргани ва суҳбат чоғида мезбоннинг баёзлардан биридаги Сўфизода қаламига мансуб ҳажвий шеърни ўқиганини айтган<sup>1</sup>. Унинг хотирлашича, бу шеърда куйидаги сатрлар битилган эди:

*Бир калош уч сўмга чиқди, икки сўм кавиши ёғоч,  
Бойларга жин урмайдур, камбагаллар қорни оч,  
Чиқсангиз бозор бошига туртадурлар: “қоч-қоч”,  
Турфа янглиг дўстлар ҳар ерда айтур: “чакка чак”...*

Афсуски, бу шеърнинг тўла ҳолда қайси баёзда босилгани бизга маълум эмас. Аммо шу сатрларнинг ўзиёқ 20-йилларнинг иккинчи ярмида собиқ шўро мамлақатида авж олган қимматчилик ва қаҳатчилик мавзуи Сўфизода ижодини ҳам четлаб ўтмаганидан далолат беради. Халқпарвар шоир қимматчилик биринчи навбатда камбагал халқ оммаси бошига бало тошлари бўлиб ёғилиши мумкинлигини яхши билган. Шунинг учун у ушбу шеъри билан жамият эътиборини қаҳатчилик орқасида қирила бошлаган бевабечораларга қаратмоқчи бўлган.

Сўфизоданинг қатъий ишончига кўра, агар большевиклар дохийси Ленин ҳаёт бўлганида 20–30-йиллар воқелигидаги бундай нохуш ва ҳатто даҳшатли воқеалар содир этилмаган бўларди. Ленинга шундай ишонч билан яшаган шоир ўқтин-ўқтин:

*Сабо, Ленинни уйгот, Ўзбекистондан хабар олсун,  
Тушунмай қўл кўтарган ишчи-деҳқондан хабар олсун,*

деган байтини айтиб юради. Аммо у Ленин ташаббуси билан бошланган инқилоб туфайли собиқ шўролар давлатида анархия хукмронлик қилаётгани ва шу анархия “Октябрь инқилоби”нинг меваси эканини тушунмайди. Шунга қарамай, у шоир сифатида жамият ва кишилар ҳаётида узлуксиз равишда содир бўлаётган

---

<sup>1</sup> Куйида келтирилажак парча Лутфулла Олимийнинг “Унутилмас шоир” мақоласидан ҳам ўрин олган. Қаранг: “Фаргона” газетаси, 1925 йил, 30 март.



хато ва камчиликларни ҳажв ўти билан куйдириб ташлашга ҳаракат қилади.

Сўфизода таваллудининг 120 йиллиги нишонланган кунларда профессор Бегали Қосимов шоирнинг “Хуржун” шеърини илк бор эълон қилган эди. “Муштум” журналининг 1925 йил 2-сонида босилган мазкур шеър Сўфизодага берилажак нафақа (пенсия) нинг палағда босиб қолганлиги муносабати билан ёзилган. Аммо бу шеърни ўқир экансиз, Октябрь тўнтариши содир этилганига қарийб ўн йил бўлганига қарамай, ҳамма ишларнинг “дум”и ҳамон хуржунда эканини кўрасиз ва шоирнинг:

*Оҳ, маслак, мени сен бой назаридан отдинг,  
Жулга тўн, чоруги жулдур қаторига отдинг,  
Жупуруқ ургочи иқболи узандинг, қотдинг,  
Жун қўли бахти забун “торг”ида арзон сотдинг...*

сатрлари тагида озгина бўлса ҳам пушаймонлик ҳисси ифодаланганини сезмай иложингиз йўқ. Шу сатрларда шоирнинг шўро давлати томонидан алдангани шундоққина сезилиб туради.

Йиллар ўтган сайин Сўфизоданинг ишчи-деҳқон давлати билан боғлиқ орзу-умидлари хубоб бўлиб парчалана бошлади. У она юртининг қайси бир гўшасига назар ташламасин, бузилиш, ўпирилиш жараёни кечаётганини кўрди. Ҳатто ўзи тез-тез бориб, ўқувчи ва ўқитувчилар билан учрашиб турган 12-мактаб ҳам нопок кимсалар туфайли хароб бир ҳолга келган эди. Бундан қаттиқ изтироб чеккан шоир “Очилди-кетди” деган ҳажвий шеърини ёзди.

“Муштум” журналининг 1934 йил 9-сонида босилган ушбу шеър қуйида илк бор эълон қилинади:

### Очилди-кетди

*Халқ шоири Сўфизоданинг Наманган  
12-мактаб бошлиқларига қараб айтган  
газали*

*Ўн иккинчи мактабдаги жиноят  
Кўриб-билиб жамиятга хиёнат  
Халқидан содир бўлган “адолат”  
Идорага бориб, босилди-кетди.*

Арқоқ эдинг рухонийлар бұзига,  
Совун эдинг бойлар жуволдизига,  
Тупроқ сочдинг ҳақиқатнинг кўзига,  
Парво қилма, айбинг ёпилиб кетди.

Бир арава шулихани оширдинг,  
Ўзри, ҳариф қароқчини шоширдинг,  
Гуё ойни этак билан ёширдинг,  
Ҳўгинангда у ҳам ёқилди-кетди.

Уч юз сўмга помидорни чайқадинг,  
Арслон сути билан оғзинг ёйқадинг,  
Иси чиқмай кетди, ўзинг пайқадинг,  
Бола-чақанг яхши боқилди-кетди.

Мақтаб ремонтини қилиб баҳона,  
Солиқ солдинг маҳаллага жаброна,  
Пулни единг, мактаб ҳануз вайрона,  
Ёлғон счётларинг ёзилди-кетди.

Турт жон эдинг, олти жонга олдинг нон,  
Чодирхаёл найрангингга мен ҳайрон,  
Сезилмас деб ўйлар эдинг ҳар замон,  
Хоин нафсинг ногоҳ қоқилди-кетди

Хашак уртуб ётган мугомбир тулки,  
Эшитганлар учун фирибинг кулки,  
Ахир сўзда сенга ахборим шулки:  
Тузогингга чақмоқ чақилди-кетди.

Сўфизода калбидан фигон бўлиб отилган бу шеър унинг бизга етиб келган ҳозирча энг сўнги сатрларидир.

“Ваҳший” тахаллуси билан эълон қилинган бу шеър 30-йиллардаги ҳажвий шеърятнинг ёрқин намуналаридан бири. Лирик шеърят намуналаридан фарқли ўлароқ, бу шеър “Муштум” журналида эълон қилиниши билан бамисоли бомба янглиғ портлаб, Наманган шаҳар Халқ маориф бўлимини оёққа турғизган. Натижада 12-мактабдаги фирибгарликка алоқадор барча кишилар

Ўз жазоларини олганлар, мактаб ҳам таъмирланмай қолмаган. Ҳажвий шеърятнинг ана шу фазилати – жамият ҳаётига сўз ёрдами билан таъсир кўрсатиши мумкинлиги Сўфизода учун, айниқса, муҳим эди.

## ФАХРИЙ УНВОН ЁКИ НАФАҚА ТАШВИШЛАРИ

Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси ҳайъатининг қарори билан 1926 йил 27 февралда Ҳамза Ҳакимзодага Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Муҳаммадшариф Сўфизодага эса Ўзбекистон халқ шоири унвонлари берилди. Мазкур қарорда айтилишича, “ўрток Сўфизоданинг ўзбек халқ шеърятини яратиш ва ривожлантиришга ҳисса бўлиб қўшилган ўзбек халқ қўшиқларининг тўпловчиси ва шоир сифатидаги ижодий фаолиятини эътиборга олиб, ўрток Сўфизодага “Ўзбекистон халқ шоири” унвони берилган.

20-йилларда жорий этилган тартибга кўра, давлат идораларида хизмат қилган кишилар моддий жиҳатдан турли йўллар билан рағбатлантириб турилган.

Фарғона вилоят ижроия қўмитаси 13-чақириқ пленумининг 1923 йил 6 декабрда бўлиб ўтган йиғилишида андижонлик шоир Чўлпон, наманганлик шоирлар – Рафиқ Мўмин билан Сўфизодага масъул ходимларнинг 14-тоифаси бўйича ҳар ойда стипендия бериш ҳақида қарор қилинган ва шу қарорни тасдиқлаш масаласи Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасидан сўралган. Аммо афсуслар бўлсинки, бу хайрли ишнинг қандай натижа билан тугаганлиги биз учун қоронғи.

Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи архивида Ҳамзанинг 1926 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Советларининг 5-чақириқ сессиясига ёзган аризаси сақланади. Аризадан маълум бўлишича, Советларнинг 1926 йил февраль ойида бўлиб ўтган 3-чақириқ сессияси “20-йиллардан бери йўқсул халқнинг инқилобий маорифи ва адабиёти йўлида” жонбозлик кўрсатган Ҳамза ва Сўфизодага “умрлик маош” тайинлаш ҳақида қарор қабул қилган. Лекин 28 февралдан бошлаб берилиши лозим бўлган бу маошни Ҳамза ҳам, Сўфизода ҳам ўз вақтида ололмаганлар. Уларнинг шу ҳақдаги аризаларига нима учундир “умрлик маош” 24 августдан бошлаб берилади, деган мазмунда жавоб йўлланган. Ҳамза мазкур аризасида “синиқ гавдаминзи кўтариш, қаршумиздаги ички-ташқи



кора кучлар олдида юзимизи ёритиш учун” маошни 28 февралдан бошлаб беришни илтимос қилган. Лекин унинг ҳам, Сўфизоданинг ҳам илтимослари ижобий ҳал этилмай, улар сарсону саргардон этилганлар.

Ҳамза 1926 йил 28 декабрда республика Марказий Ижроия Қўмитасининг масъул котиби Вайс Раҳимий номига йўллаган шеърида “умрлик маош” олиш азобларини бундай тасвирлаб бундай ёзган:

*Нафақа на деган бало бўлди?  
Олгуча кўзларим адо бўлди.*

*Тўлуб ўн ой, қарорига минг вой,  
Икки ойлик аранг сало бўлди.*

*Ҳар икки ойлигим Самарқандга  
Борди-келди кирога ло бўлди.*

*Икки ердан маоши номус деб  
Еб сотиб, боримиз тало бўлди...*

*...Сўфизода, қил ўпка ўзингдан,  
Ўзганинг қай иши чало бўлди...*

Ҳамза билан Сўфизодага бир вақтда ҳам юксак ҳукумат мукофотининг берилиши, ҳам “умрлик маош” тайинланиши тасодифий эмас. Улар ўша йилларда шўро давлатининг ер ислохоти, сайлов, мулкдорларга қарши кураш кампанияларида фаол иштирок этиб, “умрлик маош” олиш ҳуқуқини қўлга киритган эдилар. Республика Олий Совети раиси Йўлдош Охунбобоев уларнинг шу борадаги хизматларидан яхши хабардор бўлганлиги учун Ҳамзага ҳам, Сўфизодага ҳамга алоҳида эътибор кўрсатган эди. Улар шу йилларда водийлик шоирлар сифатида бир-бирлари билан яқин алоқада бўлганлар. Ҳамза 1925 йил июнь ойининг бошларида Наманганга келиб, Сўфизоданинг уйида меҳмон бўлган ва шундан кейин унга бағишлаб қуйидаги сатрларни ёзган:

*Васлинг тилаги бирла келиб зор ўла кетдим,  
Ҳажр устина фурқат тушуб, афкор ўла кетдим.*

*Дема бу жаҳон дайрида йўқ менча харобот,  
Бу хушк қадаҳ бўсасидин нор ўла кетдим.*

*Завқингни хаёли била оқиом мижжа қоқмай,  
Кундузлари маймун каби дарбор ўла кетдим.*

*Ҳинди нигоҳинг ишқида зуннор тақолмай,  
Илгинг бўямай қон ила хуммор ўла кетдим...*

Бу шеър тугалланмай ва сайқал берилмай қолганлиги сабабли бўлса керак, ундаги айрим поэтик образларнинг қандай маънони ифодалашга қаратилгани аниқ эмас. Шунга қарамай, бу шеър 1926 йилда республика ҳукумати томонидан юксак унвон билан тақдирланган икки ижодкорнинг ўзаро яқин алоқада бўлганидан шаҳодат беради.

## ҒАНИМАТ КУНЛАР

Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлгани ва “умрлик маош” билан таъминланганидан кейин Сўфизода ҳаётида қандай ўзгаришлар содир бўлди? Ўта камтар ва хоксор шоирнинг кейинги турмуши қай тарзда кечди? Шоир рўзгор ташвишларидан бир пайса озод бўлиб, наманганлик қаламкаш биродарлари ва шогирдлари бағрида кўпроқ бўла олдими? Унинг ижодида қандай эврилишлар, нурланишлар рўй берди?.. Афсуски, Сўфизоданинг замондошлари бундай саволларга жавоб топишимиз мумкин бўлган хотираларни ёзиб қолдирмаганлар. Уларнинг мустабид тузум шароитида бундай хотираларни ёзишлари, эҳтимол, бошларига дор сиртмоғини илиш билан баравар эди.

Биз Сўфизоданинг 1926 йилдан 1935 йилгача кечган ҳаёти тўғрисида етарли маълумотга эга эмасмиз. Унинг 1935 йилдан кейинги ҳаётига оид маълумотлар ҳам кўп эмас ва улар қуйидагилардир:

Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида” китобида ёзишича, Сўфизода 1935 йилнинг қиш кунларида адабнинг уйига меҳмон бўлиб келган.

Биз юқоридаги фасллардан бирида “Ўтган кунлар” муаллифининг Наманганга бориб, Сўфизода хонадониди меҳмон

бўлганини айтиб ўтган эдик. Ҳ.Қодирий берган маълумот билан шу воқеанинг ўзиёқ икки кекса ижодкор ўртасида дўстона самимий муносабат бўлганидан дарак беради.

Ҳабибулла Қодирий зикр этилган хотирасида шу икки адибнинг 1935 йилдаги учрашувини тафсилотлари билан тавсир этмаган. Шунга қарамай, унинг қуйида келтирилаётган сўзлари сиз, ҳурматли китобхонлар учун қизиқарли бўлиши мумкин:

“1935 йилнинг қиш кунлари эди, – деб ҳикоя қилади Ҳабибулла Қодирий. – Бир кеч шоир Сўфизода, Ойбек ва яна кимдир (ёдимда йўқ) бир киши бизнинг уйга меҳмон бўлиб келишди”<sup>1</sup>.

Ҳ.Қодирий шу сўзлардан кейин: “1935 йил 29 январда Тошкентда Муҳаммадшариф Сўфизоданинг (1870–1937) 61 ёшга тўлишини нишонлаб юбилей ўтказилади. Шоир, балки, шу муносабат билан Намангандан келганда бизникига ташриф қилганми?..” – деб тахмин қилган ва давом этиб, бундай ёзган:

“Сўфизода ўрта бўй, қорачадан келган, тўла кулча юзли, оқ оралаган қисқа соқол-муртли, бошида фарғонача дўппи, эгнидаги узун кулранг сирма пахталик камзули устидан қийиқ боғлаб, қора сатин қавиқ тўн кийган, кавуш-маҳсили, қадди бир мунча чўккан киши эди. У майин, камтар табиат, камгап, босиқ сўзли, кулимсираб сўзловчи шахс эди.

Ойбек эса галстук такиб, европача кийинган, ўсик силлиқ қора сочларини чуст дўппи билан бостирган, ўттиз ёшларда, барваста коматли, оқ тўла юзли, ўткир қора қийиқ кўзли, очиқ чехра, чиройли йигит эди...

Бу икки зот ҳам бизникида, менимча, биринчи бор бўлишлари эди. Улар шу кун сандалда алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди, эртасига наҳорликдан сўнг жўнаб кетишди. Мен уларга хизмат қилиб турсам-да, ёнларида ўтира олмаганим учун ажиб суҳбатларини тинглай олмаганман”<sup>2</sup>.

Ҳабибулла Қодирийнинг Сўфизода ҳақида гўё отасидан эшитган бошқа сўзлари ҳақиқатдан ҳийла олис бўлганлиги боис уларни келтиришни жоиз, деб билмадик.

Юқорида баён қилинган хотирада 1935 йил 29 январда Тошкентда Сўфизода таваллудининг 65 йиллиги нишонлангани эслатиб ўтилган. Чиндан ҳам, шу куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ҳозирги “Офицерлар уйи” рўпарасида жойлашган

<sup>1</sup> Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. – Тошкент, 1983. – Б. 176.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 176-177.



биносида халқ шоирининг 65 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтган. Афсуски, бу адабий кеча тўғрисида бирор хабар эълон қилинмаган. Худди шунингдек, вақтли матбуот саҳифаларида ҳам Сўфизоданинг ҳаёти ва ижодига бағишланган бирор мақола чоп этилмаган. Турли мақола ва хотираларда қайд этилишича, Ёзувчилар уюшмаси ушбу юбилей муносабати билан шоирнинг бир жилдлик Танланган асарларини нашр этишга қарор қилган. Ушбу сайланманинг муҳаррири этиб Ғайратий белгиланган. Аммо 200 саҳифадан мўлроқ бўлган бу китоб 1937 йилнинг момагулдиракли воқеаларига қадар нашр этилмай, йўқ қилиб юборилган.

Шоир туғилган куннинг 65 йиллиги фақат Тошкентда нишонланибгина қолмади. 1937 йил махбусларидан бирининг тергов пайтида берган маълумотига кўра, ўша йилларда Наманган шаҳар партия кўмитаси котиби Муҳиддин Эрматов Сўфизода яшаган уйни давлат ҳисобига таъмирлаб берган, горком ходимларига Сўфизодан хабар олиб туришлирини, зарур бўлган ғолларда унга моддий ёрдам кўрсатишни вазифасини топширган. М.Эрматов бу билангина кифояланиб қолмай, уни Рафиқ Мўмин билан бирга Кавказдаги курортлардан бирига юборган. Шунингдек, Эски шаҳардаги кутубхонага Сўфизода номини берган.

Сўфизода ҳаётининг 1935 йилга оид нурли саҳифаларидан яна бири Туроб Тўла хотираларида ўз аксини топган. Шеърят оламида эндигина дастлабки қадамларини ташлаётган шоир ўша йилнинг ёз кунларида дўсти Учқур Раҳмон билан бирга Наманганга бориб, Сўфизодани кўриш имкониятига эга бўлган.

Туроб Тўла ҳаётидаги бу унутилмас воқеани тез-тез эслар ва биринчи Ўзбекистон халқ шоирини кўрганлиги билан фахрланар эди. У наманганлик шоир ҳақидаги хотирасини: “Сиз Сўфизодани кўрганмисиз? Мен кўрганман. У Ҳамза билан адабиётга кирган, янги ўзбек адабиётининг намоёндаларидан бири эди. Бу адабиётга асос солингунча чор амалдорларининг озмунча калтагини емади, озмунча кувғинга учрамади у. Унинг захри қотил тили, ўткир сатиралари, фалсафий шеърлари озмунча ташвишга солмади чор амалдорларини..” – деган сўзлар билан бошлаган. Сўнгра Сўфизоданинг “инқилоб доҳийси” ўлимига бағишланган мусаддасини тўла келтириб, бундай ёзган:

“Сўфизодани ҳали, мен ҳам кўрганман, дедим. У, дарҳақиқат, мана шунақа серзарда, сержаҳд, ватанини ҳеч кимга, ҳеч қанақасига камситтирмайдиган, адабиётини баланд тутган, зуваласи билан

ватанпарвар шоир эди. У мўсафидни мен 1935 йили Наманганда, шаҳар ўртасидаги бир катта, гавжум чойхона-клубда кўрдим. У киши ўша вақтдаёқ машҳур. Таниқли шоир Рафиқ (сўз Рафиқ Мўмин тўғрисида бормокда – *Н.К.*) билан суҳбатда ўлтирар, шоир ҳам, ҳаваскор ҳам, адабиётдан узоқлар ҳам улар суҳбатини тинглашарди. Биз дўстим Учқун Раҳмоний билан кириб келдик ва жиғиллаб қайнаб турган катта самовар ёнига чўка қолдик. Шеърий мулоқотларга ниҳоятда ташна икки ёш шоир бу икки адиб суҳбатини тўймай тингладик. Сўфизода анча қариб қолган, ниҳоятда нуроний, тўла, оппоқ соқоли кўксига тушган, кўзлари чатнаб турган бир донишманд эди. Рафиқ эса унга гўё устозидек кулоқ солар, аммо тортишиб ўтирган масаласини қаттиқ ҳимоя қиларди. У ҳам соқол қўйган, аммо калта, мошгурунч эди. Наманганликлар Сўфизодани қаттиқ яхши кўрар ва у киши билан фахрланар, ҳадеб “ғазал-ғазал” дейишарди. У ҳам тўхтамай ўқирди, хурсанд қиларди ҳамшаҳарларини. Ҳали ҳам унинг кекса, аммо тетик овози қулоғимда...”<sup>1</sup>

Туроб Тўла хотирасида муҳрланиб қолган бу воқеа Сўфизодани ҳийла олис масофадан кузатган видеокамерадаги тасвирни эслатади. Биз қанчалик истамайлик, бугун бу камеранинг “кўз”и ва “қулоғи”ни шоирга яқинлаштиришнинг ҳеч бир иложи йўқ. Аммо биз бу истакни номи юқорида тилга олинган ёзувчи Жонрид Абдуллахонов ёрдамида бир оз бўлса-да рўёбга чиқаришимиз қийин эмас.

Заҳматкаш ёзувчилардан бири Жонрид Абдуллахоновнинг Элбек тўғрисидаги хотираларида Сўфизодага ҳам каттагина ўрин ажратилган. Унинг хотирлашича, “шаҳар марказидаги “Шарқ” хиёбонига жойлашган чойхона”га, яъни Туроб Тўла хотирлаган жойга, “аҳён-аҳён томошалар кўрсатиб турадиган труппа артистлари ҳам бот-бот келиб туришар, ўз санъатларини намойиш этиш билан ўқувчилар дидини хушлашар, дарсларга янада фаолроқ қатнашиш учун иштиёқ уйғотишарди”. Шундай тадбирларни ўтказишда бош-қош бўлган кишилардан бири Сўфизода эди. Наманганлик маърифат ва нафосат аҳлининг ҳурматини қозонган бу сиймодан ташқари, Рафиқ Мўмин, Холиқий, Маорифий, Олим Шамсилар ҳам бу ерга тез-тез келиб туришарди. Шундай кунларнинг бирида Сўфизода Жонриднинг отаси Муҳиддинхон

<sup>1</sup> Туроб Тўла. Нафосат. – Тошкент, 1970. – Б.82-83.

Абдуллахоновга Элбекнинг Наманганга келаётгани хабарини айтади. Орадан кўп ўтмай, Элбек Наманганга етиб келади.

“У келган куннинг эртасига кўй сўйилди, – деб хотирлайди Жонрид Абдуллахонов. – Келган-кетганлар ичида яқин-йироқ мактабларнинг раҳбарлари, муаллимлар билан бирга Рафиқий, Маорифий, Олим Шамси сингари атоқли алломалар гуруҳи бор эди. Машҳур ғижжакчи ва бастакор Бойдадахон Олимов (Ўзбекистон халқ артисти марҳум Раззоқ Ҳамроевнинг қайнотаси) билан танбур чалишни ҳавосини олган Шариф домла (яъни Сўфизода – Н.К.) нинг ўзи ажойиб куйлар ижро этади “Чаманнор”, “Йўл бўлсин”, “Омон ёр” кўшиқлари янграйди. Шундан кейин домла Элбек эртанги кунларнинг файз-фароғати, миллий маданиятимизнинг равнақи тўғрисида ваъз қилади. Бунинг учун ҳар бир киши унга тайёр бўлиши, билимли, маданиятли, комил инсон даражасига етишиши лозимлигини уқтиради. Рафиқий эса янги ёзган “Муштумзўрларга” деган шеърини ўқиб беради. Ўртага домла Элбек ва Сўфизодани ўтказиб, ҳаммалари бирга суратга тушадилар. Тадбир охирида анчадан бери дадамни синчиклаб кўздан кечираётган домла Элбек Сўфизодани четроққа чақириб, дейди:

– Отахон, Муҳиддинхоннинг уст-боши ҳийла тўкилиб қолибди-ку?..”

Жонрид улар ёнидан ўта туриб шу сўзларни эшитиб қолади.

Орадан бир ярим ойча вақт ўтгач, дадаси уйига ўша йилларда урф бўлган “этаклари, енг учлари-ю ёқаларигача жигарранг чарм қадалган мошранг пахталик гуппи ва шим, ўрдакбурун хром этик” кийиб келади. Гўдаклар уни танимай анграйиб қоладилар...

Сўфизода қандай камтарона турмуш кечирган бўлмасин, “уст-боши ҳийла тўкилиб қолган” мактаб ўқитувчисини ўзи ёки кимларнингдир ёрдами билан шундай “ясантириш”га, унинг ўзи ва оила аъзоларига байрам кайфиятини бағишлашга қодир кишилардан эди.



## СУФИЗОДА ВА ПАРТАВИЙ

Ғафур Ғулом, 1936 йилнинг баҳор ойларида Фарғона водийсига ижодий сафар билан бориб, Наманган шаҳрида бўлган ва шу сафар чоғида Суфизода, Рафиқ Мўмин, Тожи Раҳмон, бизга номаълум бўлган Исмоилов ва бошқа наманганлик қаламкашлар учрашган. Меҳмонлар Исмоиловнинг уйида бўлиб ўтган зиёфатдан чиқиб кетар эканлар, йўлда бир ногирон чолни учратиб қоладилар. Суфизода уни тошкентлик меҳмонга: “Бу киши Наманганнинг зўр шоирларидан бўлади. Яхши бадихағўй шоир”, деб таништиради. Бундай ғариб, аммо истеъдодли кишилар билан танишиб, суҳбатлашишни ва имкони бўлса, шундай халқ талантларига меҳрмурувват кўрсатишни хуш кўрган Ғафур Ғулом унинг ёнига чўк тушиб олиб, у билан суҳбатга киришади. Чол шоирнинг илтимоси билан иккита шеър ўқийди. Шундан сўнг Ғафур Ғулом ҳамроҳларидан: “Бу кишининг яна қандай фазилатлари бор?” деб сўрайди. Унга: “Агар сиз чарчамасдан эшита берсангиз, у жуда кўп шеърларини айтиб беради”, – дейишади. Ғафур Ғулом Сулаймон Стальский ёхуд Жамбул даражасидаги буюк халқ талантини учратдим, деб хаёл билан қаттиқ хаяжонга тушади ва у билан яқиндан танишиш истагини борлигини яширмайди. Ўша куннинг эртасига Ғафур Ғулом шарафига ўз уйида дастурхон ёзмақчи бўлган Тожи Раҳмон унинг истаги билан ногирон шоирни чақиришга ваъда беради. Меҳмонлар Тожи Раҳмоннинг уйида тўпланганларидан сўнг кимдир Наманганнинг чўлоқ ва ногирон “Жамбул”ини извошда олиб келади. Ғафур Ғулом бир-икки пиёла май ичиб, шўрва косалари йиғиштириб олинганидан сўнг “Жамбул”га мурожаат этиб: “Отахон, мен сизга давлатдан ёрдам олиб бераман. Суратларингизни олдириб, газеталарда чиқартираман. Сизни Тошкентга кўчириб олиб борамиз. Отахон, худо хоҳласа, сиз эл-юрт ҳурмат қиладиган машҳур халқ шоирларидан бўласиз”, – дейди. Аммо “Жамбул” бундай ширин сўзлардан маст бўлиш ўрнига тошкентлик меҳмонга рад жавобини беради. Маълум бўлишича, у кўча-кўйларда шеър ўқиб, тиланчилик қилар ва шунинг орқасида кун ўтказар экан.

Камина шу воқеадан хабардор бўлганимдан сўнг наманганлик “Жамбул” билан қизиқа бошладим. Унинг кимлиги, исм-шарифи қандай бўлганлигини билиш, Ғафур Ғуломдек улкан шоир эътиборини қозонган халқ талантининг изсиз ғойиб бўлганлиги

сабабларини аниқлаш истагида наманганлик илм ва ижод аҳли билан суҳбатлашиб, водий адабий муҳитига доир китобларни титкиладим. Ўша кезларда қўқонлик тазкиранавис Пўлатжон Қайюмийнинг “Тазкираи Қайюмий” асари чоп этилган эди. Шу китобни бутунлай бошқа мақсад билан мутолаа қилар эканман, тазкиранинг учинчи китобидаги қуйидаги сўзларга кўзим тушиб қолди:

“ПАРТАВИЙ I. Бу киши Самарқанд атроф ўзбекларидан бири бўлиб, Мулла Нуъмон Бадалдур. Ўз отаси ҳам ўқимишли кишилардан бўлмишдур. 1920 йилда Самарқанддан чиқиб, сайру саёҳат ила Хўжандга, 1921 йилда Фарғона водийсига келмиш. Қатағон даҳасида эшон Шофез номли шайхнинг ўғли Сабохон маҳдумга меҳмон бўлуб, 15-участка масжидида турмушдир. Кўп фозил, олимлиги ила баробар шоир, бадиҳагўй, тез забон бўлганидан оз вақт ичинда шуҳрат қозонмишдур. Шаҳар фозиллари, шоирлари бу кишининг атрофига тўпланмишдурлар. Шоир мулла Ҳайдар Шайдо ва шоир Фироқий, Чархийлар ила дўстона алоқалари бўлмишдур. Шоир Партавий 55 ёшларинда бўлуб, ярим фалаж, судралиб юрувчи, кўзлари ғилай, бир қўли ишламайдиган нотавон одам экан. Шундай бўлгани ҳолатда гашти гузар, сайру саёҳат қилар, қаландарона вазиятда бўлмишдур. Бундан Наманган шаҳарига бориб, Собитхон деган киши(га) меҳмон бўлмиш ва бошқа жойларда ҳам юруб, охирда 1931 ҳибсга олинмишдур ва Наманганда вафот этмишдур.

Шоир Шайдонинг Хўқандда Партавийга ёзган тубандаги мактубига:

*Ёз менга ажаб газални, Партавий,  
Қил ваъдага сен амални, Партавий.  
Шоирлар ичинда баҳри дурсен,  
Гуёки алар (ичинда) дурсен,  
Ўз Боғи Ирамни булбулисен,  
Қил вақти саҳар фигон, Партавий.*

Шоир Партав бунга жавобан дарҳол демишдурки, будур:

*Шоири Шайдо ва зирак аржуманд,  
Вужуди саҳодур, ҳиммат баланд.*

*Шиновор эрур тўтилар қилса банд,  
Арасту эрур маҳв филотун лаванд*<sup>1</sup>.

“Тазкираи Қайюмий”да берилган бу маълумот мухтасар бўлишига қарамай, биз учун, айниқса, қимматли. Бунинг боиси шундаки, биз шу маълумот туфайли Сўфизода ҳаётининг Наманган давридаги адабий муҳитни тасаввур этибгина қолмай, ижоди адабиётшунослар эътиборини жалб этиши лозим бўлган истеъдодли, аммо мураккаб тақдирли ногирон шоирнинг ҳам бўлганидан хабардор бўламиз. Тўғри, тазкиранависнинг ҳамма маълумотлари ҳам тўғри бўлмаслиги мумкин. Чунончи, Партавийнинг 1931 йилда ҳибсга олинганлиги хусусидаги маълумот ҳозирча ўз тасдиғини топмади.

Наманганлик таниқли адабиётшунос ва шарқшунос олим Исмадулла Абдуллаев “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталиги (2003 йил 26 сентябрь) да босилган мақоласи билан Партавий ва унинг фожиявий тақдири масаласига янада аниқлик киритди. У ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган ногирон шоир ҳақида бундай янги маълумотни берган:

“Неъматбадал Партав (Партавий) асли ўратепалик бўлиб, Самарқандда ҳам яшаган. Қандайдир сабаб билан Наманганга келиб қолган. У туғма кўр ва паралич бўлган. Ҳеч қандай мактаб ва мадрасада ўқимаган. Аллоҳ унга туғма истеъдод ато этган. Қуръони каримни ёд олган. Шоирнинг уй-жойи, бола-чақаси бўлмаган. Октябрь тўнтаришидан аввал Наманганнинг давлатманд кишилари, шеърят мухлислари Партавни моддий таъминлаб туришган ва шеърларини ёзиб олишган. Инқилобдан сўнг шоир моддий аҳволи ёмонлашиб, тиланчилик билан кун кечирган. Шеърят ихлосманди марҳум Усмон қори ака Тошмирзаевнинг айтишича, Партав шеърни тўхтамай айтар, ёзиб олувчилар чарчаб қолар, у эса давом этар экан. Шоир ихлосмандларидан бири келиб: “Партав домла, Файзулла Хўжаевга атаб бир шеър ёзинг, мен уни шаҳар фирқа кўмитаси биринчи котиби Эрматовга етказаман. У сизга ёрдам беради”, – деган. Партав шу заҳоти: “Ёзинг!” – деган. Мухлис шеърни ёзиб олиб, Эрматовга етказган. Шеър Ф.Хўжаевга етган-етмагани номаълум, лекин Эрматов шоирга жой тайин этиб, анча мурувват кўрсатган. Ҳатто извошида олиб ҳам юрган. Кўп ўтмай, Ф.Хўжаев “халқ душмани” тамғаси билан оғиб ташланган. Партав

<sup>1</sup> “Тазкираи Қайюмий, 3-китоб. – Тошкент, 1998. – Б. 531–532.



шеърдан хабардор қандайдир искович ДСБ (ГПИУ)<sup>1</sup> га маълумот берган ва шоирни тиланчилик қилиб ўтирган жойидан олиб кетиб, отиб ташланган”<sup>2</sup>.

Алихон Халилбеков “Наманган адабий гулшани” тазкирасида юқорида қайд этилган ҳар икки манбага суянган ҳолда ногирон шоир тўғрисида маълумот беради. Ушбу китобдаги ягона янги маълумот Партав (Партавий) нинг ҳибсга олинганидан сўнг турмада вафот этганидир.

Афсуски, Миллий Хавфсизлик Хизмати архивида Партавийнинг фожиавий тақдирига оид маълумот учрамади. Аммо Катта қирғин йилларида ҳибсга олинган Рафиқ Мўминнинг “жиноий иш”ида Ғафур Ғуломнинг 1936 йилда Наманганга келиши ва наманганлик қаламкашлар даврасида бўлишига доир муҳим маълумот мавжуд. Бу маълумотга қараганда, Рафиқ Мўмин 1936 йилнинг май ойида мактабдан қайтаётиб, одатига кўра, туман ижроия кўмитасига қарашли чойхонага кирган. Чойхонада Сўфизода нотаниш бир киши билан чой ичиб ўтирган эди. Сўфизода Рафиқ Мўминни кўриб, уни ўз даврасига таклиф этади. Рафиқ Мўмин Сўфизода ва нотаниш киши билан кўришиб, улар даврасидан жой олади. Шу пайт Сўфизода унга Тошкентдан Ғафур Ғуломнинг келганини хабар қилади. Сўфизода ҳали сўзини тугатиб улгурмаган ҳам эдики, Ғафур Ғулом ўз оёғи билан чойхонага кириб келган. Улар тўртовлон суҳбатга берилиб, бир-бирларининг ҳаётлари ва ижодий ишларидан хабардор бўлганлар.

Ўша кунларда Тошкентдан Ғафур Ғулом билан бирга Ғайратий ва Абдулхамид Мажидий ҳам Наманганга келишган ва “гуллар шаҳри”да бир неча кун меҳмон бўлишган.

“1936 йили июнь ойининг дастлабки ёки май ойининг сўнгги кулари эди, – деб эслайди Рафиқ Мўмин тергов пайтида. – Кўчада кетаётиб шоир Партавийни учратиб қолдим. У менга ўша кунларда Тожи Раҳмонов, Сўфизода ва Ғафур Ғулом билан бирга бўлганини айтди. У қаерда, кимнинг уйида учрашганларини айтмади. Аммо унинг айтишича, ўша йиғинда унга ароқ ичиришган ва у сархуш бўлган экан. Шундан сўнг йиғинда шеърлар ўқишган. Ғафур Ғулом Партавий билан жуда қизиқиб қолиб, ундан шеърлар ёзишни

<sup>1</sup> Совет давлатининг махсус ишлар ибилан шуғулланувчи идораси 1937–1938 йилларда ДСБ (Давлат Сиёсий Бошқармаси) эмас, балки Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) деб юритилган.

<sup>2</sup> *Ҳожии Исмаилов Абдуллоҳ*. Марказий Осиёда ислом маданияти . – Тошкент, 2003. – Б. 257-258.

илтимос қилган. Мазкур йиғилишда қандай шеърлар ўқилганини у менга айтмади. Ғафур Ғулом Партавийдан Наманган боғи тўғрисида очерк ёзиб беришни сўраган экан, ammo Партавий унинг илтимосини рад этибти...”

Терговчининг мақсади Рафиқ Мўминдан номлари тилга олинган кишиларнинг аксилинқилобий хатти-ҳаракатлари тўғрисида маълумот олиш бўлганлиги учун у “Қарчиғай” муаллифини шу ерда тўхтатиб, унинг биз, шўринг қурғур адабиётшуносларга асқотиши мумкин бўлган фикрларни айтишига имкон бермаган.

Камина Сўфизоданинг Наманган бозорида тиланчилик билан турмуш тебратган бечора шоирга нисбатан меҳрли муносабатда бўлгани ҳақида ўйлар эканман, унинг сарсонлик-саргардонлик йилларидаги ҳолати ҳам, Ҳиндистон ва Афғонистон шаҳарларида қўлини унга умид билан узатиб турган кишилар ҳам кўз олдимга келгандек бўлади. Шундай аянчли манзараларни ўз кўзи билан кўрган Сўфизода учун Партавий тиланчи шоир эмас, балки тиланчи қиёфасида яшаб ижод қилган XX асрнинг Машраби эди.

Афсуски, шу воқеадан кейин кўп ўтмади. Ўтган бўлса, борингки, бир йил, бир ярим йил ўтгандир. Кутилмаганда бўрон кўтарилиб, еру осмон тўзон ичида қолди. Бу тўзон ер устидаги барча чангу тупроқни, хасу хашакни ўз гирдобига тортди. Тўзон кишиларнинг юз кўзларини, уст-бошларини, ҳатто ёқалари-ю енглари оша кириб, баданларини ҳам ўзининг ёқимсиз ва жирканч лаблари билан ялаб чиқди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, бўрон тўхтаганида, ер устидаги одамлар “СССР” деган давлат ҳисобига анчагина сийраклашиб қолган эдилар.

## ОЗОДЛИКНИНГ СЎНГИ ОНЛАРИ

Тошкент узра гурлаган бўрон Наманганга етиб келганидан кейин Абдулла Тўқмуллин, Рафиқ Мўмин сингари адабиёт санъат ва маърифат дарғалари бирин-кетин қамоққа олиниб, бедарак кетдилар. Кимдир энкеведечилар қўлига тушиб, ер юзидаги дўзах азобларини кўрмаслик учун ўзини-ўзи осди. Маорифий эса ўзини дарёга ташлаб, қайтиб чиқмади.

“Оғир кунлар эди, – хотирлайди Наманган тумани, Шўрақўрғон қишлоғида яшаган Тўхтаҳон Раҳимова. – Халқимизнинг асл

фарзандлари қораланиб турган бир пайтда бу мусибатлар Сўфизодага ҳам етиб келди. Маҳаллаларда ҳам айрим сотқин ғаламислар пайдо бўлди. Бир муллавачча Зебихон аяни паранжи ёпиниб юради, хотин-қизларни очиқликка даъват қилмайди, бундай аёл мактабга директорлик қиладими, деган мазмунда мақола ёзиб, “Муштум” журналида чиқарган”.

Шу воқеадан кейин тинчлик кабутари мактабни тарк этиб, аллақаерларга учиб кетди.

“Шундан кейин, – деб давом этади Тўхтаҳон Раҳимова, – мактабимизда тинчлик бўлмади, кунора НКВД ходимлари изғий бошладилар, Бу орада шоирни ҳам таъқиб қила бошлашди. Бир куни мени: “тезда келсин”, дея чакиртирдилар. Мен дарҳол Сўфизода ҳузурларига бордим. Шоир қандайдир кўрқув билан китоб ва дафтарларни яширдилар.

– Раҳимова, билиб турибсиз, дунё нотинч. Мен сизга ишонаман, агар менга бирор кор-хол бўлса. Зебихонни ҳимоя қилинг. Озор етмасин. Дўстларим билан бўлинг, ўрни келса Зебихонни бирор оддийроқ кишига турмушга узатинглар. Жони омон қолса бас! – дедилар. Шу-шу бўлди-ю уларни бошқа кўрмадим”.

Наманган шоирларининг, шу жумладан, Сўфизоданинг ҳаёти ва ижоди билан узоқ йиллардан бери шуғулланиб келаётган Алихон Ҳалилбеков “Наманган адабий гулшани”да шоирнинг озодликдаги сўнги кунлари тўғрисида бундай маълумотни берган:

“Сўфизода аввалги кўпгина ҳужумлардан омон қолган эди. Аммо 1937 йилда мамлакатда авж олдирилган қирғин-барот кекса шоирни ҳам омон кўймади.

Ўша воқеа тафсилотини шоирнинг рафиқаси Зебихон ая Алиқул кизидан 1969 йилнинг сентябрида ёзиб олган эдик:

“1937 йилнинг 5 май кунида Сўфизоданинг беморликлари тўфайли касалхонага ётқиздим. 7 май куни у кишини излаб уч одам келди. Сўфизоданинг касалхонадаликларини айтдим. Уйни тинтув қилишди. Эртасига эрталаб Сўфизодани касалхонаданоқ қамоққа олиб кетишди. Шундан кейин у кишини кўрмадим. 9 май куни эрталаб мактабга борсам: “Халқ душманининг хотинига мактабда ўрин йўқ”, – дейишди”.

Ўша кунларда кўплаб наманганликлар қамоққа олинган. Шундай жабрдийдаларда орасида Қодирхон Камоловнинг отаси Камол махсум Файзулла ўғли ҳам бўлган. Яккабулоқ маҳалла



Пахтаобод кўчасида истиқомат қилган Қодирхон Камолов (1929–2004) ўша мусибатли кунларни эслаб: “Отамнинг Наманган қамоқхонасида эканликларини билганимиздан кейин акам Жалолхон (Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган) билан отамни кўргани бориб, Сўфизоданинг касал ҳолда бўлсалар ҳам камалганликлари ҳақида хабар олиб келдик”, – деган.

Чустлик Шукрулло Ғаффоровнинг каминага йўллаган кўлёзма мақоласидан маълум бўлишича, “учлик” қарори билан 10 йилга ҳукм қилинган Мамажон Гаюпов Сўфизода ҳақида бундай сўзларни айтган: “Наманган турмасида худди 1937 йил май ойларида Сўфизода билан учрашдим. Новча бўйли, норғул, юмалоқ юзли, сержун одам эканлар. 5 кун бирга бўлдик. Кейин у кишини, яна шаҳандлик 2 кишини отувга ҳукм қилинган, деб бизнинг олдимиздан олиб чиқиб кетишди. Уч кун ўтгач, уст-бошлари турмага келтирилди. Кейин билсак, улар отилган экан”.

Мудҳиш йилларда қамоққа олинган кишилар орасида Сероб маҳалла, Истиклол кўчасида яшаган Мамажон Абдурахмонов (1903–1992) ҳам бўлган. У пахта заводида ишлаётган кезларида тухмат билан қамалади ва Наманган қамоқхонасида икки йил ётади. “Сўнгги бор, – деган у мухбирларнинг саволларига жавоб бериб, – Шарифбойни шу ерда учратгандим. Мендан кейин сал вақт ўтмай, уни ҳам олиб келишди. Биз алоҳида-алоҳида камераларда эдик. Шунинг учун суҳбатлашиш насиб этмади. Лекин қамоқхона ҳовлисида кўз ишораси билан саломашиб турардик. Шу ерда ҳам тинмай шеър айтиб, одамлар руҳиятини кўтариб, ҳаётга умид уйготарди”.

Мамажон Абдурахмоновнинг гувоҳлик беришича, у шоирнинг қамоқхонада:

*...Эшикка чиққали қўймай, газаб қилманг, начальниклар,  
Шарифбой Ваҳшийнинг руҳлари доим шод бўлсин,*

деб шеър ўқиганини эшитган.

Пансада маҳалла, Фарҳод кўчасида яшаган Жўраҳон Азизов (1945) нинг хабар беришича, отаси Муҳаммаджон Ҳофиз Сўфизода билан дўстона муносабатда бўлган. “Сўфизодани ҳибсга олишибди, деган хабарни эшитиб, – дейди Жўраҳон Азизов, – ўзларини кўярга жой топа олмай, Наманганга отланганлар. Бир ярим ой давом этган судларида ҳам иштирок этганларини ўқинч билан айтиб

берардилар. Суд давомида шоирнинг икки қатор шеърини такрор-такрор ўқиб, маъносини сўрашган:

*Қизил гулсан тикансиз, сўлма, Ленин, йўлларинг тўғри.  
Ва лекин бир неча ўртоқларинг бор, қип-қизил ўғри.*

Отамнинг айтишларича, бу шеър Сўфизода томонидан хат орқали Ленинга юборилган экан. Иккинчи мисрасини нотўғри шарҳлаган шоир душманлари қора ниятларига эришганлар”.

Бу хотираларда қанчалик ҳақиқат зарралари бўлмасин, уларнинг ҳаммасини ҳам ҳаётий факт сифатида қабул қилиш тўғри эмас. Айниқса, Сўфизода устидан бўлган суд жараёни ва шоирнинг Ленинга шеърини хат йўллагани, шунингдек, отилган шоир кийимларининг қамоқхонага маҳбусларнинг кўзи олдида олиб келиб ташланиши ҳақидаги “хотиралар” уйдирмага мойил кишилар “ижод”ининг “мева”ларидир.

\* \* \*

Сўфизода шўролар мамлакатига қайтганидан кейин бу мамлакатда адолатнинг сарин шабадалари эсиб туришига, золим ва мазлумларга ажралган халқнинг тенг ҳуқуқли фуқаролар бўлиб эмин-эркин яшашига ишонган ва шу йўлда шоир, педагог ва ташвиқотчи сифатида фаолият олиб борган эди. Аммо Октябрь тўнтаришидан кейин 10–15 йил ўганига қарамай, унинг орзу ва хаёлларидаги Адолат ва Ҳақиқат байроғи мамлакат узра ҳилпираб турмади. Воқеалар оқими Сўфизода ўйлаганча кечмади.

“Сўфизода, – деб ёзган эди хорижий олимлардан бири, – советлар доирасинда бўлган вақтида “Яшнатайлик шонли шўрони”, “Октябрь таронаси” ва “Ҳақиқатдан кўз юмганларга” каби шеърлар ёзиб, ...советларнинг “синфий кураш” назариясини қувватлаб чиққан эди. Унинг советлар сиёсатидан олган ҳаваслари ҳам узоққа кета олмади. Унинг биринчи қамалиши уйқудан чўчитиб уйғотган эди. 1930 йилдан сўнг эса туйғулари билан ёзилган шеърларнинг ҳаммасини ҳам нашр эттира олмади. Шоир ҳар доим норозилик ичинда яшади. Лекин у советлар давринда очикдан-очик миллатчи шоирлар орасида кўринмади. Шоир Туркистонда советларнинг сиёсатиндан ҳар ерда койиб юрар эди. Унинг фикрича, «Ленин йўли тўғри, лекин одамлари ўғри» эди. Ундаги бундай фикр ҳам 1934-1935 йилларда битган бўлди. Совет ҳокимияти давринда

унинг кўрганлари, сезганлари ва ўрганганлари шоир учун таъсир берди. Бу усулда шоир миллат дардлари масаласига қайтиб келди. Ҳаётининг охирида “Бахтсиз миллатим садоси” дostonини ёзди. Буни нашр эттира билмади. Лекин кўлёмалар ҳар ерда ўқилди. Бу дostonда миллатнинг бошидан эски фалокатлар кетмаганлигиндан шикоят этган, бу фалокатнинг асосий сабабчиси қилиб Русия ҳокимиятини кўрсатган эди. Шоир миллат дардини изҳор этиш учун Оллоҳ билан “суҳбатлашади”. Ундан: “Нечун бошимга жабру жафоларни солдинг, Кўрмадингми кўзимдаги қонли ёшларни”, – деб сўрайди. Дostonининг сўнгида: «Мен ўлажакман, лекин миллатим қолажак ва яшнаяжак», – дейди. Бундай фикрларни Совет Русиясининг ур-йиқит сиёсати (террор) бошланиши олдидан билдирилиши халқни ҳаяжонга келтириб қўйган эди. Унинг “Бахтсиз миллатим садоси” ўткир шоирнинг сўнги ижоди бўлди”<sup>1</sup>.

Хорижий олимнинг 30-йилларнинг бошларида Сўфизода дунёқарашида рўй берган кескин ўзгариш ҳақидаги сўзларида жон бор. Чиндан ҳам, унинг ўз миллати, ўз халқи бошига тушаётган савдоларни кўрмаслиги амри маҳол эди. Шунинг учун ҳам шоир Ленинни ҳақгўй ва адолатпарвар раҳбар деб билгани ҳолда халқ ва мамлакат ҳаётида содир бўлаётган эгриликларда маҳаллий раҳбарлар (ўғрилар) ни айбдор деб билди. У ўзининг шўролар даврида кечаётган шу эгриликларга қарши норозилик сифатида қисқа-қисқа шеърлар – агиткалар тўқиб, уларни кўча-кўйлардаги деворларга, раҳбар идораларнинг эшикларига ёзиб кетди. Аммо унинг “Бахтсиз миллат садоси” деган дostonни ёзганлиги тўғрисида бизда бирор маълумот йўқ. Агар Наманганда туғилган ва Сўфизодани ўз кўзи билан кўрган хорижий олимнинг шу ҳақдаги сўзлари тўғри бўлса, бу асар сақланган ёки сақланмаганига қарамай, шоир ижодининг энг сўнги намунаси бўлиб қолади.

## КИШАНЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

*Шўро* мамлакатининг бошқа жойларида бўлганидек, Чустда ҳам “эски” ва “янги” большевиклар деган тушунча пайдо бўлган эди. Большевикларнинг шу икки қаноти ўртасида кураш бошланиб, 1937 йил бошларида “эски большевиклар” бирин-кетин қамоққа олиндилар.

<sup>1</sup> “Миллий Туркистон” журнали, 1965, 109-сон. – Б.23.



Шундай кишилардан бири Қосим Ризаевнинг тергов пайтида айтишига қараганда, 1917 йил тўнтаришининг дастлабки йилларидан шўро ҳокимияти тарафига ўтган кишилар “эски большевиклар” бўлиб, улар ҳокимиятни қўлга олгач, деҳқонлар учун яхши турмуш яратиш йўлида озми-кўпми ҳаракат қилишган. “Янги большевиклар” эса “эски большевиклар”нинг шўро давлати олдидаги хизматлари билан ҳисоблашмай, уларни партиядан ўчириш, ишдан сиқиб чиқариш билан машғул бўлишган.

Қосим Ризаев “эски большевиклар”га мисол қилиб Сўфизода номини тилга олган ва у ҳақда бундай маълумотни берган: “Худойбердиев мулла Шарифбой (Сўфизода) 1917 йил инқилобига қадар Абдуқаҳҳор мингбошининг қўлида мирза бўлиб хизмат қилган. Фуқаролар уруши бошланганида Абдуқаҳҳор мингбоши босмачилик шайқасини ташкил қилган. (Шундан кейин) Худойбердиев Самарқандга қочиб кетиб, фуқаролар уруши даврида большевиклар партиясига аъзо бўлиб кирган. 1920 йили Чустга қайтган ва “қизил таёқчалар”га бошчилик қилиб, босмачиларга қарши кураш олиб борган. Аммо орадан бир мунча вақт ўтганидан кейин қизил қўшин томонидан қуролсизлантирилган. Шундан кейин у шеър ёзиш билан машғул бўлди. 1924–25 йилларда у “Коммунистлар ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташляпти, шунинг натижасида аҳоли жабру жафо чекмоқда», деган мазмундаги шеърларини қизил қалам билан деворларга ёзиб ташлади... Уни кузата бошлаганларидан кейин Наманганга кўчиб кетди ва ҳозирги вақтда редакцияда ишляпти. У Наманганга кўчиб борганидан кейин ҳам Чустга тез-тез келиб, коммунистлардан норози эканлигини билдириб туради. У ўзининг норозилиги тўғрисида сўзлаб, бундай деган:

– Бу ҳокимият туман ижроия кўмитаси раислигига алифни кўрса, калтак дейдиган батракларни кўтариб, менга ўхшаган саводли кишиларни бундай лавозимларнинг яқинига ҳам йўлалаштирмайди.

У бундай сўзларни бундан икки йил аввал, яъни 1935 йилда айтган эди”.

1885 йилда туғилган Мулла Эргаш Раҳимбоев ҳам Сўфизодани яхши билган. Чуст амбулаториясида таржимон бўлиб ишлаган бу зот 1937 йил 21 март куни бўлиб ўтган тергов чоғида терговчининг саволларига жавобан шоирнинг Чустга келиб-кетиб турганида кўпинча Усмон Мадалиев, Абдуҳафиз Абдужабборов, Қосим

Ризаев кабилар билан учрашганини айтган. Унинг айтишича, Сўфизода шўро ҳукумати сиёсатидан норози бўлган бу кишилар даврасида:

*1. Сабо, Ленинни уйготгин, Ўзбекистондан хабар олсин,  
Ки билмай қўл кўтарган ишчи-деҳқондан хабар олсин...*

*2. Қизил гулсан тикансиз, сўлма, Ленин, йўлларинг тўғри  
Ва лекин бир неча ўртоқларинг бор, қип-қизил ўғри...*

*3. Марказдаги Ленин ўртоқ, бормисан,  
Чуст шаҳрида камбагаллар эзилди...*

сингари сатрли шеърларини ўқир, улар эса хурсанд бўлганларидан “яша”, “яшавор” деб шоирни табриклашар эди.

Яна шу кишининг айтишича, Сўфизода 1936 йилнинг июль ойида Чустга келганида бозорком чойхонасида ўтириб, атрофида тўпланган кишиларга бундай деган экан:

– Бу шўролар давлати ўзининг чиркин сиёсати билан шундай бир жойга етиб келдики, энди у ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Шўро ҳокимиятининг ағдарилиши яқин йиллар миёнасида содир бўлади. Шўро ҳукуматининг олиб бораётган сиёсати билан оммани ушлаб туrolмайди. Бу ҳукумат ҳамманинг жонига тегиб бўлди. Ҳукумат раҳбарлари йўлдан озиб, нима қилаётганларини ўзлари ҳам билмай қолдилар. Ҳар бир фаросатли одам буни ўз кўзи билан кўриб турипти.

Бутун мамлакат бўйлаб “халқ душманлари” ва “аксилинкилобчилар”ни ахтариш кампанияси авж олган бир даврда НКВД Чуст тумани бўлими ходимларининг бу кампаниядан четда туришлари амримаҳол эди. Бошқа вилоят ва туманларда бўлганидек, улар ҳам энг шимариб, ишга киришиб кетадилар. Ҳибсга олинган ҳар бир кишини дўқ-пўписа билан кўрқитиб, уларнинг ўзлари ва таниш-билишлари ҳақида керакли маълумотни олишга зўр берадилар.

Маълум бўлишича, Сўфизода Абдуҳафиз Абдужабборовнинг илтимоси билан бояги шеърларни унга берган ва у шоир кетганидан кейин бу шеърларни “Қизил партизан” чойхонасида ўқиган экан.

НКВД ходимлари учун шу фактни қўлга киритиш икки қулочлик балиқни жинчилоқдек қармоққа илинтириш билан барабар эди. Улар маҳбусни турли саволларга кўмиб ташлаб, қуйидаги манзарани тиклашга эришадилар:

...1936 йил июль ойининг жазирама кунлари. Абдуҳафиз Абдужабборов кундуз куни, одатига кўра, “Қизил партизан” чойхонасига борганида, чойхонанинг бир чеккасида ўтирган Сўфизода билан Мулла Эргаш Раҳимбоевнинг суҳбатлашиб ўтирганини кўради. У Сўфизоданинг олдига қўлини кўксига қўйган ҳолда келиб, улар билан кўришади. Сўфизода унга бирга ўтиришни таклиф этади. Мулла Эргаш Раҳимбоев суҳбатни бошлаб, бундай сўзларни айтади:

– Мана биз, эски партия аъзолари, ғарибона турмуш кечираяпмиз. Аҳволимизга маймун йиғлайди. Фақат бизнинг аҳволимиз эмас, тиним билмай ишлаганларига қарамай, қора қозонни қайнатишлари ҳам мушкул бўлиб қолди. Бойлар “қулоқ” қилинди. Улардан қолган мол-мулк таланди, заводлар вайрон қилинди. Биз бундай аҳвол билан муросаи мадора қилмасдан, ҳаракат қилмоғимиз лозим. Биз, партиядан ўчирилган “эски коммунистлар”, йиғилишиб, олдимизда турган вазифаларни муҳокама қилишимиз даркор. Бунинг учун, аввало, собиқ партия аъзолари рўяхатини тузмоғимиз керак...

Мулла Эргаш Раҳимбоев шу сўзларни айтгач, Сўфизодага қараб Абдуҳавиз Абдужабборовдан гина қила бошлади:

– Мана, бизнинг бу эски биродаримиз, шундай масалалар билан шуғулланиши лозим эди. Ҳолбуки, у ҳеч нарса қилмасдан, бекорчилик билан умрини ўказаяпти.

Шундан кейин Сўфизода:

– Тўғри айтаяпти. Бирлашмоғингиз лозим...”, – дейди.

Абдуҳафиз Абдужабборов Сўфизоданинг таклифига жавобан агар эски коммунистлар йиғилишадиган бўлса, шундай йиғилишда қатнашишга тайёр эканлигини айтади.

Шу сўзлардан кейин чойхўрлар фотиҳа ўқиб, чойхонани тарк этадилар.

Орадан бир мунча вақт этиб, Абдуҳафиз Абдужабборов яна чойхонага келса, Мулла Эргаш Раҳимбоев чойхона эшиги олдида турган экан. У жўрасини девор томонга етаклаб, у ерга ёзилган сўзларни ўқишни сўрайди. Деворда эса қуйидаги икки сатр ёзилган эди:



*Сабо, Ленинни уйғот, Ўзбекистондан хабар олсин,  
Ки билмай қўл кўтарган ишчи-деҳқондан хабар олсин.*

Абдуҳафиз Абдужабборов Мулла Эргаш Раҳимбоевдан “Бу шеърни ким ёзди?” деб сўраганида у: “Шеърни деворга мен ёздим. Аммо унинг муаллифи – Сўфизода”, – деб жавоб беради.

Маҳбусдан шундай маълумотни олганларидан сўнг, терговчилар, шу йилларда расм бўлган ўйин қондасига кўра, мазкур уч кишининг ёнига яна беш-ўн кишини қўшиб, Чустда гуё мавжуд бўлган яширин аксилинқилобчилик ташкилотини фош этиб, шу ташкилотнинг барча аъзоларини қамокқа олишлари лозим эди. Улар ўзларига берилган барча имкониятни ишга солиб, маҳбусдан қуйидаги кишилардан иборат яширин ташкилотининг борлиги тўғрисидаги сўроқномани тасдиқлатиб оладилар:

1. Муҳаммадшариф Сўфизода Худойбердиев.
2. Шомансуров Мулла Эргаш.
3. Раҳимбоев Мулла Эргаш.
4. Тошматов Исоқжон.
5. Ҳақимов Расимбой.
6. Ризаев Қосим.
7. Абдурахмонов Нишон.
8. Мадалиев Исмон.
9. Маидмуродов Маъруфхон.
10. Содикжон (фамилияси номаълум).
11. Комилов Қундуз.
12. Ризаев Мулла Обид.
13. Абдуҳафиз Абдужабборов.
14. Хусан ошпаз (фамилияси номаълум).

Бу рўйхатнинг кенгайишига бошқа маҳбуслар ҳам ўз “ҳисса”ларини қўшадилар. Шундай қилиб, 1937 йилнинг март-апрель ойларида Чуст туманида “тозалаш” кампанияси бўлиб ўтади.

Чустдаги ёр-дўстларининг қамокқа олинганини эшитган Сўфизода хавотирга тушиб, 1937 йил апрель ойининг бошларида ётиб қолади. Вазиятнинг нозиклиги ва сиҳат-саломатлигининг ёмонлиги Сўфизодани шаҳар касалхонасида ётиб даволанишга

мажбур этади. Шундай кунларнинг бирида Чустдан Р.В.<sup>1</sup> деган юртдоши беморни кўргани келади.

Терговчи 1937 йил 27 апрелда Р.В.ни ҳибсга олинган А.Абдужабборовнинг жинойи иши бўйича гувоҳ сифатида чакиради ва улар ўртасида бундай савол-жавоб бўлиб ўтади:

“САВОЛ. 1937 йилнинг тахминан 8–9 апрель кунлари Сўфизода Наманганда касалхонада ётганида Абдужабборовга қурол топиш лозимлигини таклиф қилганда Сўфизода нима деб жавоб берган? Шу ҳақда сиз билан Сўфизода ўртасида суҳбат бўлиб ўтганми?

ЖАВОБ. 37-йилнинг 8 ёки 9 апрель кунда Наманганда бўлганимда Сўфизода касалхонада Абдужабборов билан Раҳимбоевнинг қамоққа олинганидан хавотирланаётганини айтди. Ундан: “Абдужабборов билан қурол-яроғ масаласида гаплашганим туфайли менга бирор жиддий қор-қол юз бермасмикин?” – деб сўрадим. Сўфизода бунга жавобан шундай деди: “Касал бўлиб ётганимни кўриб турибсиз. Ҳозир сизга бирор маслаҳат бера олмайман. Нимани маъқул кўрсангиз, шуни қилинг. Ҳибсга олинганларнинг бола-чақаларига ачинаман, холос”. Сўфизода шу сўзларни айтиши билан бирдан ўзгариб кетди ва ўзини ёмон ҳис этди. Орамизда бошқа гап-сўз бўлмадган”.

Бундай кўргазма берган Р.В. касалхонага НКВД ходимларининг топшириғи билан бориб, гўё Абдуҳафиз Абдужабборов билан сирдош эканини ва Абдужабборовнинг совет ҳокимиятига қарши курашиш учун гўё унга қурол-яроғ масаласида мурожаат этганини айтиб, Сўфизодадан сир олмоқчи бўлган. Р.В.нинг кимнинг номидан ва нима мақсадда келганини тушунган Сўфизода, кўриб турганимиздек, у билан суҳбатлашишни истамаган. Бинобарин, орган ходимларининг Сўфизода ва унинг дўстларини шўро ҳокимиятига қарши қурол ёрдамида курашиш мақсадида тузилган аксилинқилобий ташкилотнинг аъзолари сифатида айблаш режаси амалга ошмади.

Шунга қарамай, ўша йилнинг 7 май куни Сўфизодани ҳибсга олиш ҳақидаги ҳужжат ва ордерлар НКВД Наманган вилоят бўлими раҳбарлари томонидан имзоланган эди.

---

<sup>1</sup> Р.В. 1897 йили Наманган вилоятининг Турақўрғон вилоятида туғилган. 1932 йилдан бошлаб Чустда яшаган. Туман Осавиахим (кимёвий авиацияга кўмаклашувчи) ташкилотнинг ўқчиларни тайёрлаш бўлимида инструктор бўлиб ишлаган.

## УЙҚУСИЗ КЕЧАЛАР

1937 йил 7 май куни Сўфизодани ҳибсга олиш борасидаги қарор ва ордерга имзо чекилди. ЎзССР НКВД ДХБ 4-бўлимнинг шошилинич ишлар бўйича вакили д/х кичик лейтенанти Мусин томонидан тузилган ва ЎзССР НКВД Наманган вилояти бўлими бошлиғи д/х капитани Шмидт томонидан тасдиқланган қарорда қайд қилинишича, Сўфизода “узоқ давом этган муҳожирликдан сўнг 1919 йили Чустга келиб, аксилинқилобий миллатчилик ҳаракатига бошчилик қилганлиги ва “Миллий истиқлол” аксилинқилобий миллатчилик ташкилотини тузишда фаол иштирок этганлиги” учун ЎзССР Жиноят кодекси 66-моддасининг 1-банди ва 67 моддаси бўйича айбланган. Яна шу қарорда ёзилишича, Сўфизода “шўро ҳокимияти даврида нашр этилган асарлари бўлмаганига қарамай, маҳаллий шўро ташкилотларининг пинжига кириб, “халқ шоири” сифатида нафақа олган”.

4-бўлим ходими Мусин 7 май куни имзоланган 52-рақамли ордерга асосланган ҳолда Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи Муҳаммадшариф Сўфизода Худойбердиевнинг уйида икки кун ичида тинтув ўтказиб, уй эгасини ҳибсга олиши лозим эди. НКВД Наманган вилояти бўлими бошлиғи шу ордер билангина кифояланиб қолмай, 8 май куни 53-рақамли яна бир ордер ёзиб, бу сафар тинтув ўтказиш ва ҳибсга олиш ишини мазкур бўлим ходими Зенкинга топширган. Айни пайтда шаҳар касалхонасида даволанаётган хаста шоирни қамоққа олиш ҳақидаги қарорга имзо чеккан.

Шу куни ярим тунда 4-бўлим ходимлари Мусин ва Дуденко Сўфизода маҳалласидаги 24-уйга бориб, шоирнинг рафиқаси Алиқулова Зебихон гувоҳлигида тинтув ўтказди. Тинтув пайтида Сўфизоданинг паспорти, асосан араб ёзувидаги 42 дона китоб, турли ёзишмалар, табиблик дори-дармонлари солинган қути ва битта ханжар топилиб, олиб кетилади. 4-бўлим ходимларининг бошқа бир гуруҳи эса шаҳар касалхонасига бориб, хаста шоирни қамоққа олади.

Шу куни, яъни 8 майда Сўфизода иштирокида маҳбуслик анкетаси тўлдирилади. Мазкур анкетага қараганда, шоирнинг аслисм-шарифи Худойбердиев Шарифбой бўлиб, 1867 йили Чустда туғилган. Ижтимоий келиб чиқиши – камбағал деҳқон. Муайян машғулот билан шуғулланмаган, нафақахўр. Инқилобга қадар



отасининг қарамоғида яшаган. Инқилобдан кейин эса педагогик фаолият ва ўқиш-ўқитиш ишлари билан машғул бўлган. Хотини Зебихон Алиқулова билан расман ажралган<sup>1</sup>. Шунга қарамай, у билан бир хонадонда яшаган. Зебихон Алиқулова босмачилик ҳаракатида қатнашган Сидиқ қўрбошининг собиқ хотини бўлган. 5–6 йил эски усулдаги мактаб (мадраса) да, 1 йил Туркиядаги дорилмуаллиминда ўқиган. 1919 йилдан 1922 йилгача РК(б)П аъзоси бўлган. Наша чеккани учун партиядан ҳайдалган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъати ва Наманган шаҳар советига аъзо этиб сайланган.

4-бўлимнинг шошилинич ишлар бўйича вакили д/х кичик лейтенанти Мусин ушбу анкетани маҳбус берган маълумотлар асосида тўлдириб бўлгач, Сўфизодани сўроқ қилишга ўтган.

Сўроқ қуйидаги тартибда олиб борилган:

“САВОЛ. Терговга шу нарса маълумки, сиз Ўзбекистоннинг гўё нима учун овоз бераётганини билмайдиган ишчи ва деҳқонларига бағишлаб тухматдан иборат аксилинқилобий шеърни ёзгансиз. Шунга тан оласизми?”

ЖАВОБ. 1921 йили мен қуйидаги шеърни ёзиб, чиндан ҳам, одамлар орасида ўқиганман ва Чуст шаҳрининг деворларига ёзиб қўйганман:

*Сабо, Ленинни уйғот, Ўзбекистондан хабар олсин,  
Сукук Ширози зўраки<sup>1</sup> бир ошёндан хабар олсин,  
Тўқилган ошқи, ҳазрат, мавжси тўфондан хабар олсин,  
Низоми бўридан, қонуни қоплондан хабар олсин.  
Тушунмай қўл кўтарган ишчи-деҳқондан хабар олсин.*

Яна бу шеърни ҳам:

*Қизил гулсан тиконсиз, сўлма, Ленин, йўлларинг тўғри  
Ва лекин баъзи бир ўртоқларинг бор, қип-қизил ўғри.*

Юқоридаги биринчи шеърни 1928 ёки 1929 йилда (аниқ эслолмайман) Қўқон шаҳрида бўлган пайтимда Зайжон Оқилий,

<sup>1</sup> 30-йилларда аксар зиёлилар қатагон этилишлари арафасида хотинларини ГПУ–НКВД зулмидан сақлаб қолиш мақсадида улардан расман ажралганлар.

<sup>1</sup> Бу сатр сўроқномада шундай ёзилган.

Вали Раҳимий, ЎзССР МИҚ раиси Охунбобоев котибиятининг собиқ ходими Мирза Холибхўжа ўртоқларга ўқиб берганман.

САВОЛ. Терговга шу нарса маълумки, сиз бу шеърни 1936 йилда ҳам ўқиб, тарқатгансиз.

ЖАВОБ. Йўқ, мен бу шеърни сўнгги йилларда ҳеч кимга ўқиган ҳам, тарқатган ҳам эмасман.

САВОЛ. Сиз ёлғон кўргазма беряпсиз. Тергов шу нарсани аниқлаганки, сиз юқорида мазмуни келтирилган аксилнқилобий ва бошқа шеърларингизни сўнгги йилларда, чунончи, 1936 йилда, ҳатто 1937 йилда ҳам ўқигансиз. Сиз уларни қачон ва қаерда ўқигансиз?

ЖАВОБ. Йўқ, мен бу шеърни сўнгги йилларда ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ўқимаганман.

САВОЛ. Биринчи шеърдаги “Сукук Широzi зўраки...” сатрининг маъносини тушунтириб беринг. Шу сўзлар тагида нимани назарда тутгансиз?

ЖАВОБ. “Сукук Широzi зўраки...” сатрининг маъноси шуки, шаҳар бошқа-ю кишлоқ бошқа, уларни бир-бирига қўшиш мумкин эмас.

“Сабо, Ленинни уйғот...” шеърини Қўқонда ўқиганлигим хусусидаги кўргазмамга тузатиш киритаман. Мен бу шеърни 1926-27 йилларда, Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти ўтказилган даврда Қўқон шаҳрида Зокиржон Акимий (Раҳимий)нинг уйида ўқиганман”.

8 май куни, ярим кечада бўлиб ўтган сўроқ баённомаси маҳбус шоирнинг шу сўзлари билан тугаган.

Навбатдаги сўроқ орадан икки кун ўтгач, 11 май куни бўлиб ўтган.

Сиз, ҳурматли китобхон, Сўфизода касалхонадан оғир хаста ҳолда келтирилгани учун шу икки кун давомида қамоқхонанинг тиббий бўлимида даволаниб ётган, деб ўйларсиз. Агар шундай хаёлга борган бўлсангиз, 37-йилдаги НКВД ходимларининг қандай кимсалар бўлганини мутлақо билмас экансиз. Мусин шу икки кун мобайнида Сўфизодани шундай қийнаганки, хаста маҳбус ҳатто ўзига-ўзи тухмат қилиб, терговчи томонидан мутлақо бузиб ёзилган сўроқномани тасдиқлашга ва унинг ҳар бир саҳифасига имзо чекишга мажбур бўлган.

Мусин Ўзбекистоннинг биринчи халқ шоирини икки кун давомида қийнаш-азоблаш билангина кифояланмай, 11 май куни

уни икки марта сўроққа чақирган. Ҳар бир сўроқ эса маҳбусни ҳақоратлаш, уни ўзига ҳам, бошқаларга ҳам тухмат қилишга мажбурлашдан иборат ҳамда унга ухлаш ва эркин нафас олиш имкониятини бермаслик эди.

Маҳбус, баённомада қайд этилишича, 8 май куни бўлиб ўтган биринчи сўроқ чоғида терговчининг саволларига жавобан гўё бундай маълумотни берган:

“Мен Афғонистонда мухожирликда бўлган вақтимда педагогик фаолият билан шуғулландим ва “Сирож ул-ахбор” журнали билан ҳамкорлик қилдим. Ўша пайтда Омонуллахоннинг куёви Муҳаммадбек (Маҳмуд демоқчи – Н.К.) Тарзий бу журналнинг муҳаррири эди. Бу воқеа 1916–17 йилларда бўлган. Афғонистонда ҳокимият тепасига Аҳмадбек (Омонуллахон демоқчи – Н.К.) нинг келиши билан Тарзий ташқи ишлар нозири лавозимини эгаллаб, у билан яқин муносабатда бўлди.

1918 йилда (куни ва ойини аниқ эслолмайман) Афғонистон нозири лавозимини адо этаётган Тарзий мени ўз хонадонига таклиф этди. Маҳмуд Тарзий суҳбат чоғида менга қуйидаги таклиф билан мурожаат қилди: “Биз Шўро Туркистонига бир неча ходимларимизни юбормоқчимиз. Шу ходимлар орасида икки нафар туркман ҳам бор. Сиз ўзбек тилини яхши биласиз. Туркистон – сизнинг ватанингиз. Сиз биз учун фойдали киши бўлишингиз мумкин. Агар менинг таклифимга рози бўлсангиз, биз сизни Туркистонга кетаётган одамларимиз билан бирга юборардик”.

Мен Маҳмуд Тарзийнинг таклифини қабул қилиб, Шўро Туркистонига Афғонистон фойдасига ишлашга рози бўлдим.

Маҳмуд Тарзий билан бўлган суҳбатдан кейин бир ҳафта ўтгач, мени Омонуллахон чақириб қолди. Омонуллахоннинг хос хонасида, мендан ташқари, Шўро Туркистонига борувчи яна 11 нафар киши тўпланган эди. Омонуллахон биз, яъни барча йиғилганларлар билан кенгаш ўтказиб, олдимизга Шўро Туркистони худудларида аксилинқилобий ишларни олиб бориб, босмачилик ҳаракатига ёрдам бериш учун бу ҳаракатнинг раҳбарлари билан алоқа ўрнатиш вазифасини кўйди. Омонуллахон шу кенгашда бундай деган эди: “Биз истиқлол – миллий мустақиллик учун кураш олиб бордик ва бу курашда ғалаба қозондик. Биз гарчанд Шўро ҳокимияти билан гўё яхши алоқа ўрнатган бўлсак-да, бизда мавжуд бўлган маълумотга қараганда, большевиклар Туркистоннинг фақат темир йўлида ва муҳим



аҳамиятга эга бўлган йирик шаҳарларида ҳукмронлик қилмоқдалар. Қишлоқ масаласига келсак, қишлоқлар тамомила мужоҳидлар, яъни босмачиларнинг қўлида. Сиз мужоҳидлар ўртасида иш олиб бориш учун Шўро Туркистонига юборилмоқдасиз. Шу мақсадда сизларга варақалар, мужоҳидларга – босмачиларнинг дохийларига совғалар берилади”.

Бизнинг ишимиздан асосий мақсад босмачилик ҳаракатига ёрдам бериш ва унга раҳбарлик қилиш йўли билан Туркистонни Шўро ҳукуматидан ажратиб олиб, уни Афғонистон билан қўшиш эди...”

Терговчи томонидан жиддий таҳрир қилинган ва мутлақо бошқа ранг берилган мазкур сўроқномада ишонарли фактлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, Сўфизоданинг Маҳмуд Тарзий билан яқин алоқада бўлгани, унинг таклифига кўра Шўро Туркистони билан дипломатик алоқа ўрнатиш учун кетаётган делегация таркибига киритилгани, делегация аъзоларининг эса Омонуллахон томонидан қабул қилингани ҳақидаги сўзларнинг ростлиги шубҳа уйғотмайди.

Маҳбуснинг қуйидаги эътирофи эса шоир ҳаётининг муҳожирлик даврига маълум маънода равшанлик бағишлайди:

“Мен, – деб жавоб беради у терговчининг Ҳиндистон ва Афғонистонга қачон муҳожир бўлиб боргани ҳақидаги саволига жавобан, – 1902 йили Русиядан Туркияга муҳожир бўлиб бордим. Туркияда бўлган пайтимда 6 йил Константинопол (Истанбул) да, қолган вақт Бурса, Афшон-Қора Ҳисор ва Куняда яшадим. Туркиядан Русияга тахминан 1910 йили, Султон Ҳамид Поша тахтдан ағдарилган вақтда келдим. Русия, яъни Туркистоннинг Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Чуст шаҳарларида ва Шаҳандда яшадим. 1914 йили Афғонистонга, Кобул шаҳрига муҳожир бўлиб кетдим. Кобулда 1915 йилга қадар яшаб, Ҳиндистонга ўтдим.. Ҳиндистоннинг Пешовор, Чандигар ва Ажмир шаҳарларида яшадим. 1916 йили яна Афғонистонга қайтиб келиб, 1918 йилга қадар Кобулда истиқомат қилдим”.

Сўфизоданинг шу сўзларидан унинг **биринчи хорижий сафари** вақтида дастлаб Туркманистоннинг Марв, Озарбайжон ва Грузиянинг бир неча шаҳарларида, сўнгра 1902 йилдан 1909 йилга қадар бўлган вақтда Туркиянинг Истанбул, Бурса, Афшон-Қора Ҳисор ва Куня шаҳарларида умргузаронлик қилгани (шунингдек, дорилмуаллиминда ўқигани), 1910–1914 йилларда Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Чуст ва Шаҳандда яшагани маълум

бўлади. У иккинчи хорижий сафари вақтида эса дастлаб Афғонистон (1914–1915 йиллар) ва Ҳиндистонда (1915 йил) яшаган, сўнгра Туркистонга қайтиб келгунига қадар яна Афғонистонда (1915–1918 йил) истиқомат қилган.

11 май куни бўлиб ўтган иккинчи тергов пайтида Мусин яна маҳбуснинг “жосулик фаолияти”га доир янги маълумотларни олишга ҳаракат қилади.

Тергов бундай кечган:

“САВОЛ. Сиз Шўро Туркистони ҳудудларига ташланганингиздан кейин қайси соҳада ва қандай аксилинқилобий ишларни олиб боргансиз?

ЖАВОБ. Омонуллахоннинг ҳузурида бўлиб ўтган кенгашдан кейин ҳар биримиз 800 рупий миқдорига пул олдик. Бундан ташқари, бизга 2 тадан от берилди. Ҳар биримиз ўз хоҳишимизга қараб биттадан хизматчи олишимиз мумкин эди. Мен 800 рупий пул, 2 та от олиб, хизматчи сифатида Кобул шаҳрида яшовчи, мозоришарифлик Султонмурод деган битта ўзбекни топдим.

Омонуллахоннинг ҳузурида бўлган кенгашнинг эртасига биз, 12 киши ҳаммамиз, 60 га яқин қуролланган афғон аскарларидан иборат отряд билан чегара томон йўл олдик. Чегара сари борар эканмиз, 8 кунлик йўлдан кейин Азғарот деган жойга келиб қўндик. Кўп ўтмай, консул Бровин бошчилигида Кобулга келаётган совет консулхонаси ходимлари бу жойга етиб келишди. Уларга советларнинг Ҳиротдаги консули Абдулла Авлоний ҳамроҳлик қиларди. Биз совет консулхонаси ходимлари билан учрашув шарафига зиёфат бердик. Ҳар икки томондан табрик сўзлари айтилди. Биз томондан сўзга чиққан Мирза Муҳаммадхон бундай деди: “Шўро Туркистонига қилаётган сафаримиздан мақсад, биринчидан, икки мамлакат (яъни Шўро давлати билан Афғонистон) ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, иккинчидан, босмачилик ҳаракатини бартараф этиш ва Шўро ҳокимиятига қарши курашни тўхтатиш учун босмачилар орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш эди”.

Тантанали учрашувдан кейин Абдулла Авлоний менга мурожаат қилиб, камина билан суҳбатлашиш истаги борлигини билдирди. Мен суҳбатлашишга рози эканимни айтдим. Тахминан ярим соат ўтганидан кейин менинг чодиримда учрашдим. Абдулла Авлоний учрашув пайтида бундай деди: “Мен Мирза Муҳаммадхон сўзларининг Шўро Туркистонига босмачилик ҳаракатини бартараф

етиш мақсадида бораётгани ҳақидаги қисмига тушунмадим. Биз босмачилик ҳаракатининг бартараф этилишига ва бунга четдан ёрдам кўрсатилишига муҳтож эмасмиз. Зеро, биз бу ишни ўзимиз эплаймиз. Айтинг-чи, Сўфизода, сиз Шўро Туркистонига қандай мақсад билан бораяпсиз?..”

Шўро давлати билан дўстлик алоқаларини ўрнатмоқчи бўлган Афғонистон ҳукумати раҳбари, чиндан ҳам, Туркистондаги босмачилик ҳаракатининг якун топиши ва Шимолий Афғонистонга келаётган қочоқлар оқимининг тўхташидан манфаатдор эди. Қолаверса, бу ҳаракат сўнмай туриб Туркистон халқларининг тинч ва осойишта яшаши маҳол эди. Буни яхши тушунган Сўфизода ҳатто Афғонистон консулхонасини тарк этиб, Чустга қайтиб борганидан кейин ҳам босмачилик ҳаракатининг ниҳояланиши йўлида саъй-ҳаракат қилди.

Аммо Сўфизоданинг бу гаплари уни Афғонистоннинг жосуси сифатида айбламоқчи бўлган терговчи мақсадига тамомила зид эди. Шунинг учун у маҳбуснинг сўзларига бутунлай бошқа маъно бериб, сўроқ баённомасини бундай таҳрир қилди:

“Мен Абдулла Авлонийнинг бу сўзларига ошкора жавоб бердим: “Мирза Муҳаммадхон ёлғон гапирди”, деб. Бизнинг асосий мақсадимиз босмачилик ҳаракатига ёрдам бериш ва Туркистон билан Афғонистон ҳудудларида ягона мустақил миллий давлатни барпо этишдир”. Шундан кейин Абдулла Авлоний менга Тошкентдаги мусулмонлар бюросига махфий хат ёзиб беражаги ва унда ушбу суҳбатимиз ва Афғонистоннинг ниятлари баён этилишини айтди. Сўнгра мен Абдулла Авлонийга Афғонистон ҳукумати томонидан Шўро Туркистони ҳудудларига бир гуруҳ кишиларнинг машаққатли иш учун юборилгани ва уларнинг шўро давлати ҳудудларида босмачилар фойдасига аксилинқилобий иш олиб боражакларини айтдим...”

Шубҳасиз, Абдулла Авлоний бундай хатни ёзиб бермаган. Аммо сиёсий уйдирма ва тухмат санъатини мукаммал эгаллаган Мусин бу вазиятдан куйидаги тарзда чиққан:

“Ҳиротда шу нарса маълум бўлдики, – деб давом этади Сўфизода терговчи саволларига жавоб бериб, – хизматкорим Султонмурад шўролар вакили Абдулла Авлоний билан қилган суҳбатимни эшитиб қолиб, ҳамма гапни Мирза Муҳаммадхонга оқизмай-томизмай етказган. Султонмурад Мирза Муҳаммадхоннинг топшириғига биноан қутимдаги Абдулла Авлонийнинг



мусбюро номига ёзган хатини ўғирлаган. Шундай қилиб, мен шўролар худудида бирор аксилинқилобий ишни бажара олмадим”.

Агар ёдингизда бўлса, Абдулла Авлоний Бровиннинг таклифи билан Туркистон К(б)П хузуридаги мусулмонлар бюроси номига хат ёзиб, унда Мирза Муҳаммадхонга ҳурмат кўрсатилишини илтимос қилган эди. Мусин бу хатга аксилинқилобий рух бериш йўли билан нафақат Сўфизоданинг, балки Туркистон К(б)П Марказий Комитети қошидаги мусбюро аъзоларининг ҳам босмачилик ҳаракатини қўллаб-қувватлашда, бинобарин, шўро ҳукуматини ағдаришга қаратилган ҳаракатда айбланиши ва қатағон этилиши учун замин ҳозирламоқчи бўлган.

11 май кунда бўлиб ўтган икки тергов вақтида Мусиннинг маҳбусга нисбатан жисмоний куч ишлатгани шубҳа уйғотмайди. Акс ҳолда Сўфизодадек ўз маслағида қатъий турган кишининг тухматдан иборат баённомаларни ўз имзоси билан тасдиқлаши маҳол. Мусин кекса ва хаста маҳбусни қийнагани туфайли бўлса керак, уни 15 майга қадар терговга чақирмаган. Бинобарин, маҳбус терговдан ҳоли кунларда қамоқхона хузуридаги касалхонада ётган.

Нихоят, терговчи 15 май куни маҳбусни навбатдаги терговга чақириб, 1936 йил ёзида Чустдаги “Қизил партизан” ва “Маориф” деб аталган чойхоналарда кимлар билан бирга бўлгани, қандай шеърлар ўқигани, “эски коммунистлар” ўртасида қандай аксилинқилобий суҳбатлар бўлиб ўтганини сўрайди. Сўфизода шу куни бўлиб ўтган терговда ҳам, 16 май куни Шариф Ёқубов билан юзлаштириш чоғида ҳам терговчига бирор янги маълумот бермай, ўзига қўйилган барча айбларни рад этади.

Ўша кезларда Наманган қамоқхонасида азоб-укубат чекаётган маҳбуслар орасида ўзбек халқининг қомусий билим соҳибларидан бири Исҳоқхон Ибрат билан бирга шоир Рафиқ Мўмин ҳам бўлган. НКВД ходимлари ихтиёрида уларни қораловчи маълумот етарли бўлмагани сабабли 20 май куни бўлиб ўтган терговда Сўфизодадан Рафиқ Мўмин ҳақида, 31 майда бўлиб ўтган терговда Миён Бузрук Солиҳов ҳақида, 8 июнь кундаги терговда эса Исҳоқхон Ибрат ҳақида маълумот бериш сўралади.

Сўфизода Наманганга кўчиб келганидан кейин Рафиқ Мўмин билан аҳён-аҳёнда бўлса ҳам кўришиб турар, лекин вазиятнинг тобора мураккаблашиб бораётганини кўрган бу икки шоир сиёсий мавзуларни мумкин қадар четлаб ўтишар эди. 1935 йили таниқли адабиётшунос Олим Шарафиддинов ўртоқлари билан бирга

Наманган шахрига келганида ҳам, 1936 йили Гафур Гулом билан Элбек “гуллар шахри”га ташриф буюришганида ҳам Рафиқ Мўмин меҳмоннавоз киши сифатида тошкентлик биродарларини уйига таклиф этган ва шундай ўтиришларда Сўфизода ҳам иштирок этган эди. Меҳмонлар шарафига берилган бу зиёфатларда бирор бегона киши қатнашмаганлиги боис 4-бўлим изкуварларида шу ҳақда бирор маълумот бўлмаган. Мусин қанчалик ҳаракат қилмасин, Сўфизода унинг илмоқли саволларига фақат мазкур меҳмондорчиликларда иштирок этганлигини айтган, холос. Яна маҳбуснинг айтишига қараганда, 1937 йил май ойининг бошларида шаҳар касалхонасида ётганида Рафиқ Мўмин азиз дўстининг сиҳат-саломатлигидан хабар олиш учун борган экан.

Шу куни маҳбусдан тайинли маълумот ола билмаган терговчи раҳбарларининг қаҳрига учраган бўлса керакки, эртасига, 21 май куни, маҳбусни яна терговга чақириб, ундан куйидаги саволларга жавоб беришни қатъий талаб қилган:

“САВОЛ. Аксилинқилобий иш олиб бориш учун хориждан шўро худудларига ташланган шахслардан кимларнинг исм-шарифларини айтинг.

ЖАВОБ. Аксилинқилобий иш олиб бориш учун Афғонистондан шўро худудларига мен билан бирга ташланганлар орасида куйидагиларни биламан:

1. Абдумухаммадхон, фамилиясини билмайман, 30 ёшда, миллати афғон, ўша пайтга эгаллаган мавқеига кўра, капитан – афғон кўшини кўмондони. Кобулда ҳарбий мактабни тугатган.

2. Абдукаримхон, фамилиясини билмайман, 40–45 ёшларда, миллатини аниқ билмайман, афғон бўлса керак, балки тожиқдир, кобуллик. Кобулда қаерда ва ким бўлиб хизмат қилганини билмайман.

Бошқалари ёдимда йўқ.

САВОЛ. Сиз чет эл разведкачиларини терговдан яшираяпсиз. Дастлабки кўргазмаларингиздан бирида сиз Мирза Муҳаммадхон билан Абдуллажондан бошқа ҳеч кимни билмайман, деган эдингиз. Тергов сиздан муфассал ва ҳаққоний кўргазмалар беришни талаб қилади.

ЖАВОБ. Мен аввал фақат Мирза Муҳаммадхон ва Абдуллажон тўғрисида кўргазма берганимда бошқаларни эслай олмаган эдим. Энди Абдулхамидхон билан Абдуллажон ҳам ёдимга

тушди. Аксилинкилобий иш олиб бориш учун мен билан бирга шўро худудларига ташланган бошқа кишилар ёдимда йўқ”.

Хаста маҳбуснинг 1937 йил терговчиларига бундай жавоб бериши, ўзининг ва бошқаларнинг бошига тош бўлиб ёғилиши мумкин бўлган булутлардан халос этиши чин маънода жасорат эди.

Терговчилар айна кунларда ҳибсга олинган наманганлик бошқа маданият ва маърифат аҳли бўйича ҳам тергов ишларини олиб бораётган эдилар. Шундай кишилардан бири азиз номи юқорида тилга олинган Исҳоқхон Ибротдир.

1937 йил 17 май куни бўлиб ўтган тергов чоғида д/х сержанти Деревянченко Мусиннинг топшириғига биноан Исҳоқхон Тўра Жунайдуллаевдан бошқа танишлари қатори Сўфизода ҳақида ҳам кўргазма беришни талаб қилган. Маҳбус “Наманган шаҳрининг Сардоба қисмида яшовчи яхши таниши” ҳақида бундай сўзларни айтган:

“ЖАВОБ. 1935 йилнинг ёзида, аниқ ёдимда йўқ, узум пишган пайтда Намангандан Тўрақўрғонга, Абдумуталиб (фамилиясини билмайман) нинг уйига менинг яхши танишим Сўфизода Муҳаммадшариф келган. У Абдумуталибнинг ўғли Фаёз орқали мени чақиртирди. Бу менинг у билан сўнгги учрашувим эди.

САВОЛ. Сизнинг танишингиз Сўфизода Муҳаммадшариф 1935 йили Тўрақўрғонга нимага келган?

ЖАВОБ. Мен шахсан Сўфизоданинг Тўрақўрғонга нима мақсадда келганини сўрамаганман, шу ҳақда унинг ўзи ҳам гапирмаган.

САВОЛ. Сўфизода билан Тўрақўрғонда учрашганигизда нима тўғрисида суҳбатлашгансиз?

ЖАВОБ. Умумий масалалар ҳақида суҳбатлашганмиз.

САВОЛ. Умумий масалалар ҳақида нима дегансизлар?

ЖАВОБ. Ёдимда бор, биз Наманган шаҳридаги молларнинг нарх-наволари ҳақида гаплашганмиз. Ёдимда йўқ, нима муносабат биландир Сўфизода инқилобдан кейин Термизда армияда хизмат қилганини, кўли остида 50 нафар аскар бўлганини ва у бу аскарлар билан Совет Иттифоқи чегараларини ҳимоя қилганини айтган. Сўфизода ўша пайтда чегарада хизмат қилганида бир неча кор-қолларни бошидан ўтказган. Шундай ҳоллар бўлганки, бошлиқлар хизмат пайтида чегарада унинг бир ўзини озиқ-овқатсиз, отларни эса ем-хашаксиз қолдириб кетишган. Ёдимда йўқ, ўша пайтда орамизда бошқа бирор суҳбат бўлиб ўтганми-йўқми, билмайман,



аммо мен ўшанда у билан 1–2 соат бирга бўлиб, кейин уйимга қайтиб кетганман, у эса ўша ерда тунаб қолган”.

Терговчи билан Исҳоқхон Ибрат ўртасида бўлиб ўтган шу савол-жавобни келтиришдан мақсад аслида Сўфизода ҳаётининг ҳозиргина ҳикоя қилинган номаълум саҳифасини ёритишдир. Аммо атоқли тилшунос ва тарихчи олим Исҳоқхон Ибратнинг қаламкаш дўсти тўғрисидаги сўзлари ҳам китобхонлар учун қизиқарли бўлса керак, деган ниятда кўчирмани келтиришда давом этамиз:

“САВОЛ. Сизнинг Сўфизода билан суҳбатингиз қай вақтда бўлиб ўтган?

ЖАВОБ. Кечкурун, тахминан соат 10 ларда.

САВОЛ. Сўфизода Муҳаммадшариф билан қачондан бери танишсиз?

ЖАВОБ. Мен Сўфизода билан 1927 йилда танишганман. У ўша пайтда мактабда муаллим бўлиб ишларди. Мен унинг ёзувчи эканлигини билиб қолдим. Мен ҳам ўша вақтда Фарғона водийсини тасвирлаш бўйича ишлай бошлаган эдим. Ана шу ҳол сабаб бўлиб бир-биримиз билан танишиб қолганмиз.

САВОЛ. Сўфизоданинг ўтмишдаги аксилинқилобий фаолияти тўғрисида нималарни биласиз?

ЖАВОБ. Сўфизоданинг на ўтмишдаги, на ҳозирги пайтдаги аксилинқилобий фаолияти тўғрисида бирор нарсани билмайман”.

Терговчилар қанчалик уринмасинлар, Сўфизоданинг на жосус ва на аксилинқилобчи сифатидаги фаолиятини тасдиқловчи далилларни топдилар. Шунинг учун ҳам улар Сўфизодани сохта кўргазмалар асосида “Миллий иттиҳод” ташкилоти ва “Нашри маориф” жамиятининг аъзоси бўлганликда айбламоқчи бўлдилар. 2 юнь куни ўтказилган терговда Сўфизода терговчининг шу борада қўйган айбларини қатъиян рад этди. Шундан сўнг терговчи маҳбусни сўнгги тузоққа илтириш мақсадида савол-жавобларни куйидаги ўзанга кўчирди:

“САВОЛ. Сиз Абдуғафур ва Эргаш Шомақсудовлар, Музаффаров Султонмурод, Беганджеров Отабой, Мулла Бафоев билан Ризаев Обид ва Ваҳобов Командор маҳсумларни биласизми?

ЖАВОБ. Ҳа, биламан. Тилга олинган кишилар 1919–23 йилларда Чустда совет ва партия йўналишидаги масъул лавозимларда ишлашган. Мен партия ишида бўлганимда улар билан бирга ишлаганман.

САВОЛ. Кулоқ фарзанди, собиқ полицияси Шоиноятов Шомансурни биласизми?

ЖАВОБ. Ҳа, биламан.

САВОЛ. 1920–23 йилларда Чустда яшаганингизда Шоиноятовнинг уйида неча марта бўлгансиз?

ЖАВОБ. Шоиноятов Шомансурнинг таклифи билан Шоиноятов Шомансурнинг уйида бир марта бўлганман.

САВОЛ. Қачон?

ЖАВОБ. Аниқ эслолмайман. Эҳтимол 1922 ёки 1923 йилдадир.

САВОЛ. Шоиноятовнинг уйида ким билан бирга бўлгансиз?

ЖАВОБ. Бир ўзим.

САВОЛ. Нега Шоиноятов сизнинг бир ўзингизни уйига таклиф қилган?

ЖАВОБ. Меҳмонга.

САВОЛ. Терговга шу нарса маълумки, Шоиноятовнинг Чустдаги уйида “Нашри маориф” аксилинқилобий ташкилоти аъзоларининг яширин кенгаши бўлиб ўтган. Сиз “Нашри маориф” ташкилотининг қанча кенгашларида иштирок этгансиз?

ЖАВОБ. Мен “Нашри маориф”нинг бирорта ҳам кенгашида иштирок этмаганман.

САВОЛ. Ёлғон гапираяпсиз. Терговга шу нарса маълумки, 1923 йили Шоиноятов Шомансурнинг уйида “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотининг йиғилиши бўлган. Бу йиғилишда ташкилотга янги аъзоларни қабул қилиш масаласи, шунингдек, ташкилотнинг йиллик иш режаси муҳокама қилинган.

ЖАВОБ. Йўқ. Мен бундай йиғилишларда қатнашмаганман”.

Орадан етмиш йилдан зиёд вақт ўтганидан кейин НКВД ходимларининг минглаб бегуноҳ кишиларни қириб ташлаш мақсадида улар бошига шундай тухмат тошларини отгани, “Миллий иттиҳод” ташкилоти билан “Нашри маориф” жамиятининг фарқига бормай, ким бир-бирининг уйига борган бўлса, уни “Миллий иттиҳод” ташкилоти ёки “Нашри маориф” жамиятининг аъзоси сифатида отиб ташлагани ёки қамоқхона ва лагерларда чиритгани кимгадир эртаси бўлиб туюлиши мумкин. Афсуски, шўролар даврида НКВД ходимлари томонидан тўқилган шундай эртақлар туфайли минглаб Сўфизодалар, Исҳоқхон Ибратлар, Рафиқ Мўминларнинг умри хазон бўлган. Бу бегуноҳ кишилар бошига тушган кўргиликлардан уларнинг фарзандлари ҳам “бебаҳра қолмаганлар”.

Хуллас, 1937 йил 25 июлда Мусин исмли иблис қўли билан тузилган “Айбнома” асосида ўша йилнинг 17 август куни ЎзССР НКВД қошида тузилган “учлик” Муҳаммадшариф Сўфизода, Мулла Эргаш Шомансуров, Абдуҳафиз Абдужабборов, Обид Ризаев ва бошқаларга олий жазо бериш ҳақида қарор қилади. Сўфизода устидан чиқарилган ҳукм 1937 йил 15 сентябрда ижро этилади. Сўфизоданинг тақдирдан биродарлари эса ундан 21 кун аввал, 26 августда отиб ташланади.

Шўро давлати ўз халқини киришда ана шу тарзда давом этди...

\* \* \*

Ҳурматли китобхон!

Мен қўлингиздаги рисолаи ёзсамми ё ёзмасамми, деб узоқ ўйландим. Ҳатто ҳозир сўнгги нуқтани қўйиш арафасида эканман, рисолаи ёзиб тўғри қилдимми ё йўқми, деган хаёл мени ҳамон кемириб турибди.

Бундан йигирма йил илгари XX аср ўзбек адабиёти тарихининг таркибий қисми ҳисобланган М.Сўфизода ижоди сўнгги ўзгаришлар натижасида аввалги қимматини анчагина йўқотди. XX асрда рўй берган оламшумул катаклизмлар Сўфизодани мамлакатма-мамлакат сарсон-саргардон этибгина қолмай, унинг бир-бирига зид икки ижтимоий қутб ўртасида ўз ўрнини тополмай, сарсон бўлишига ҳам, кимларнингдир ҳавоий гапларига учиб адашишига ва катта хатосини ниҳоятда кеч, ҳаддан зиёд кеч тушунишига сабаб бўлди.

Ким билади, балки Муқимий ва Фурқатлар ҳам унга замондош бўлиб яшаганларида XX асрнинг қоронғи кўчаларида шундай адашиб юрган бўлармидилар. Ҳар ҳолда шу нарса маълум бўлмоқдаки, тарихнинг алғов-далғовдан иборат бурилиш нуқталарида, айниқса, инкилобий талотўплар даврида дунёга келган истеъдодли кишиларнинг денгиз янглиғ тинимсиз чайқалиб турган ҳаётдан ўз ўрниларини топишлари ва, айниқса, ижод билан шуғулланишлари қийин кечар экан.

Тарих Сўфизодага шундай даврда, шу давр вулқони қайнаб-отилиб турган мамлакатда туғилиш ва яшаш машаққатини раво кўрди. У шу даврда билганича яшади, билганича ижод қилди. У бошқа бирор нарсага даъво қилмади. Аммо Омад юлдузи ундан юз



Ўғирмаганида, у камида XX аср ўзбек адабиётида улуғ ҳажвчи шоир бўлиб қолган бўларди.

Майли, келинг, икки қўлимизни очиб, дуо қилайлик: илоҳи жабрдийда шоирнинг охирати обод, руҳи шод бўлсин.

## МУНДАРИЖА

Дебоча .....	3
Сўфизода ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихига бир назар .....	8
Сўфизода қачон туғилган? .....	8
Болалик ва ёшлик йиллари .....	11
Шоирлар шаҳрида .....	16
Сарсонлик ва саргардонлик йиллари .....	21
Она заминда .....	34
Афғон юртида .....	44
“Сипож ул-ахбор” саҳифаларида .....	45
Афғон юртидаги ўзгаришлар .....	52
Афғон-совет алоқаларининг ўрнатилиши .....	55
Яна она заминда .....	59
Чустда.....	63
Маърифат боғлари .....	67
Турфа хотиралар .....	74
Наманганда .....	82
Сўфизода шеърларига бир назар .....	89
Фахрий унвон ёки Нафақа ташвишлари .....	96
Ғанимат кунлар .....	98
Сўфизода ва Партавий .....	102
Озодликнинг сўнгги онлари .....	107
Кишанларнинг ясалиши .....	111
Уйқусиз кечалар .....	116

**Наим Каримов**

**МУҲАММАДШАРИФ СЎФИЗОДА**

Давр силсилалари шоир тақдирида

*Муҳаррир:*  
**Акрам Деҳқон**

*Дизайнер:*  
**Асқар Ёқубжонов**

*Техник муҳаррир:*  
**Файзулло Азизов**

«Muharrir» нашриёти  
Лицензия: АИ № 099.2008 йил 24 март

Теришга 2012 йил 8 октябрда берилди.  
Босишга 2012 йил 3 декабрда рухсат этилди.  
Бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Vertec Times» гарнитурасида  
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.  
8,25 шарт.б.т. 6,6 ҳисоб нашр.таб.  
Адади 300 нусха.139-сон буюртма.

«Muharrir» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.  
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.  
e-mail: [muharrir@list.ru](mailto:muharrir@list.ru)



ISBN 978-9943-25-143-4



9 789943 251434